Дастлаб ДНК намуналарининг сифати ва миқдори аниқланиб RT-PCR (реал вақт оралиғидаги ПЗР) амалга ошириш учун таёрланди. RT-PCR LightCycler 480-II (Roche Life Science, АҚШ) ускунасида ва LightCycler 480 SYBR Green I Master (Roche Life Science, АҚШ) кимёвий тўпламидан фойдаланиб амалга оширилди. RT-PCR ўсимлик тўқимасига киритилган вектор-конструкцияси учун тегишли бўлган NPT II (Neomycin phosphotransferase) ва назорат гени сифатида UBC1 (UBIQUITIN CARRIER PROTEIN 1) генлари учун тузилган праймерлар воситасида амалга оширилди.

Олинган натижалар устида арифметик  $(X0/R0 \frac{1}{4} 10[(Ct, X IX)/SX]) [(Ct, R IR)/SR])$  формула ёрдамида таҳлиллар олиб борилди. Олинган биотехнологик ғўза линиялар геномидаги ген-конструкциялари нусхалари сонини аниқлаш орқали ушбу ўсимликларни генетик барқарор ёки ўзгарувчан эканлиги исботланди. Ҳозирда ушбу ўсимликларни ген-экспрессия даражаларини молекуляр баҳолаш тадқиқодлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда РНКи технологияси ғўзада маълум бир белги-хусусиятни бошқарувчи генларни модификация қилиш орқали биотик ва абиотик таъсирларга чидамли, серҳосил ҳамда эртапишар формаларини олиш ва қишлоқ хўжалигига тижоратлаштириш имконини беради. Ушбу усулнинг анъанавий селекция усулларида афзаллиги қисқа муддатда янги нав яратиш, яратилган навларнинг генетик ишончлилиги юқорилиги билан изоҳланади.

## **ИЗУЧЕНИЕ ЭКСПРЕССИИ ГЕНОВ ХЛОРИДНЫХ КАНАЛОВ В РАЗЛИЧНЫХ ОРГАНАХ КРЫСЫ**

Носирова М.Б., Кулибоев А.К., Якубов И.Т.

Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
maftunchik16@mail.ru

Хлоридные каналы являются анионными каналами и обладают различными физиологическими функциями. В частности, к числу их важнейших функций



относится регуляция клеточного объема, ионного гомеостаза и трансэпителиального транспорта ионов. Транспорт ионов хлора через плазматическую мембрану играет важную роль в регуляции возбудимости мышц и нейронов. При закислении внутриклеточных компартментов, например, эндосом, транспорт в них  $\text{Cl}^-$  по соответствующим каналам нейтрализует положительный заряд протонов, переносимых  $\text{H}^+$ -АТФазами. Помимо этого, транспорт ионов хлора играют важную роль в секреции соляной кислоты в желудке. Было предположено, что в этом процессе участвуют внутриклеточные хлоридные каналы (CLIC).

Целью настоящей работы является изучение экспрессии генов внутриклеточных CLIC хлоридных каналов в различных органах крысы.

Общую РНК из различных органов крысы выделяли по стандартной методике. Далее из суммарной РНК получали кДНК с помощью обратной транскриптазой. кДНК амплифицировали методом полимеразной реакции используя специфические праймер пары для CLIC каналов. Количества амплификантов оценивали с помощью программы ImageJ после проведения геле-электрофореза в агарозной геле. Биоинформатический анализ транскриптом органов крысы и очищенных париетальных и ECL клеток проводили с помощью программы леток проводили с помощью программы GeneSpring и Excel 2013.

Ранее нами с помощью метода олигонуклеотид микрочип анализа желудка крысы был обнаружен, что в желудочных клетках экспрессируются различные типы транспортеров и каналов хлоридных ионов, такие как CLIC, ClcnkV, Clns1a, similar to Clcn 4-2, Clca\_predicted, Mid-related choride channel и другие. Из внутриклеточных CLIC каналов наиболее высокие уровни ген экспрессии обнаружены для CLIC1 и CLIC5 в различных органах крысы, таких как желудок, яичник, почка и сердце крысы. В то время как высокие уровни ген



экспрессии выявлены у CLIC6 в желудке и очищенных париетальных клетках желудка. Полученные результаты транскриптов хлоридных каналов с помощью олигонуклеотид микрочип анализа были подтверждены проведением полимеразной цепной реакции.

Дальнейшие исследования экспрессии CLIC белков в различных органах позволяет выяснить функции внутриклеточных белков в периферическом регулировании транспорта хлоридных ионов, т.е в секреции желудочной кислоты в желудочно-кишечном тракте.

### **ХРИЗОЭРИОЛ ФЛАВОНОИДИ ВА УНИНГ ҲОСИЛАСИ 5-ГИДРОКСИ-3'-МЕТОКСИ-7,4'-ДИАЦЕТИЛ-ОКСИФЛАВОННИ ЭНДОТЕЛИЙГА БОҒЛИҚ ТАЪСИР МЕХАНИЗМИ**

Омонтурдиев С.З.<sup>1</sup>, Зарипов А.А.<sup>2</sup>, Комилов Б.Ж.<sup>3</sup>, Усманов П.Б.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

<sup>2</sup> ЎзМУ хузуридаги биофизика ва биокимё институти

<sup>3</sup> ЎзР ФА С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти

СМҲларининг қисқариш фаоллигида эндотелий хужайралари муҳим роль ўйнайди ҳамда бир қатор вазоактив омилларни юзага келтириш орқали СМҲнинг функционал ҳолатини модуляция қилиш ва қон томир тонусини ушлаб туришни таъминлайди. Улардан асосий ролни азот оксиди (NO) ўйнайди, у эндотелий хужайраларида NO синтаза (NOS) ёрдамида синтезланади ва қон томир силлиқ мускуллари бўшашишида асосий воситачи ҳисобланади.

Тажрибалар ок, зотсиз эркак каламушларнинг (200-250 г) аорта препартларида олиб борилди. Тажриба ҳайвонлари цервикал дислокация усулида жонсизлантирилди ва кўкрак қафасини очилиб, аорта қон томири жарроҳлик усулида ажратиб олинди ва Кребс - Хензелейт физиологик эритмаси (мМ): NaCl 120,4; KCl 5; NaHCO<sub>3</sub> 15,5; NaH<sub>2</sub>PO<sub>4</sub> 1,2; MgCl<sub>2</sub> 1,2; CaCl<sub>2</sub> 2,5; C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> 11,5, NEPES pH 7.4 билан перфузияланган махсус камерага (5 мл) жойлаштирилди.



Айрим тажрибалар учун таркибида  $\text{Ca}^{2+}$  бўлмаган Кребс эритмалар ҳам ишлатилди. Аорта ҳалқалари Grass FT.03 (Grass-Telefactor, США) датчикига платинали симдан ясалган илгаклар ёрдамида уланди. Бундай ҳолатда аорта ҳалқалари 60 мин. давомида мувозанатга келгунга қадар ушлаб турилди.

Юқоридаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган флавоноидларнинг релаксат таъсирини таъминлашда эндотелийнинг иштирокини текшириш учун аорта силлиқ мускул препарати эндотелий қавати олиб ташланган ва эндотелий қавати мавжуд бўлган шароитларда 1 мкМ ФЭ ёрдамида қисқариш чақирилди. ФЭ таъсирида аорта препаратида 10 мН гача чақирилган қисқариш амплитудаси тажриба ўтказиш учун меъерий ҳолат ҳисобланади. Аорта препаратининг эндотелий қавати йўқлигини 0,1 мкМ ацетилхолин ёрдамида текширилади. Ушбу тажрибаларда хризозериол флавоноиди ва унинг ҳосиласини эндотелий мавжуд бўлмаган шароитда ўрганганимизда, ушбу флавоноидлар сезиларли таъсирга эга эканлиги аниқланди. Даставвал 1 мкМ фенилэфрин ёрдамида чақирилган аорта қисқаришини хризозериол ва унинг ҳосиласининг 20 мкМ концентрациясида релаксат фаоллик мос равишда  $25,2 \pm 3,3\%$  ва  $16 \pm 3,7\%$  га камайтириши аниқланди. Эндотелий қавати мавжуд шароитга нисбатан  $31,4 \pm 3\%$  ва  $58,8 \pm 3,4\%$  га камайиши аниқланди.

Тажриба, натижалари серияси шуни кўрсатдики ўрганилган флавоноидлар кучли релаксат таъсирга эга бўлиб бу эса эндотелийга боғлиқ жараёнлар асосида амалга ошади.



## НУКЛЕОТИДНАЯ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТЬ ГЕНА *NAM-A1* ИНТРОГРЕССИВНЫХ ЛИНИЙ ПШЕНИЦЫ И ИХ РОДИТЕЛЬСКИХ ФОРМ

Орловская О.А., Яцевич К.К., Хотылева Л.В., Кильчевский А.В.

Государственное научное учреждение «Институт генетики и цитологии Национальной академии наук Беларуси», Республика Беларусь  
O.Orlovskaya@igc.by

У пшеницы наряду с геном *NAM-B1* важную роль в регуляции метаболических процессов играет ген *NAM-A1*. Зарубежными учеными в гене *NAM-A1* выявлены 2 функциональные однонуклеотидные замены: в позициях 722 (Т/С) и 1509 (А/del), на основании которых выделяют 4 гаплотипа данного гена (a, b, c, d). Известно, что гаплотип *NAM-A1a* наиболее часто встречается у генотипов пшеницы с высоким содержанием белка в зерне, но для большинства современных высокопродуктивных сортов характерен гаплотип *NAM-A1d*. С целью обогащения и улучшения генофонда мягкой пшеницы в скрещивания с сортами *T. aestivum* нами привлечены тетраплоидные и гексаплоидные виды рода *Triticum*. В результате проведения секвенирования определена нуклеотидная последовательность полноразмерного гена *NAM-A1* у 22 интрогрессивных линий, созданных на основе сортов мягкой пшеницы (Рассвет, Саратовская 29, Фестивальная, Белорусская 80, Pitic S62) и образцов видов рода *Triticum* (*T. dicoccoides* к-5199, *T. dicocum* к-45926 и *T. timopheevi*, *T. durum*, *T. kiharae*, *T. spelta* к-1731).

Большинство изученных нами сортов мягкой пшеницы имеют гаплотип *NAM-A1d* (722Т и 1509del), а сородичей пшеницы - гаплотип *NAM-A1a* (722С и 1509А). Среди родительских генотипов гаплотип *NAM-A1c* выявлен только для *T. spelta* к-1731 (722Т и 1509А). Впервые установлены и зарегистрированы в международной молекулярной базе данных GenBank полноразмерные нуклеотидные последовательности гена *NAM-A1* образцов *T. dicoccoides* к-5199,



*T. timopheevi*, *T. kiharae* (коды доступа MW384855, MW384857 и MT572492 соответственно), которые характеризуются наибольшим сходством с геном *NAM-A1* имеющегося в базе генотипа *T. aestivum* (MH160778) и отличаются от него 2 SNPs (*T. dicoccoides* к-5199) и 6 SNPs (*T. timopheevi*, *T. kiharae*). Анализ результатов секвенирования показал, что 54,56% интрогрессивных линий пшеницы имеют гаплотип *NAM-A1d*; 36,35% - гаплотип *NAM-A1a* и 9,09% - гаплотип *NAM-A1c*. Можно отметить, что линии пшеницы с чужеродным генетическим материалом, как правило, наследовали ген *NAM-A1* исходного сорта пшеницы.

Присутствие гаплотипа *NAM-A1a* связывают с более интенсивным процессом ремобилизации азота, что приводит к повышенному содержанию белка в зерне. В связи с этим, выявленные нами генотипы с гаплотипом *NAM-A1a* представляют ценность для селекции, направленной на улучшение качества зерна мягкой пшеницы.

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕСТИЦИД ГАЛАКСИФОБ-Р-МЕТИЛ БИЛАН ЗАҲАРЛАНТИРИЛГАН КАЛАМУШЛАРНИНГ ЖИГАРИДАГИ ҚОЛДИҚ ПЕСТИЦИДЛАРНИ АНИҚЛАШ**

Парпиева М., Мирхамидова П., Туйчиева Д., Хусанова А.

Андижон давлат университети  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Қишлоқ хўжалигида самарали ҳосилдорликка эга бўлиш мақсадида турли хилдаги пестицидлардан кенг фойдаланилади. Пестицидлар қишлоқ хўжалигида ўзининг ижобий натижаларини бериши билан бирга атроф-мухитга тупроқ, сув ва ҳавога тез ўтади ҳамда қолдиқ сифатида тўқима хужайраларда тўпланadi. Пестицидлар организмга қандай йўл билан киришидан қатъий назар, аввало



жигар тўқимасида тўпланади. Маълумки, ҳар қандай ксенобиотиклар қатори пестицидлар ҳам ҳужайра мембранасининг структура компонентларидан липид қатламига таъсир кўрсатиб, бир қатор ферментларни фаолигини ўзгаришига олиб келади. Бунинг сабаби мембрана липидларининг пероксидли оксидланишининг (ЛПО) тезлашиб кетиши ва эркин радикаллар генерацияси ортиши билан намоён бўлади. Пестицидлар асосан организмнинг ёғ тўқималарида тўпланади. Адабиётларда қолдиқ пестицидлар ЛПОни бузилишига ва антиоксидант ферментлар фаоллигига таъсири кўрсатилган. Қолдиқ пестицидлар инсон организмнинг барча системаларини жароҳатлаши ва турли хил патологик ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарлантирилганда барча тўқималарнинг шикастланишида, суяк илиги элементларида ва периферик қонда морфологик, ички секреция безлари, жигар, буйрак, юрак мускуллари, бош мия ҳужайраларида структура ўзгаришлари кузатилади. Аммо арилоксифеноксипропионатлар синфига мансуб бўлган галаксифоп-Р-метил пестицидининг каламуш жигар тўқимасига кумулятив таъсири тадқиқ этилмаган. Галаксифоп-Р-метил ( $C_{16}H_{13}F_3ClNO_4$ ) синтетик гербицид бўлиб, препарат 10,4% концентрациядаги эмулсия кўринишига эга. Каламушларда галаксифоп-Р-метилнинг  $LD_{50}$  дозаси– 623 мг/кг га тенг. Ушбу доза одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун ўртача захарли ҳисобланиб, 2-синф захарлилик даражасига эга. Галаксифоп-Р-метил бир ва икки уруғпаллали ўсимликларни униш даврида гербицид сифатида бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши бир марталик курашиш учун тавсия этилади.

Ишнинг мақсади галаксифоп-Р-метил пестицидини каламуш жигар тўқимасида кумулятив хусусиятини ўрганишдан иборат.

Галоксифоп-Р-метил пестициди каламушлар ошқозонига махсус зонд орқали  $LD_{50}1/10$  бир марта юборилди. Каламуш жигар тўқималарида қолдиқ



пестицид юборилган кундан 5, 10, 20, 30, 40 ва 50 кун ўтгандан кейин аниқланди. Жигар намуналаридаги галаксифоп-Р-метилни миқдорий таҳлили учун ВЭЖХ МС (6420 TripleQuadLC/MS (AgilentTechnologies, USA) қурилмасидан фойдаланилди. Галаксифоп-Р-метил билан заҳарлантирилган каламуш жигарини АРСІ (Atmospheric-pressure chemical ionization) усули ёрдамида ацетонитрил билан экстракция қилинди.

Галаксифоп-Р-метил билан заҳарланган каламушлар жигаридаги қолдиқ пестицидларнинг миқдорини аниқлаш учун хроматография таҳлил ўтказилди. Олинган натижаларга кўра, заҳарланишдан кейинги 5-кунида қолдиқ пестициднинг энг юқори концентрацияси аниқланиб, каламушлар жигари намуналари хроматограммаларида 1 грамм намунага нисбатан ўртача галаксифоп-Р-метилни қодиғи 0.0174 мкг/г ни ташкил этди. Тажрибанинг 10-кунида жигари намуналаридаги галаксифоп-Р-метилни қодиғи 0.00159 мкг/г ни, 20-кунида 0.000179 мкг/г ни, 30-кунида эса қолдиқ пестицид миқдори кескин камайган бўлиб, 0,000128 мкг/г ни ташкил этди. Тажрибаларда каламушларга юборилган галаксифоп-Р-метил 40-кунларга келиб организмни секинлик билан тарқ этиши аниқланди ва жигар намуналарида пестицид қолдиғи аниқланмади.

## **КАЛАМУШ ЖИГАР МИТОХОНДРИЯСИ НАФАС ОЛИШИ ВА ОКСИДЛАНИШЛИ ФОСФОРЛАНИШ ЖАРАЁНИГА ГОССИТАН ПОЛИФЕНОЛИНИНГ ТАЪСИРИ**

Позилов М.К., Толлибоева Ф.Т., Махмудов Р.Р.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

Митохондрия хужайраларнинг «энергетик генератори» ҳисобланиб, бу органеллада АТФ синтез бўлиш механизми П.Митчеллнинг хемиосмотик назариясида асослаб берилган. Хемиосмотик назарияга мувофиқ, АТФ синтези митохондрияда мембрана потенциали ( $\Delta\psi_m$ ) мавжудлиги туфайли амалга ошади.



Электрон ташиш занжирида субстратларнинг кислород таъсирида оксидланиши ва электрон жуфтликларининг митохондрия ички мембранасида электрокимёвий градиент юзага келтириш учун протон насоси томон узатилиши амалга ошади. Митохондрия мембранасида протон градиентининг сақланиши хужайра учун ҳаётий муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Митохондрияда оксидланишли фосфорланиш (ОФ) натижасида синтезланиб турадиган АТФ нафақат митохондрияни балки хужайрадаги муҳим функцияларни энергия билан таъминлаб туради. Ўсимликлардан ажратиб олинган кўплаб бирикмалар митохондрия энергетик тизимида таъсири қайд этилган. Кўплаб антиоксидант бирикмалар митохондрияда ОФ уйғунлигини ошириб АТФ синтезига самарали таъсир этади. Ана шундай бирикмалардан бири *Gossypium hirsutum* ўсимлигидан ажратиб олинган госситан полифенолининг жигар митохондрияси нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиш жараёнига таъсири ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади. Госситан полифенолининг каламуш жигар митохондрияси ОФ жараёнига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тажрибалар зотсиз, вазни 180-200 гр бўлган оқ каламушларда олиб борилди. Каламуш жигар митохондриялари дифференциал центрифугалаш Шнейдер усули бўйича ажратилди. Митохондрияларнинг нафас олиш тезлиги ва ОФ полярография усули ёрдамида, 26°C ҳароратда ўлчанди. Митохондрияларнинг нафас олиш тезлиги, нафас назорати (НН) ва АДФ/О қийматлари Чанс усули бўйича аниқланди. Митохондриядаги оксил миқдори Лоури усулининг Петерсон модификациясида аниқланди

Тажрибаларда, каламуш жигари митохондрияси ФАДга боғлиқ субстрат–сукцинат оксидланиши ва ОФ жараёнига госситаннинг 20, 40 ва 60 мкМ концентрациялари таъсири ўрганилди. Инкубация муҳитида госситаннинг 20 мкМ концентрация мавжуд бўлганда  $V_3$  ҳолатда митохондрия нафас тезлигини, назоратга нисбатан,  $14,4 \pm 1,1\%$  га ингибирлаши,  $V_4$  ҳолатда эса назоратга



нисбатан сезиларли ўзгариш аниқланмади. Аммо инкубация муҳитида госситаннинг концентрациясини 40 мкМ оширилганда  $V_3$  ҳолатда митохондриянинг нафас олиш тезлиги назоратга кўрсаткичига яқинлашган бўлса, 60 мкМ да эса назоратга нисбатан  $7,5 \pm 0,3\%$  га фаоллашганлиги қайд этилди. Митохондрия нафас олиш тезлигининг  $V_4$  ҳолатида госситаннинг 40 ва 60 мкМ концентрацияси назоратга нисбатан  $6,1 \pm 0,2\%$  ва  $9,8 \pm 1,0\%$  фаоллашганлиги аниқланди. Демак инкубация муҳитида полифенол бирикмани концентрацияси ортиб бориши билан митохондрия нафас олиши жадаллашди. Бу  $V_3$  ҳолатда яққол намоён бўлган бўлса,  $V_4$  ҳолатда назоратга нисбатан катта ўзгариш кузатилмади.

Митохондрия Чанс бўйича нафас назорати ва АДФ/О қиймати госситаннинг 20 мкМ таъсирида назоратга нисбатан камайган бўлса, 40 мкМда нафас коэффициенти ҳамда АДФ/О кўрсаткичи қайта тикланиб назоратга яқинлашди. Госситаннинг 60 мкМ концентрацияси митохондрия нафас назоратини қайта тўлиқ тиклаган бўлса, АДФ/О қиймати эса назоратдан ҳам бироз ошганлиги қайд этилди. Демак госситан полифеноли кичик 20 мкМ концентрацияда жигар митохондрияси оксидланишли фосфорланишни қисман ажралиши бошлайди. Аммо 40 ва 60 мкМда эса оксидланиш ва фосфорланишни ўзаро уйғунликда функционал фаоллигини намоён этиши мумкин.

## **ДЕТЕКЦИЯ МУТАЦИЙ В ГЕНАХ, АССОЦИИРОВАННЫХ С ГАПЛОТИПАМИ ФЕРТИЛЬНОСТИ КРС ГОЛШТИНСКОЙ ПОРОДЫ**

Романишко Е.Л., Киреева А.И., Михайлова М.Е.

ГНУ «Институт генетики и цитологии НАН Беларуси, Республика Беларусь  
LenaRamanishko@mail.ru

Основная часть поголовья КРС в Республике Беларусь, приходится на долю молочного скота голштинской и голштинизированной черно-пестрой пород. В связи с интенсивной селекцией, направленной на увеличение молочной



продуктивности, у коров появились проблемы, связанные со снижением их репродуктивной способности. Причиной таких проблем стали ряд LoF-мутаций, которые в гомозиготном состоянии могут быть летальными, приводя к эмбриональной гибели. В настоящее время в голштинской породе выявлены 12 гаплотипов фертильности (HCD, HH0, HH1, HH2, HH3, HH4, HH5, HH6, HH7, HHB, HHC, HHD), оказывающих влияние на осеменение и ассоциированных с эмбриональной и ранней постэмбриональной смертностью на различных стадиях развития. Распространению гаплотипов фертильности способствует использование в системе искусственного осеменения, выдающихся быков-производителей, которые являются носителями мутаций. Согласно решению № 74 от 02.06.2020 г. положения о порядке проведения молекулярной генетической экспертизы племенной продукции государств – членов Евразийского экономического союза, КРС подлежит обязательному тестированию на гаплотипы фертильности. Ранее нами были исследованы четыре гаплотипа: HH0, HHB, HHC и HHD. Поэтому целью нашего исследования явилось изучение полиморфизмов в генах APAF1, SMC2, GART, TFB1M и APOB; ассоциированных с гаплотипами фертильности HH1, HH3, HH4, HH5 и HCD, а также выявление частоты встречаемости животных-носителей мутантных аллелей у голштинского (голштинизированного) племенного скота в Беларуси.

В результате исследования были разработаны методики для выявления мутаций в генах APAF1, SMC2, GART, TFB1M и APOB с использованием ПЦР-ПДРФ, АС-ПЦР, ПЦР-РВ и ПЦР методов. Впервые проведено исследование на наличие гаплотип фертильности в популяции племенного скота в Беларуси. При проведении генотипирования племенных животных (n=1029), частота встречаемости животных-носителей мутантных аллелей по гаплотипу HH1 (ген APAF1) составила 2,82%. При изучении животных (n=1034) по гаплотипу



фертильности НН3 (ген SMC2) – частота встречаемости носителей мутантных аллелей составила 3,77%. Частота встречаемости животных-носителей гаплотипа фертильности НН4 (ген GART) в выборке животных (n=1031) составила 0,58 %. В выборке животных (n=1022) частота встречаемости животных носителей гаплотипов фертильности НН5 (ген TFB1M) и НCD (ген APOB) составила соответственно 2,94 и 1,96 %. Таким образом 12% животных из исследованной выборки являлись носителями одного из гаплотипов. С помощью родословных было изучено происхождение скрытых носителей мутантных аллелей. ДНК-диагностика гаплотипов фертильности племенного скота позволит проводить селекцию, не допуская перехода мутантных аллелей в гомозиготное состояние и таким образом избежать значительных экономических потерь.

## **ЖАНУБИЙ ОРАЛ БУЙИДАГИ ҚИШЛОҚ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ МИКРОНУТРИЕНТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ**

Раматуллаева М.

Қорақалпоқ давлат университети

Рационал овқатланиш тамойилларига риоя қилиш аҳоли саломатлигини сақлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, умр кўриш давомийлигини узайтириш ва айниқса болаларнинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш учун муҳимдир. Маълумки, Республикамининг экологик шароитга кўра ноқулай ҳудуд ҳисобланган Жанубий Орал буйида истиқомат қиладиган турли аҳоли гуруҳларининг озиқ моддалар билан таъминланиши борасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим устивор масаладир. Бу борада қайд қилинган ҳудудлардаги қишлоқ мактаби ўқувчиларининг овқатланиш масалаларини таҳлил қилиш ҳам назарий ҳам амалий аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз Қорақалпоғистон Республикасининг



Нукус ва Эллиққаъла туманларида жойлашган қишлоқ умумтаълим ўрта мактабларида тахсил олаётган 11-13 ёшли ўқувчиларининг амалдаги овқатланишини ўргандик.

Кузатувлар анъанавий анкета-сўров усулида олиб борилди. Кунлик истеъмол таомлари таркибидаги витаминлар ҳамда минерал моддаларнинг миқдори озик-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби берилган махсус жадваллар ёрдамида ҳисобланди.

Олинган натижаларга кўра ўғил ва қиз болаларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги минерал моддалардан магний ва темирнинг миқдори меъёр даражасида эканлиги ва кальций, фосфор, рух ҳамда йод элементларининг миқдори эса меъёрга нисбатан тегишли ҳолда ўртача Эллиққаъла туманида 65,1%, 32,6%, 38,7% ҳамда 50,6% га, Нукус туманида эса 63,9%, 31,7%, 37,5% ҳамда 48,6% га камлиги қайд қилинди.

Худди шунингдек, айрим витаминларнинг миқдори ҳам меъёр рақамларига нисбатан анча кам. Чунончи, ўқувчиларнинг кунлик овқатидаги А, С ва В<sub>12</sub> витаминларининг миқдори меъёрга нисбатан тегишли ҳолда ўртача Эллиққаъла туманида 51,9 %, 72,3% ҳамда 48,6% ни, Нукус туманида эса 50,1%, 70,4 % ҳамда 46,7 % ни ташкил этади.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ мактаби ўқувчиларининг овқатларнинг статуси иккита туманда ҳам айрим минерал моддаларнинг ва баъзи бир витаминларнинг меъёр даражасидан сезиларли миқдорда камлиги билан характерланади. Бу ҳол ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигига, фанларни ўзлаштиришига ҳамда меъёрий ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу муносабат билан ушбу контингент вакилларининг рационал овқатланишини ташкил қилиш борасида тегишли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар олиб бориш



Республикамизда баркамол авлод шаклланилида эътибор килинадиган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

## **ДНК МАРКЕРЛАРИ ЁРДАМИДА ҒЎЗАНИНГ ТОЛА УЗУНЛИГИ ВА ПИШИҚЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

Рахимова Г.О., Дарманов М.М., Нарматов С.Э.

ЎзР ФА Геномика биоинформатика маркази

Ғўзада турлараро ҳамда эколого-географик ва генетик дурагайлаш орқали яратилган дурагай популяцияларда қимматли хўжалик белгиларни эрта пишарлик, ҳосилдорлик, чидамлилиқ каби хусусияларни яхшилаш мумкинлиги олимлар томонидан эътироф этилган. Лекин бу жараён жуда кўп вақт ва маблағни талаб қилади.

Айниқса, бир неча ўнлаб генлар билан бошқариладиган, инсон сезги органлари орқали тезда аниқлаб бўлмайдиган қатор муҳим миқдорий белгилар (масалан пахта толасининг сифати каби) селекциясида анъанавий селекцион усуллар бир мунча самарасиз, қиммат ва узоқ вақтни талаб қилади. МАС технологияси янги навлар яратишда кам вақт талаб қилиши жихатдан анъанавий селекция усуллари билан бирмунча самарадорлиги, асосийси яратилган навлар фақатгина фенотип бўйича эмас балки генотип бўйича ҳам танлаб борилиши билан муҳим саналади. Тадқиқотнинг мақсади ўрта толали ғўза (*G.hirsutum*) учун маркерларга асосланган селекция (МАС) дастурларини жорий этиш асосида ўзида тола сифат белгиларини яхшиловчи миқдорий белги локусларини тутган бошланғич селекцион намуналар олиш ва янги ғўза навларини яратишдан иборат. Яъни ғўза геномидаги толанинг узунлиги ва пишиқлиги белгиларига жавоб берадиган QTL локусларини ғўзанинг маҳаллий Султон навини геномида тола узунлиги ва пишиқлиги белгилари билан генетик бириккан BNL1604 маркерини



тутган Л-141 линияси билан ўзаро дурагайлаш асосида дурагай комбинациялар олинида.

Олинган  $F_1$  авлод дурагайларда реципиент нав билан беккросс дурагайлаш ўтказилади ва беккросс дурагайлар олинади. Олинган  $BC_1F_1$  дурагайлари  $BC_3F_1$  авлодгача реципиент нав билан беккросс чапиштирилади. Ҳар-бир авлод дурагай ўсимликлари BNL 1604 маркери билан танлаб борилади. Натижада геномида тола узунлиги ва пишиқлиги белгилари билан бириккан BNL1604 маркерини тутган янги селекцион ғўза намуналари яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, МАС технологияси ёрдамида генетик бойитилган ғўза навларини яратишда селекцион жараёнларни қисқартириш, мақсад қилинган белгиларни самарали ўтказиш имкониятини беради.

## **АНАЛИЗ ПОЛИМОРФНЫХ ВАРИАНТОВ ГЕНОВ У СПОРТСМЕНОВ ДЮСШ ЦИКЛИЧЕСКИХ ВИДОВ СПОРТА**

Рахимова Н.М., Солиев А.Б., Курганов С.К.

Республиканский научно-практический центр спортивной медицины

Генетические маркеры, ассоциированные с развитием и проявлением физических качеств, применяются в системе спортивного отбора для уточнения спортивной специализации (подбор наиболее оптимальной дистанции в беге/плавании, тренировочных режимов), для оптимизации тренировочного процесса (определение возможностей организма выполнять большие объемы нагрузок, акцентирование на развитии сильных сторон организма, выбор соревновательной тактики и т.п.). На данный момент обнаружено более двух десятков генетических маркеров, ассоциированных с предрасположенностью к занятиям спортом, значимость которых в спортивной селекции подтверждена во многих независимых исследованиях.

В связи с чем, нами проведено исследование полиморфизмов ряда генов,



имеющих отношение к таким спортивным качествам, как скорость, выносливость, аэробно-анаэробное дыхание скелетной мускулатуры и сердечно-сосудистой системы, а также адренэргической проводимости нервной системы, у спортсменов циклических видов спорта - учащихся ДЮСШ. Для исследования были отобраны полиморфизмы функционально значимых 16 генов, белковые продукты которых принимают участие в регуляции биохимических реакций в организме, находясь в тесной взаимосвязи друг с другом (ангиогенез, инсулиновый и жировой обмен, митохондриальный биогенез, обмен кальция и углеводов, термогенез, гипертрофия скелетных мышц и миокарда, регуляция состава мышечных волокон и др.). В результате проведенного генетического исследования, нами были выявлены различия в распределении генотипов и аллелей генов ACE Alu Ins / Del; ACTN3 C18705T; AMPD1 C34T; CNTF G-6A; IL15RA T364G; L3MBTL4 G-16081T; PPARA G2528C; PPARGC1A G> A; UCP2 C> T; PPARG2 C34G; MTHFR C677T; VDR BsmI G> A; HIF1A C1772T; ADRB2 C> G; ADRB2 A> G и NOS3 S-786T между совокупной выборкой спортсменов (n=60). Данные маркеры расположены в генах, участвующих в регуляции сосудистого тонуса, роста скелетных мышц и миокарда (ACE), сокращении быстрых мышечных волокон (ACTN3), регуляции метаболизма углеводов и жиров (PPARA), а также в термогенезе и обеспечении метаболической эффективности мышечной деятельности (UCP2).

Исследования проводились на основе выборки спортсменов циклических видов спорта. Количество спортсменов составляло 60 человек, в возрасте 14-18 лет. С трех спортивных федераций ДЮСШ (греблей на байдарке и каноэ, легкая атлетика, велоспорт) было отобрано равное количество атлетов. В качестве контрольной группы были исследованы образцы 122х здоровых людей, не занимающихся спортом. При отборе конкретных лиц не учитывали их



национальную принадлежность и гендерные различия.

Полученные результаты исследования показали, что среди учащихся ДЮСШ число генов с измененным соотношением доли лиц по различным генотипам, относительно контроля, достигало 18. Для велосипедистов это были различные генотипы ACTN3, ADRB2, NOS3, для легкоатлетов – ACE, AMPD1, UCP2 и ADRB2C>G генов, для спортсменов, занимающихся греблей, выявлена более значительная разница от таковой у лиц, не занимающихся спортом в виде возрастания частоты распределения нормального генотипа AMPD1, IL15RA и L3MBTL4, гетерозиготного генотипа AMPD1, L3MBTL4, UCP2, ADRB2(rs1042714), а также мутантного генотипа IL15RA. В то же время наблюдается снижение частоты нормального генотипа NOS3 и мутантного генотипа L3MBTL4 и VDR генов. Каждый локус ДНК может объяснить только очень небольшую часть фенотипической дисперсии (например, от 0,1% до 1%), таким образом для обнаружения представляющих интерес ассоциаций требуются как большие размеры выборки, так и комбинации генов. Однако генотипически определяется лишь потенциал, прогноз развития, но не результат взаимодействия генотипа и среды.

### **ВЛИЯНИЕ БИОПРЕПАРАТОВ МИКРО-1 И РИЗОКОМ-1 НА ВСХОЖЕСТЬ ХЛОПЧАТНИКА СОРТА ПОРЛОК-4 ПРИ МОДЕЛЬНОМ СОЛЕВОМ СТРЕССЕ**

Рахматова Н.Р., Маматкулова Г.Ф., Дарманов М.М.,  
Камбурова В.С., Буриев З.Т.

Центр геномики и биоинформатики АН РУз  
rakhmatova\_nodira@mail.ru

В данной работе приводятся данные по влиянию двух биопрепаратов на ряд всхожестей семян хлопчатника сорта Порлок-4, выращенного в стрессовых



условиях. При этом изучались рост и развитие семян растений хлопчатника сорта Порлок-4, выращенных в лабораторных условиях при воздействии 50, 100, 150 мМ NaCl и обработанных препаратами Микро-1 и Ризоком-1.

Результаты наблюдений показывают, что самые высокие показатели развития растений наблюдались в варианте, когда семена перед посевом обрабатывались препаратом Ризоком-1. Так, вес одной коробочки в среднем составлял 5-6,3 г, а вес корня – 4,2 г. При обработке семян сорта хлопчатника Порлок-4 биопрепаратом Микро-1 также имелись высокие результаты. Так, средний вес одной коробочки и корня составлял 4,5- 4,7 г.

Кроме того, изучалось влияние препаратов Микро-1 и Ризоком-1 на рост и развитие семян растений сорта хлопчатника Порлок-4, выращенных в лабораторных условиях при воздействии 50, 100, 150 мМ NaCl. При этом было показано, что при низких концентрациях соли всхожесть семян была почти такой же в контрольных вариантах. Значимое действие препаратов в основном наблюдалось при концентрациях NaCl 100 и 150 мМ, повышая процент проросших семян.

В заключение можно сказать, что солевой стресс оказывает негативное влияние на рост и развитие растений, и биопрепараты играют важную роль в преодолении негативного эффекта засоления растений, усиливая защитные механизмы. В будущем мы планируем определять экспрессию генов, которые активно участвуют в этом процессе, что приводит к улучшению роста растений из-за воздействия биопрепаратов. На основании полученных нами экспериментальных данных целесообразно использовать биопрепараты Ризоком-1 и Микро-1 для выращивания хлопчатника и повышения их продуктивности, применение этих биопрепаратов дает хороший эффект прироста растений, особенно в период вегетации.



## ***LAUROCERASUS OFFICINALIS* И ЕЁ ПОЛЕЗНЫЕ СВОЙСТВА**

Рахматова Н.Р., Имамходжаева А.С., Убайдуллаева Х.А., Буриев З.Т.

Центр Геномики и биоинформатики АН РУз  
rakhmatova\_nodira@mail.ru

В исследовании привлечен вид *Laurocerasus officinalis* M.Roem, который относит к семейству *Rosaceae* Juss. В Ботаническом саду им. Ф.Н. Русанова Академии наук Республики Узбекистан интродукционное испытание прошли два вида – *Laurocerasus officinalis* M.Roem, и *Laurocerasus caroliniana* M.Roem. В Ташкенте впервые растение интродуцировано в 1984 г. В Ботаническом саду АН РУз, где растения выращены из семян, полученных из Латвии. В возрасте 37 лет деревце достигло высоты в 6 метров.

*Laurocerasus officinalis* (синоним названия *Prúnus laurocérasus* старая классификация) обладает также бактерицидными свойствами, т.е. выделяет фитонцидные вещества, который очищают окружающую среду от микробов, бактерий и улучшает микроклимат, а таким образом обладает высокими санитарно-гигиеническими свойствами. Её основные положительные качества в неприхотливости, высокой морозостойкости и в неоппадающей на зиму фактурной листве, придающей растению особый вид. Кроме этих важных качеств особо следует отметить, что лавровишня выделяет фитонциды. Фитонциды листьев лавровишни лекарственной губительны для многих насекомых, особенно для комнатной мухи, а также лесных клещей и даже грызунов. Даже маленькая палочка лавровишни отпугивает насекомых. Фитонциды молодых листьев токсичны и для бактерий, для дизентерийной палочки, то есть этот вид вечнозеленого деревца обладает также бактерицидными свойствами, выделяя вещества, которые очищают окружающую среду и таким образом защищает



другие растения, растущие вокруг него, от вредных микроорганизмов, насекомых и грибов животных, улучшает микроклимат и таким образом обладает высокими санитарно-гигиеническими свойствами. Фитонциды растительных клеток лавровишни лекарственной поражают не только патогены растений, но и патогены, вызывающие заболевания людей и животных. В общем, циановая кислота, эфирные масла, химические вещества, смолы, алкалоиды, фенолы и т. д., образующиеся в растениях в естественных условиях, обладают фитонцидными свойствами. Эти вещества имеют различный химический состав, но являются естественным иммуногенетическим фактором, общим для всех растений.

Листья, кора и плоды *L. officinalis* обладают лекарственными свойствами, в них содержится 5-10% танина в листьях и 10-11% в коре, которые можно использовать для получения дублирующего экстракта. Приготовленная так называемая лавровишневая вода содержит амигдалин, который используется как успокаивающее и болеутоляющее. Листья также содержат много эфирного масла, применяемое для придания душистого аромата и вкуса продуктам: таблеткам, молоку и безалкогольным напиткам. Кроме того, фитотерапия с листьями лавровишни используется в медицине - при туберкулезе легких, в гомеопатии - при эпилепсии, коклюше и заболеваниях сердца. Её плоды используются при приготовлении вина и безалкогольных напитков. Семена *L. officinalis* также содержат сахарозу, эфирное масло (1%, бензальдегид, бензальдегид циангидрин), жирные кислоты и многие другие и дубильные вещества.

Учитывая важность вида *L. officinalis* в медицине и фармацевтике, пищевой промышленности и других отраслях, а также устойчивость её к суровому континентальному климату республики, считаем необходимо рекомендации к улучшению микроклимата окружающей среды в регионе. Способность отгонять



вредных насекомых является основой рекомендации размещения саженцев лавровишни лекарственной высаживать вокруг хлопковых полей. Это может быть одним из альтернативных (естественных) методом борьбы с вредными насекомыми, которые своей деятельностью наносят вред урожаю сельхозкультур и оказывают негативное воздействие на продолжительность их вегетации.

### **СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА АКТИВНОСТИ ФЕРМЕНТОВ АНТИОКСИДАНТНОЙ СИСТЕМЫ *ARTEMISIA ANNUA*, ПРОИЗРАСТАЮЩЕЙ В ЕСТЕСТВЕННЫХ УСЛОВИЯХ И В ГОРОДСКОЙ СРЕДЕ**

Рахматуллина Н.Ш.<sup>1,2</sup>, Акиншина Н.Г.<sup>1</sup>, Азизов А.А.<sup>1</sup>, Мирходжаев У.З.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

<sup>2</sup> Центр передовых технологий при Министерстве инновационного развития  
rakhmatullina.nigina@mail.ru

В ряде стран активно ведутся работы по интродукции и введению в культуру *Artemisia annua*. В 1970-х годах китайскими учеными из полыни однолетней был выделен сесквитерпеновый лактон артемизинин, показавший свою эффективность против устойчивых к лекарствам формам малярии. Несмотря на то, что синтез биологически активных веществ контролируется генетическими факторами, большое влияние оказывают и факторы среды обитания. Под действием неблагоприятных факторов активируется продукция активных форм кислорода (АФК), что является одним из первых ответов живых организмов на стресс. АФК, вступая во взаимодействие со структурными элементами клетки приводят к развитию окислительных процессов и впоследствии к нарушению целостности мембран и органоидов клетки. Утилизация АФК осуществляется благодаря работе антиоксидантной системы (АОС).

Принимая во внимание, что реакции лекарственных растений ферментов АОС и общие закономерности ответа на комплекс факторов местообитания изучены недостаточно, целью исследования явилось определить содержание



малонового диальдегида (МДА) и изучить зависимость изменения активности супероксиддисмутазы (СОД) и пероксидазы (ПОД) у дикорастущей и произрастающей в условиях городской среды *Artemisia annua*.

Активность СОД у полыни однолетней, произрастающей в городских условиях была в 1,3 раза выше по сравнению с горными образцами. Активность пероксидазы в условиях города была выше в 1,8 раз относительно горных растений. Не выявлено статистически достоверных отличий в количестве МДА в условиях городской среды и в естественных местообитаниях.

Наблюдаемое повышение активности СОД и ПОД в листьях *Artemisia annua* в условиях городской среды, вероятно, указывает на развитие стрессовой реакции в ответ на воздействие загрязнения, сухости воздушной среды и высоких температур в городе. Подобная реакция отмечается во многих исследованиях. Так, в неблагоприятных условиях, например, при повышенном содержании солей в среде, отсутствии регулярного полива, при высоких температурах происходит повышение активности СОД.

Таким образом, эффективная работа супероксиддисмутазы и пероксидазы привела к тому, что уровень перекисного окисления липидов у городских растений сохранялся на том же уровне, как и у растений в естественных местообитаниях.

## **СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ДИНАМИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ АКТИВНОСТИ СУПЕРОКСИДДИСМУТАЗЫ В ЛИСТЯХ ДЕКОРАТИВНЫХ ДЕРЕВЬЕВ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ УСЛОВИЙ ПРОИЗРАСТАНИЯ**

Рахматуллина Н.Ш.<sup>1,2</sup>, Мухамедова С.Н.<sup>2</sup>, Рахмедова М.Т.<sup>1</sup>,  
Чарышникова О.С.<sup>1</sup>, Абдуллаева М.М.<sup>2</sup>, Левицкая Ю.В.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Центр передовых технологий при Министерстве инновационного развития

<sup>2</sup> Национальный университет Узбекистана

Особое место в защитной реакции растений в ответ на стрессовые воздействия окружающей среды принадлежит супероксиддисмутазам (СОД) –



ферментам антиоксидантной системы защиты растений, активность которых значительно возрастает в условиях стрессовой нагрузки на растения. Нам представлялось интересным изучить активность СОД в листьях 5 декоративных растений (чинара, катальпа, софора, каштан и гибискус), произрастающих в двух реперных точках – ботанический сад НУУз и оживленная магистраль близ площади Амира Тимура в динамике с июля по октябрь.

В начале сезона максимальной СОД активностью обладали листья чинары, а минимальная отмечалась для каштана. Однако, с увеличением среднесуточной температуры для чинары и гибискуса отмечалось снижение активности этого фермента, в активности СОД катальпы и софоры практически не происходило изменений, а активность СОД каштана увеличивалась на 77%. В сентябре этот показатель увеличивался у 4 видов (за исключением софоры), при этом максимальной активностью обладала СОД чинары. В октябре активность СОД практически не отличалась от начальных показателей для всех 5 представителей декоративных деревьев.

При изучении активности СОД листьев растений, растущих вблизи магистрали, отмечалась резкая смена динамики ферментативной активности. В начальном периоде в данных условиях максимальная активность СОД была отмечена для софоры, а минимальная – для чинары. В случае чинары сохраняется общая направленность динамических изменений как в случае магистрали, так и в случае ботанического сада, однако значения активности СОД в листьях этого дерева, растущего вблизи магистрали, превышают значения того же периода для ботанического сада. В случае каштана в условиях ботанического сада активность СОД к концу сезона возвращается к начальным значениям, максимально увеличиваясь в сентябре практически в 3 раза, а в случае листьев, собранных у растений, растущих вблизи магистрали, финальные значения превышают



начальные более, чем в 2 раза. В случае катальпы в условиях ботанического сада пик активности приходится на сентябрь, а для растений, произрастающих вблизи магистрали, этот пик смещен на месяц раньше и менее выражен. Для гибискуса было обнаружено, что у растений, растущих вблизи магистрали, активность СОД намного превышает активность этого фермента в листьях растений, растущих в ботаническом саду. Однако общая картина меняется незначительно – снижение активности в августе, увеличение активности в сентябре и возвращение к начальным показателям в октябре.

Наиболее сложные изменения происходят в листьях софоры – и если в условиях ботанического сада после резкого падения активности СОД в сентябре (на 80%) в октябре активность практически возвращается к начальным значениям (меньше всего лишь на 4%), то в случае магистрали менее выраженное снижение активности на 55% в августе не может компенсироваться и концу сезона остается сниженным на 40% по сравнению с начальными значениями.

## **ДИГИДРОКВЕРЦЕТИН ФЛАВОНОИДИНИНГ МУСБАТ ИНОТРОП ТАЪСИРИДА КАРДИОМИОЦИТ $Ca^{2+}$ -КАНАЛЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТАВСИФЛАШ**

Рустамов Ш.Ю.<sup>1</sup>, Жумаев И.З.<sup>1</sup>, Усманов П.Б.<sup>1</sup>, Жўрақулов Ш.Н.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>ЎзМУ хузуридаги Биофизика ва биокимё институти,

<sup>2</sup>ЎзР ФА Ўсимликлар моддалари кимёси институти,  
rustamov.sh.yu@mail.ru

Ҳозирги вақтда юрак-қон томир тизимининг патологиялари бутун дунё бўйлаб касалланиш ва ўлимнинг умумий таркибида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда, бу эса ҳар йили 17,3 миллион ўлимга олиб келади ва бу умумий ўлим ҳолатининг 31% ини ташкил этади. Энг тез-тез учрайдиган юрак касаллиги юрак етишмовчилиги бўлиб, бу юрак-қон томир тизимининг деярли барча касалликларининг оғир асоратларидан бири ҳисобланади. Юрак етишмовчилиги



касалликларини пайдо бўлиши, миокард фаолиятининг бузилиши натижасида юзага келадиган юрак мускуллари қисқариш фаоллигининг сезиларли даражада сусайиши билан тавсифланади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишининг мақсади – дигидрокверцетин флавоноидининг *in vitro* шароитада каламуш миокарди функционал фаоллигига таъсири механизмини ўрганиш ҳисобланади.

Олиб борган тадқиқот натижаларимиздан маълумки, дигидрокверцетин флавоноиди папилляр мускули қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда –  $51,8 \pm 3,1\%$ , га ошириши аниқланди. Шу билан бирга, флавоноиднинг мускул қисқариш кучини ярим максималга камайтирувчи концентрацияси қиймати мос равишда -  $EC_{50}$  21.2 мкМ ни ташкил қилди.

Маълумки, кўплаб фармакологик агентларнинг мусбат инотроп таъсирининг асосий сабабларидан бири бу кардиомиоцитларда хужайра ички ( $[Ca^{2+}]_i$ ) ионлари миқдорининг камайиши ётади. Ушбу агентларнинг айримлари хужайра ташқарисидан кардиомиоцитлар ички муҳитига  $[Ca^{2+}]_i$  киришини камайтиради ва бошқалари эса хужайра ички  $Ca^{2+}$ -депосининг  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимларини модификация қилади.

Дигидрокверцетин флавоноидининг мусбат инотроп таъсирини таъминланишида  $Ca^{2+}$  ионларининг ўрнини аниқлаш учун каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига  $Ca^{2+}_L$ -каналларининг специфик блокатори нифедипин иштирокида ўрганилаётган флавоноиднинг таъсири текширилди. Ушбу экспериментда нифедипиннинг 0,01 мкМ га тенг бўлган концентрациясидан фойдаланилди, бу унинг  $IC_{50}$  қийматига мос келади ва папилляр мускул қисқариш кучини 50% га камайтиради. Бунда, муҳитда нифедипин 0,01 мкМ мавжуд шароитида дигидрокверцетин (60 мкМ) нинг



мусбат инотроп таъсири назоратга нисбатан мос равишда –  $43,3 \pm 4,2\%$  га тенг бўлиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нифедипин мавжуд шароитда дигидрохверцетин флавоноиди мускул қисқариш кучини ошириш хусусияти сақланиб қолди, лекин нифедипин мавжуд бўлмаган шароитдаги даражаси билан солиштирилганда мусбат инотроп таъсири камайиши кузатилди. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб ушбу маълумотлар ўрганилаётган флавоноиднинг мусбат инотроп таъсирида кардиомиоцитларнинг потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}_L$ -каналларини фаоллаштириши орқали бориши ва кардиомиоцитларга  $Ca^{2+}$  ионларининг киришини қисман ошириши мумкин.

## **ИССЛЕДОВАНИЯ ЛИПИДНОГО СОСТАВА ТКАНИ МОЗГА ЖИВОТНЫХ С МОДЕЛЬЮ БОЛЕЗНИ ПАРКИНСОНА**

Саатов Т.С., Ишанходжаев Т.М., Артыкбаева Г.М., Иргашева С.,  
Мустафакулов М., Ибрагимова Э.А., Зайнутдинов Б.Р.

Институт Биофизики и Биохимии при НУУз им. М.Улугбека  
t.saatov@yandex.ru

Нейродегенеративные заболевания охватывают широкий спектр медицинских расстройств с симптомами, которые варьируются от когнитивного ухудшения при болезни Альцгеймера и лобно-височной деменции до снижения контроля над двигательными функциями, как это наблюдается при боковом амиотрофическом склерозе, болезни Хантингтона и болезни Паркинсона. Разработка новых моделей нейродегенерации, которые точно воспроизводят сложные фенотипы, связанные с нейродегенеративными заболеваниями, имеет решающее значение для расширения нашей способности проводить скрининг эффективных терапевтических средств для этих разрушительных заболеваний. Нами была воспроизведена экспериментальная модель нейродегенеративных



состояний: ротеноновая модель болезни Паркинсона (ПС). Воспроизведение моделей нейродегенеративных состояний подтверждалось гистологическими показателями и наблюдениями за поведенческой активностью животных с применением стандартных когнитивных тестов.

В частности, появление симптомов ПС на 2 и 4 сутки после введения не токсических доз ротенона свидетельствуют о том, что на ранних стадиях воспроизведения модели ПС, возможно, возникают изменения в нейропластичности и проводимости сигналов нервными клетками. И эти нарушения, очевидно, вызваны изменениями в рафтах ДА рецепторов и синаптических отделах нервных клеток, функциональные свойства которых во многом определяются липидным составом мембран нервных клеток.

Учитывая это, мы исследовали липидный состав в нигростриатных участках ткани мозга экспериментальных животных.

Результаты исследования липидного состава ткани мозга животных после введения ротенона показало, что на второй день введения ротенона содержание холестерина в ткани мозга животных увеличивается на 12%, а к 9 дню введения содержание его снижается, но остается повышенным по сравнению с контрольной группой на 8%. Суммарное содержание фосфолипидов изменяется незначительно в пределах 2,4%, за исключением заметного снижения содержание сфингомиелинов на 6% и повышение уровня ФС на 4,5% и увеличение лизоформ фосфолипидов на 17,4% и ФК на 15%. На 4 сутки после введения ротенона содержание холестерина в ткани мозга животных увеличилось на 11%, лизоформ фосфолипидов на 59% и ФК на 25%, содержание сфингомиелинов и ФС уменьшается на 7% и ФИ на 5,5%, соответственно, общее содержание фосфолипидов снизилось на 2,5 %.

На 9 день после введения ротенона содержание холестерина также было



увеличено на 8% по сравнению с контролем, наблюдались изменения и в содержании СМ и ФС, которые были ниже контрольных величин на 6,7% и 6,2%, соответственно, а уровень ЛФ и ФК в ткани мозга был повышен на 24,3% и 10%, соответственно. Возможной причиной этих изменений могло быть снижение субстратов для атак фосфолипаз и ПОЛ на девятый день после введения ротенона.

**ЖИГАР МИТОХОНДРИЯЛАРИ МЕГАПОРАСИГА  
ГЕКСАГИДРОКСИДИФЕНОИЛ-1-(О-2-О-ГАЛЛОИЛ-β-D-  
ГЛЮКОПИРАНОЗИД)-1-(О-β-D-КСИЛОПИРАНОЗИД)НИНГ ТАЪСИРИ**

Сайфиева Х.Д.<sup>1</sup>, Эргашев Н.А.<sup>1</sup>, Комилов Э.Ж.<sup>1</sup>, Махмудов Р.Р.<sup>2</sup>, Асраров М.И.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ЎзМУ хузуридаги Биофизика ва биокимё институти

<sup>2</sup> ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

xamida.djurayevna@mail.ru

Хужайра митохондрияларидаги  $Ca^{2+}$ -боғлиқ ЦсА-сезгир пора (mPTP) тирик организмларда кўпгина метаболик жараёнларнинг бошқарилишида муҳим ўринни эгаллайди ҳамда апоптоз ва некроз жараёнларида иштирок этиши кўрсатилган.  $Ca^{2+}$ -боғлиқ ЦсА-сезгир пора очик ҳолатга ўтганида молекуляр массаси 1,5 кДа гача бўлган зарядланмаган молекулалар бемалол митохондриялар ичига кириб, митохондрияларни бўқишига олиб келади. Ишнинг мақсади *Plantago major* L ўсимлигидан ажратиб олинган полифенол бирикма - гексагидроксиДФЕНОИЛ-1-(о-2-о-галлоил-β-D-глюкопиранозид)-1-(о-β-D-ксилопиранозид) нинг каламуш жигар митохондриялари мегапорасига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотлар тана вазни 180-200 г бўлган зотсиз, оқ каламушларда олиб борилди. Каламуш жигари митохондриялари Schneider ва Hogeboom (1951) усули бўйича дифференциал центрифугалаш ёрдамида ажратилди. Ажратиш муҳити таркиби: 250 мМ сахароза, 10 мМ трис-хлорид, 1 мМ ЭДТА, рН-7,4.



Митохондрияларда оксил микдори биурет бўйича аниқланди.

Ўрганилаётган полифенол бирикманинг мРТР га таъсирини ўрганишда глицерофосфат-малат оксидланиш субстратли инкубация муҳитидан фойдаланилди (мМ): сахароза – 200 (айрим тадқиқотларда сахароза ўрнига 120 мМ КСl ишлатилган), глицерофосфат– 5, малат - 5,  $\text{KН}_2\text{PО}_4$  - 1,  $\text{Ca}^{2+}$ -ЭГТА буфер - 0,02, НЕРЕС – 20, трис-НСl - 20, олигомицин – 1 мкг/мл, рН 7,2 (митохондрия оксили 0,3-0,4 мг/мл). Тажрибаларда жигар митохондрияларининг бўкиши 10 мкМ  $\text{Ca}^{2+}$  ёрдамида чақирилди ва бу ҳолат мегапоранинг очилиши деб баҳоланди.

Тадқиқотимизда ушбу полифенол бирикманинг 10 мкМ концентрацияси 10 мкМ  $\text{Ca}^{2+}$  ионлари билан чақирилган мРТР нинг очилишини назоратга нисбатан  $25,3 \pm 2,4\%$  га, 30 мкМ концентрацияда 10 мкМ  $\text{Ca}^{2+}$  билан чақирилган каламуш жигар митохондриялари мРТР сининг очилишини назоратга нисбатан  $45,4 \pm 3,8\%$  га ингибирлаши аниқланди. Ушбу полифенол бирикманинг 50 мкМ концентрацияси эса мРТР нинг очилишини назоратга нисбатан  $62 \pm 3,6\%$  га ингибирлаши аниқланди. Мегапорани ярим максимал ингибирлаш концентрацияси гексагидроксидифеноил-1-(о-2-о-галлоил- $\beta$ -D-глюкопиранозид)-1-(о- $\beta$ -D-ксилопиранозид) учун  $\text{IC}_{50} = 35,9 \pm 3,1$  мкМни ташкил қилди.

Демак, олинган натижалардан маълум бўлдики, ушбу полифенол бирикма митохондриялар мегапораси очилишига ингибирловчи сифатида таъсир кўрсатиши аниқланди.



## КАЛАМУШ ЖИГАР МИТОХОНДРИЯЛАРИ ЦИКЛОСПОРИН А-СЕЗГИР МЕГАПОРАСИГА ЭПИГАЛЛАТКАТЕХИНГАЛЛАТНИНГ ТАЪСИРИ

of the SSR marker Xscm254 in 82% of the studied plants was determined in F<sub>1</sub> rye winter hybrids. The heterogeneity of the rye samples studied was revealed by the analyzed STS markers: TC89057 was determined in all MS-lines, and in 73% of Sf-lines; TC101821 - detected in all MS-lines, and half of the Sf-lines. The MS-lines and the Sf-lines in 20% detected a double fragment TC108778 (1500 b.p. and 1600 b.p.). The presence of the marker TC89057 is shown in all analyzed F<sub>1</sub> hybrids based on CMS of the P- and G-types. TC101821 was detected in 40% of the investigated F<sub>1</sub> hybrids based on the P-type CMS. Most F<sub>1</sub> hybrids on the basis of G-type CMS (57%) showed two fragments (1500 b.p. and 1600 b.p.) of the marker TC108778. The marker for the locus Z (2R) of incompatibility is considered Xbcd266 (TC108778). A sequence of homologous to the bcd266 barley *Hordeum vulgare* L. (GenBank BCD266\_WHE1B0102) area was conducted. As a result of the comparison of the sequencing results, only 43% of similarity with the known sequence in barley was detected.

## ***FUSARIUM* ТУРЛАРИ ТАЪСИРИДА СОЯ (*GLYCINE MAX* L. MERR.) ИЛДИЗИДА ПЕРОКСИДАЗА ФЕРМЕНТИ ФАОЛЛИГИ**

Юлдашов Ў.Х., Матниязова Х.Х., Қаршибаева Д.Н., Норматова М.К.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr\_anruz@mail.ru

Соя [*Glycine max* (L.) Merr.] етиштиришдаги асосий муаммолардан бири – замбуруғ касалликларидир. Энг хавфли замбуруғ касалликларидан бири бу - фузариоз (*Fusarium* spp.), кўзғатувчилари асосан *F. solani*, *F. gibbosium*, *F. culmorum* ҳисобланади. Рубин ва бошқ. ўсимлик тўқималарига вируслар, замбуруғлар ва бактериялар билан касалланиши пероксидаза синтезининг индукциясига олиб келишини аниқладилар. Стресс натижасида куп ҳосил бўлган ва тўпланган кислороднинг фаол шакллари ва уларни детоксикатцияловчи ферментлар ўртасида динамик мувозанат бузилади. Пероксидаза фермент мувозанатни доимий равишда барқарорлаштирувчилардан ҳисобланади.

Тажриба ЎзРФА Генетика ва ЎЭБИ нинг маҳсус тажриба майдончасида



олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида соя (*Glycine max* L.) нинг маҳаллий Генетик-1, Тўмарис, Орзу ҳамда хорижий Селекта-201 ва Селекта-302 навларига *F. culmorum*, *F. solani* ва *F. gibbosum* фитопатоген микромицетларнинг таъсири ўрганилди. Тадқиқотимизда соянинг шоналаш даврида илдиз намуналаридан пероксидаза (РО) ферменти фаоллиги аниқланди. Пероксидаза фермент фаоллиги спектрофотометр усулида Бояркина (1951) методи бўйича аниқланди. Оқсил миқдори Лоури методига кўра аниқланди.

Махсус тажриба майдончасида ўсган сояда фитопатоген микромицетлар таъсирида пероксидаза ферменти фаоллиги соя навлари илдизида қуйдагича: Генетик-1 навининг назоратга нисбатан *F. culmorum*, *F. solani* ва *F. gibbosum* таъсирида мос равишда 16%, 7% ва 9% га камайгани аниқланди. Тумарис навида назоратга нисбатан *F. gibbosum* таъсирида илдизда 20%га камайган, *F. culmorum* ва *F. solani* таъсирида мос равишда 11%, 9%га ортгани аниқланди. Селлекта -302 навида назоратга нисбатан *F. culmorum*, *F. gibbosum* таъсирида мос равишда 61%, 4%, га ортгани, *F. solani* таъсирида 23% га камайгани аниқланди. Селлекта -201 навида назоратга нисбатан *F. culmorum*, *F. solani*, *F. gibbosum* замбуруғлар таъсирида мос равишда 5%, 45%, 12% га камайгани аниқланди. Орзу навида назоратга нисбатан *F. culmorum*, *F. solani*, *F. gibbosum* таъсирида мос равишда 54%, 42%, 41% га ортгани аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, соянинг Тумарис, Селлекта-302 ва Орзу навлари Генетик-1 ва Селлекта-201 навларига нисбатан фитопатоген микромицетлар таъсирида пероксидаза ферменти фаоллиги ошиши аниқланди. Пероксидаза ферментлари фаоллигига қараб Фузариоз касалликларида соянинг Тумарис, Селлекта-302 ва Орзу навларини танлаб олинди ва фитопатоген микромицетлар таъсирига чидамли навларни яратишда генетик селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.



## II. ГЕНЕТИКА РАСТЕНИЙ И ЖИВОТНЫХ

### CHERRY LEAF ROLL VIRUS NING GILOS O‘SIMLIGIDAGI KASALLIK ALOMATLARI

Abdikarimov B.Q., Fayziyev V.B.

Chirchiq davlat pedagogika instituti

Bugungi kunda respublikamizda gilos bog‘lari jami *20,9 ming ga* bo‘lib, shundan, *13,2 ming ga* yaqin hududlarda fermer va qishloq xo‘jaligi faoliyat yuritadi. Mavjud gilos bog‘larining o‘rtacha hosildorligi gektariga *132* sentnerni tashkil etadi. Joriy yilda respublika bo‘yicha barcha toifadagi xo‘jaliklar tomonidan jami *183 ming* tonna hosil etishtirildi. Respublikamiz sharoitida ko‘p yetishtiriladigan giloslar navlar *Qora gilos, Bahor, Fransis, Ramon Oliva, Drogona jyoltaya, Sariq gilos, Qora Napoleon, Napoleon rozovy*. Gilos o‘simligini 10 dan ortiq viruslar kasallantiradi. Little cherry 1 (LChV-1), Little Cherry 2 (LChV-2), Cherry rasp leaf virus (CLRV), Strawberry Latent ring spot virus (SLRV), Cherry Necrotic Rusty Mottle (CNRMV), Cherry green ring mottle virus (CGRMV), Cherry virus A (CVA), Prune dwarf virus (PDV), Prunus Necrotic ringspot virus (PNRSV), Cherry leaf roll virus (CLRV), Cherry twisted leaf (ChTLV).

Gilos bargining buralishi virusi bo‘lib, oilasi *Secoviridae*, sinfi *nepovirus*, diametri 28 nm bo‘lgan viruslar bo‘lib bu virus o‘zida bitta zanjirli RNK saqlaydi. Giloslardagi alomatlati barglarning qayiqqa o‘xshab qayrilib qolishi, barglarning sarg‘ayishi, barglarning erta to‘kilishi, uchki apikal meristema zararlashi natijasida ko‘chatning o‘sishdan orqada qolishi, va o‘simlikning qurib qolishi. Endigina zararlangan o‘simliklarda virus alomatlarsiz bo‘lishi mumkin. *CLRV* tabiiy ravishda daraxt urug‘lari orqali uzatiladi, mexanik usulda, payvandlash orqali ham yuqishi mumkin. *CLRV* tabiiy rezervatlar qayinni, ko‘p yillik o‘simliklar, yong‘oq kabi



o‘simliklarda saqlanib qoladi. CLRВ bilan kasallangan gilos daraxtlari sovuqqa chidamliligini pasaytirib, zararlangan barglarni erta to‘kilishiga, oqibatda hosildorlikni pasayishiga sabab bo‘ladi.

Gilos (*Prunus avium*) ning virusli kasalliklarini monitoring qilish maqsadida Toshkent viloyati Bo‘stonliq, Qibray, Parkent tumanlaridagi giloslar kuzatildi. Mazkur tumanlarda virusli kasalliklar alomatlariga o‘xshash alomatlar aniqlandi. Virusli kasallik bog‘larda tarqalish darajasini aniqlash uchun bog‘ning umumiy maydoni, gilos daraxtlarining umumiy soniga, dastlab birinchi qatordagi kasallangan o‘simliklar soniga, uchinchi qatordagi, beshinchi qatordagi, shu tartibda qator tashlab kasallangan o‘simliklar soniga aniqlik kiritiladi.

Respublikamizning sharoitida yetishtirilayotgan gilos bog‘larini monitoring qilish maqsadida Toshkent viloyati Parkent tumani Xisorak qishlog‘ida joylashgan gilos bog‘ monitoring qilinganda CLRВ ga o‘xshash alomatlar aniqlandi. Bargning dastlabki fazalarida virusli alomatlar yashirin xolda, keyingi fazalarida barglarni qayiqqa o‘xshab qayrilishi, xloroz, bargning qurib qolishi, to‘kilishi kabi alomatlar kuzatildi. Parkent tumanidagi bog‘ virusli kasallik alomatlari monitoring qilinganda 35% o‘simliklarda aniqlandi.

## СОЗИДАТЕЛЬНАЯ РОЛЬ ОТБОРА

Аккужин Д.А., Ахмеджанов А.Н.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз  
igebr\_anruz@genetikauz

Селекция существует со времен появления человека и продолжает интриговать исследователей в формообразовательных возможностях.

Уровень имеющейся информации изволила использовать в селекции ступенчатую гибридизацию которая является общепризнанной по многим



сельхоз культурам, в том числе и на хлопчатнике (А.И. Автономов 1949, С.С.Канаш 1981, Н.Г.Симонгулян 1987 г., П.Ш.Ибрагимов 2006 г.) и др. Нами в своих исследованиях использовали ступенчатую гибридизацию, которая позволила получить результаты.

Проведены несколько этапов ступеней гибридизации, которые позволили заинтриговать исследователя в полученных результатах, уже на первых ступенях гибридизации, с выделением Л 2303 и Л 2366.

Родоначальником сорта АН 511 была Л 2303. Проведение селекционных работ аналитического характера позволила улучшить сорт, который стал именоваться как АН 512 → АН 512 У.

Площадь посева перспективного сорта АН 512 У по Ферганской области в 2003 году достигло 27,1 тыс. га.

Родоначальником сорта АН 509 была Л 2366. Далее Л 2366 была использована в дальнейших этапах гибридизации.  $L\ 2366 \times (АН503 \times \text{Ташкент } 1) = L\ 222$ . Эта линия была родоначальником сорта АН 510 который был признан специалистами с/х перспективной и с 1991 года был районирован в Наманганской и Бухарской областях. Особенностью сорта АН 510 явилось качество волокна на уровне IV типа, т.е. обладала волокном востребованной текстильной отраслью.

С целью придания сорту скороспелости проведено скрещивание сорта АН 510 со скороспелым районированным сортом Киргизский 3, что стало следующей ступенью гибридизации.

Созданы десяток сортов из данной популяции каждый из которых имел достоинство и перспективность по основным х/ц признакам. Сорта АН 513, АН 514, АН 516 д/в, АН 519 решением МСиВХ РУз признаны перспективными. Сорта АН 515, АН 516 Д/в, АН 517, АН 518 ДАВР, АН 519, Л 86 обладают волокном IV типа. Каждому из создаваемых сортов уделялось достаточное внимание на сочетание комплекса х/ц признаков что дает основание надеется на



перспективность в определённой мере и в определённых условиях вегетации.

Созданные сорта в основном обладают качественными показателями волокна и оптимальными темпами созревания. Многие признаки имеют между собой коррелятивную зависимость на примере сочетания IV типа волокна и скороспелости. Одним из примеров удачного сочетания коррелятивно зависимых признаков которым является качество волокна, скороспелость и масса сырца одной коробочки имеется как факт в перспективном сорте АН 519 который обладает вышеуказанными признаками.

Известно об отрицательной коррелятивной зависимости длины и выхода волокна. Проведенные селекционные работы при создании новых сортов позволили выделить сорт ДАВР, у которой при штапельной длине волокна 35,8 мм, выход волокна составил 39,8 %, при массе 1000 семян и массе сердца одной коробочки 5,4 грамма. У сорта ДАВР микронейр составил 4,0 при Len 1,30.

Одним из форм хлопчатника представляющих научный и практический интерес является Л 86 которая характеризуется ограниченностью листьев и имеющих определенную рассеченность. Этой линии сопутствует IV тип волокна, скороспелость и упрощённость куста. Урожайность можно регулировать густотой стояния.

Как отмечает ТерАванесян (1973г.) скороспелые сорта симподиального типа с предельно сжатым кустом имеют более высокую продуктивность фотосинтеза на единицу листовой поверхности. Эта связь биологически закономерна, т.к. растение с ограниченной площадью листовой поверхности компенсируется высокой фотосинтезирующей деятельностью листьев.

Резюмируя проведенные многолетние исследования по ступенчатой гибридизации с созданием ряда перспективных сортов хотелось бы представить факты нарушения коррелятивной зависимости по некоторым важным хозяйственным отношениям признакам в пользу удачного их сочетания. Полученные результаты свидетельствуют о том, что можно в полне реально



решать проблему выведения скороспелых, высокоурожайных сортов хлопчатника, имеющих малую облиственность куста.

Важным фактом проведенных исследований явилось удачное сочетание в оптимальных значениях отрицательно коррелятивно зависимых признаков IV типа волокна с высокими темпами созревания (перспективный сорт АН 519), а также длину и выход волокна (сорт ДАВР)).

### **ЎЗНИНГ ГЕОГРАФИК ВА ГЕНЕТИК ЖИХАТДАН УЗОҚ F<sub>1</sub>BC<sub>1</sub> БЕККРОСС ДУРАГАЙЛАРИДА (+)-ГОССИПОЛ ЭНАНТИОМЕРНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

Амантурдиев И.Ғ., Рахмонов Х.Х., Долимов А.А.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
amanturdiyev.i@gmail.com

Маълумки, турли хил дурагайлаш тизимида олинган, жумладан, тур ичида географик ва генетик жиҳатдан фарқланувчи узоқ шаклларни дурагайлаш орқали яратилган турли авлод дурагайларида қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги ўрганилган. Бироқ, ўзанинг беккросс дурагайлари вегетатив ва генератив органлари таркибидаги госсипол миқдори ва энантиомерларининг генетик жиҳатларини аниқлаш ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун, тадқиқотларимизда географик ва генетик жиҳатдан узоқ шаклларни беккросс дурагайлаш асосида олинган F<sub>1</sub>BC<sub>1</sub> ўсимликлар вегетатив ва генератив органлари таркибидаги (+)-госсипол энантиомери белгисининг ирсийланиш даражаси ўрганилди.

Ўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб дурагай ўсимликларнинг (+)-госсипол энантиомери белгиси бўйича 1:1:1:1 нисбатда ажралиши, юқори миқдорда генлар частотасининг намоён бўлиши ҳамда 2 та доминант генлар билан бошқарилиши аниқланган. Ушбу генлардан биттаси вегетатив ва иккинчиси генератив органлар



таркибидаги (+)-госсипол энантиомерини назорат қилади. Ота-оналик шакллари ва улар иштирокида олинган  $F_1BC_1$  дурагайлари генотипини икки жуфт аллель генлар  $GL^+GL^+G_2G_2$  доминант ҳамда  $g_1^+g_1^+g_2g_2$  рецессив дигомозигота билан белгиланади. Генотипларда (+)-госсипол энантиомери миқдорининг юқори бўлиши ҳар иккала доминант геннинг иштирокидан далолат беради.

Тадқиқотларимизда географик ва генетик жиҳатдан узок нав - намуналарни частиштиришдан олинган  $F_1BC_1$  дурагайлари гултожибарги таркибидаги (+)-госсипол энантиомери белгисининг ирсийланиши бўйича олинган натижалар таҳлил қилинди. Ўрганилган  $F_1BC_1$  дурагайлари гултожибаргида (+)-госсипол белгиси асосан оралик ҳолда ирсийланиши аниқланди. Дурагайларнинг ирсийланиш даражаси комбинацияларга боғлиқ равишда  $h_r=0,2$  дан  $h_r=0,6$  коэффициентлари қайд этилди. Фақатгина  $F_1BC_1$  ( $F_1$ Бухоро-8 ×  $BC_3S_1-1-6-3-15$ ) × Бухоро-8) дурагай-комбинациясида белги бўйича тўлиқ доминантлик қайд этилди ( $h_r=1,0$ ). Қолган дурагай-комбинацияларда (+)-госсипол энантиомери белгисининг ўртача кўрсаткичи  $F_1BC_1$ ( $F_1$ Турон ×  $BC_3S_1-47-8-1-17$ ) × Турон) 83,8% дан  $F_1BC_1$  ( $F_1$ Гулистон ×  $BC_3S_1-1-6-3-15$ ) × Гулистон) 96,3% гача ораликда бўлгани аниқланди.

Ўрганилган бошланғич ота-она шакллари ва дурагайларнинг гултожибаргидаги (+)-госсипол энантиомерини миқдори бўйича олинган натижалар маълум қонуният мавжудлигини, яъни генератив органларидаги (+)-госсипол миқдорининг вегетатив органларидагига нисбатан бир оз пасайишини кўрсатди. Айниқса,  $F_1BC_1$ ( $F_1$ Турон ×  $BC_3S_1-1-6-3-15$ ) × Турон) комбинациясида (+)-госсипол миқдорининг бошқа дурагай-комбинацияларга нисбатан сезиларли даражада пасайганини (27,5%) ва  $F_1BC_1$ ( $F_1$ Гулистон ×  $BC_3S_1-1-6-3-15$ ) × Гулистон) дурагайида эса аксинча, яъни нисбатан кам (3,7%) ўзгарганини таъкидлаш мумкин.



Демак, (+)-госсипол энантиомери белгисининг  $F_1BC_1$  авлодда ирсийланиши бўйича олинган натижалар таҳлили асосида қуйидагича:

- (+)-госсипол миқдори юқори бўлган АҚШ ғўза намуналари ва маҳаллий навларни беккросс усулида чатиштиришдан олинган дурагайлар гултожибаргидаги (+)-госсипол энантиомери белгиси  $F_1BC_1$  авлодда оралик ҳолда ирсийланиши аниқланди;

- (+)-госсипол энантиомери белгисини назорат қилувчи аллель генларнинг ўзаро таъсири натижасида фақатгина биргина дурагай-комбинацияда ирсийланиши намоён бўлганлигини хулоса қилиш мумкин.

## **ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИ ВА ОИЛАЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ШАРОИТДА ГОММОЗ (*XANTHOMONAS MALVACEARUM*) КАСАЛЛИГИГА БАРДОШЛИЛИГИ**

Амантурдиев И.Ғ., Долимов А.А., Рахмонов Х.Х.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
[amanturdiyev.i@gmail.com](mailto:amanturdiyev.i@gmail.com)

Гоммоз касаллиги ғўзанинг бактерия келтириб чиқарадиган касаллиги ҳисобланади. Гоммознинг ривожланиши об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Кўкламда ва ёзнинг биринчи ярмида кўп ёғингарчилик бўладиган худудларда ғўза бу касаллик билан кучли даражада зарарланади. Унинг барглари, поялари, кўсақлари ва толалари касалланади. Ўсимлик гоммоз билан касалланганда фақат пахта ҳосилигина пасайиб қолмай, чигитнинг уруғлик сифати ва толанинг технологик кўрсаткичлари ёмонлашади.

Гоммоз касаллигини тарқатувчиси *Xanthomonas malvacearum* Dows бактериясидир. Унинг ривожланиши ва ўсимликни зарарлаши учун энг қулай ҳарорат  $+25-28^{\circ} \text{C}$ . Ҳарорат  $+25^{\circ} \text{C}$  дан паст ва  $+35^{\circ} \text{C}$  дан юқори бўлганда бактериянинг ҳаёт фаолияти пасаяди. Ўсимлик ривожланишининг дастлабки



даврларида (бахорда) қайта зарарланиш жуда тез равишда ўтади. Шунга кўра, ғўза ниҳолларини ўз вақтида яганалаш ва бунда гоммоз билан касалланган ўсимлик тупларини биринчи навбатда йўқотиш керак.

Гоммоз касаллигига бактерия сабаб бўлганлиги учун бактериоз деб аташ мумкин. Ғўза ривожланишнинг барча даврларида майсалаш давридан (уруғ палла баргларида) бошлаб ўсув даврининг охиригача (кўсак тугилиши ва тола ҳосил бўлиш давригача) гоммоз билан касалланади. Касаллик 5 хил - уруғ барг, ҳосил органи, барг, поя ва тола формасида учрайди.

Зарарланиш даражаси 3 балли шкала билан баҳоланди:

I балл - кучсиз (0-10% гача) зарарланган;

II балл - ўртача (11-30% гача) зарарланган;

III балл - кучли ва ундан юқори (31%-100%) зарарланган.

Ғўзанинг эколого-географик ва генетик узок дурагайлашдан олинган  $F_1$  ўсимликларида гоммоз касаллигининг баҳорги шаклига бардошлиликни ирсийланиши бўйича таҳлил қилинди. Ота-она шакллари ичида биргина С-8290 нави нисбатан паст даражада касалликка чалиниб, чидамли деб топилди.  $F_1$  ўсимликларида эса гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан зарарланиши  $F_1$ Омад х  $BC_3S_1$ -47-8-1-17,  $F_1$ С-8290 х  $BC_3S_1$ -1-6-3-15 комбинацияларда мутлақо кузатилмади ва нисбатан чидамлиликни намоён этканлиги кузатилди. Андоза нав сифатида олинган С-6524 нави гоммоз касаллиги билан баҳорги формасида 13.4 фоиз даражада касалланди.

Ўрганилган ғўзанинг биринчи бўғин ўсимликларида гоммоз касаллигига бардошлилик белгисининг турли даражада ирсийланиши маълум бўлди. Яъни, ижобий ва салбий доминантлик, тўлиқсиз ва ўта доминантлик ҳолатлари намоён бўлди.

Шунингдек, гоммоз касаллигига бардошлиликни аниқлаш бўйича олинган



натижалар таҳлилига кўра, ўрганилган оилаларнинг барчаси нисбатан бардошли эканлигини яъни бардошлилик хусусияти бўйича ушбу кўрсаткичлар ҳам назорат навлар кўрсаткичидан яққол паст эканлигини тасдиқлади. Уларнинг зарарланиш даражаси назорат навлардан кескин фарқ бўлганлиги аниқланди.

Хулоса. Ажратиб олинган оилаларни дала шароитида назорат навлар билан киёсий ўрганиш уларни илдиз чириш, қора илдиз чириш ва гоммоз касалликларига табиий бардошли эканлигини тасдиқлади. Уларнинг кўрсаткичи назорат навлардан паст бўлганлиги аниқланди. Демак, ажратиб олинган оилалардан гоммоз (*X.malvacearum*) касаллигига бардошли навлар яратишда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш юқори самара беради.

## **GALOFIT O'SIMLIKlardagi ENDOFIT BAKTERIYALARNI AJRATIB OLISH VA ULARDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI**

Axanbayev Sh.U., Akramov I.B., Aliqulov B.S., Ismailov Z.F.

Samarqand Davlat Universiteti  
shahzod.axanbayev@mail.ru

Hozirgi kunda sho'r, qurg'oqchil va turli noqulay sharoitlarda o'sadigan o'simliklar hamda ularning organlarida uchraydigan endofit bakteriyalarning o'zaro bog'liqligi, ularning munosabatlari ko'plab dunyo olimlarini qiziqishiga sababchi bo'lmoqda. Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, endofit bakteriyalar o'simliklarning bir qator abiotik stresslardan, jumladan qurg'oqchilikdan, past haroratdan, sho'rlanishdan himoya qilish samaradorligini namoyon etadi. Galofitlar – sho'rlangan, ya'ni tarkibida 40 ml/litr miqdorgacha tuz saqlaydigan tuproqda o'sadigan o'simliklar hisoblanadi. Yer yuzida o'sayotgan o'simliklarning 2% (2600 dan ortiq tur) galofitlar ekanligi aniqlangan. O'zbekiston hududidagi sho'rlangan joylarda 260 dan ortiq turdagi galofit o'simliklar o'sishi o'rganilgan. Bundan tashqari, galofit o'simliklar uchun zarur bo'lgan azotni o'zlashtirishida endofit bakteriyalarning roli yuqori. Ayrim



taqdidotlarda keltirilishicha *Burkholderia phytofirmans* endofit bakteriyasi pomidor, kartoshka, makkajo'xori, arpa, piyoz, uzum o'simliklarida aminosiklopropan karboksilata diaminaza va IAA moddalar sintezini amalga oshiradi, *Enterobacter sp* endofot bakteriyasi terak o'simligida siderofor, IAA sintezi, asetoin va 2,3-butanadiol kabi moddalar sintezida va zamburug'ga qarshi chidamliligini oshirishda ham ishtirok etadi.

Shuning uchun nafaqat qishloq xo'jaligi ekinlari balki qurg'oqchil sharoitda o'suvchi o'simliklarda uchrovchi o'zgaruvchan iqlim sharoitdagi endofitik mikroorganizmlarning mikrobiologik va biotexnologik potensialini baholash muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'lumki qurg'oqchil yerlarda suvning chegaralanishi va tuzning to'planishi kabi uzoq muddatli abiotik stresslarga duch keladigan mintaqalarda o'sadigan o'simliklar, shuningdek, odatdagi noqulay sharoitlarda rivojlanishiga imkon beruvchi o'ziga xos mexanizmlarga ega bo'lib, bu esa shu o'simliklarning o'sishi va rivojlanishi bilan bog'liq endo,- rizobakteriyalar jamosini chetlab o'tmaydi.

Ushbu tadqiqotlarimizdan ko'zlangan maqsad qurg'oqchil va sho'rlanishga chidamli (*Izen (Kochia)* va teresken (*Ceratoides*)) o'simliklari bilan bog'liq bo'lgan endofitik bakteriyalarni o'rganishga va ularni o'simliklarni o'sishiga targ'ib qilish va biotexnologik istiqbollarni o'rganishni nazarda tutadi.

Tadqiqotlar uchun keltirilgan o'simliklar namunalari (poya, barg, urug') dastlab yuzaki sterilizatsiyadan o'tkazildi, ya'ni har bir o'simlikning barg va novdalari oqar suv oqimi ostida yuviladi. Dastlab namunalari steril distillangan suvda 1 daqiqa davomida, so'ngra 70% etanol 1 minut, va 2,5% natriy gipoxlorit 4 min, steril distillangan suvda uch marta har biri 5 daqiqa davomida yuvish ishlari amalga oshiriladi. So'ngra endofit bakteriyalarni yuqorida keltirilgan o'simliklardan ajratib olishda Luriya Bertani (LB) ozuqa muhitidan foydalanildi. Uning tarkibi quyidagicha bo'ldi: g/l tripton 10-g, achitqi ekstrakti-5, NaCl-10, agar-20 va ozuqa muhiti pH-7 ga tenglashtirildi. Ushbu tarkibli ozuqa muhitiga ekilgan kulturalar 28° C da 7 sutka davomida o'stirildi.

Tadqiqotlarimizning dastlabgi bosqichlarida o'simlikning turli organlaridan



namunalar olib ekilgan petri idishlarida turli morfologik shaklga ega izolatlar hosil bo'ldi. Har bir o'stirilgan kaloniyalar ichidan sof kulturalarni ajratish uchun alohida tayyor agarli petri idishlariga qayta ekildi. Bu jarayon toki sof kulturalarni ajratib olgunga qadar davom ettirildi.

Shu bilan bir qatorda bir vaqtning o'zida sof kulturalar keyingi tadqiqotlar uchun 20° C da 20% li gilitserinda saqlab qo'yildi.

## **ЎЎЗАНИНГ «ПОРЛОҚ-5» НАВИ МОРФОЛОГИЯСИ ВА БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИ**

Ачилов С., Муҳаммадов Ў., Маманазаров Ш., Мирзоёқубов К.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.

Жаҳон ҳамжамиятида уруғчилик соҳасидаги муносабатлар давлатнинг қишлоқ хўжалиги бўйича иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда, юртимизда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда уруғчилик соҳасига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борилаётган кенг ислохотлар қатори уруғчилик соҳасига катта эътибор бериб келинмоқда. Уруғчиликни тартибга солиш ва такомиллаштириш юзасидан 2018 йил 8 ноябрда янгиланган Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида” ги Қонунида қишлоқ хўжалик экинларининг уруғчилик базасини яратиш, навни янгилаш ва нав алмаштириш жараёнида уруғлик навлари ва дурагайлариининг биологик ҳамда хўжалик жиҳатидан қимматли хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, республиканинг турли табиий-иқлим шароитларига мослашган янги тезпишар, маҳсулот сифати ва ҳосилдолиги юқори бўлган селекцион навларни яратиш ва уларни жорий этишда юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш, уруғликларнинг сифати устидан давлат назоратини амалга ошириш, уруғчиликка



жаҳон тажрибаси ютуқларини қўллашда ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда.

Ғўзанинг «Порлоқ-5» нави ген-нокаут технологияси асосида яратилган Порлоқ-1 нави биотиплари орасидан юқори потенциалга эга бўлган шаклларни кўп марталик якка танлов қилиш натижасида яратилган. «Порлоқ-5» нави илдизи кучли ривожланган, пояси бақувват, тукланган, бўйи баланд, барглари йирик ва беш қиррали. Шохланиш типи 1-2 тип га хос бўлиб, 5-6 бўғимдан ҳосил шохлари чиқади. Ўсув шохлари 1 тагача баъзан сийрак жойларда 2 та ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Кўсаклари йирик, битта кўсакдаги очилган пахта 6,5-7 гр, 1000 дона чигит вазни 135 гр, ўсимлик бўйи 110-120 см, туп шакли пирамидасимон, ўсув даври 110-115 кун, ўртача ҳосилдорлиги 45-55 ц/га, тола узунлиги 37-38 мм, тола чиқими 34%, толанинг микронейр қиймати 4,3 га тенг. Гармсел ва курғоқчиликка нисбатан чидамли.

Тадқиқот ишлари Геномика ва биоинфарматика марказининг махсус уруғчилик хўжалигида типик бўз тупроқли тажриба майдонида ўтказилди. Ер ости сувлари чуқур жойлашган (18-20 м), механик таркиби ўртача қумоқли тупроқлардир. Тадқиқотда «Порлоқ-5» ғўза навининг бирламчи уруғчилик ишларини олиб бориш натижасида навдоликни ошириш мақсад қилинган. Барча дала кузатувлари ва лаборатория таҳлиллари уруғчилик хўжаликларида қўлланиладиган услубларга мувофиқ олиб борилди.

«Порлоқ-5» ғўза навининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш учун 24.04.2017 йилда 0,3 га майдонга экишга яроқли деб топилган 307 та якка танлов намуналари оила сифатида 50 уяли 10 метрли қаторларга экилди. Ўтказилган лаборатория таҳлил натижаларига кўра, униб чиқиш энергияси 88% ни ташкил этди. Унувчанлиги 95 % ва ифлослиги 0,5 % ни ташкил этди.

Экилган жами 307 та оиладан барча дала кўрикларидан сўнг 118 та оила соғлом деб топилди. Улардан 750 та якка танлов, 118 тадан синов ва оилавий



терим намуналари ҳамда 1123 кг уруғлик пахта хом-ашёси териб олинди.

Териб олинган намуналар лабораторияда тола сифати ва муҳим агрономик кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилиниши натижасида, бир ўсимликдаги пахта ҳосили ўртача 53,5 граммга, бир кўсақдаги пахтаси вазни 6,1 граммга, тола узунлиги 36,5 мм га тенглигини кўрсатди. Таҳлиллар натижасида 750 та якка танлов ва 118 та синов намуналари орасидан навга мос бўлган 278 та якка танлов ҳамда 46 синов намуналари кейинги йил уруғчилик ишларини давом эттириш учун танлаб олинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, Порлоқ-5 ғўза нави уруғчилик ишлари натижасида навдорлиги юқори бўлган намуналарни танланишини таъмин этган. Шунинг учун уруғчилик ишларида танловнинг аҳамияти каттадир.

## **АЛЛОТЕТРАПЛОИД ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАР ОРАСИДАН ЦИТОГЕНЕТИК ТАҲЛИЛЛАР ЁРДАМИДА F<sub>1</sub> МОНОСОМИК ДУРАГАЙЛАР АНИҚЛАШ**

Бобохужаев Ш.У., Санамьян М.Ф., Абдукаримов Ш.С., Уралов Ж.

МирзоУлуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
bobohujayev@mail.ru

Ғўза ўсимлиги асосан толаси учун этиштирилади ва у дунё енгил саноатини табиий тола билан таъминлаб берувчи энг глобал муҳим ўсимлик турларидан биридир. Шу сабабли ҳозирги кунда ғўза генетикаси соҳасида ғўзанинг ҳосилдорлиги ошириш, тола сифатини яхшилаш ва турли ҳилдаги биотик ва абиотик омилларга чидамли бўлган навлар яратиш устида турли методлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотлар бири бу ёввойи турлардан битта бегона хромосомаси кўчириб ўтказиш ёки алмаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. АҚШлик олимлар *G.hirsutum* L. турига мансуб бўлган анеуплоидлар линиялар билан *G.barbadense* L. иштирокида 20 та CS-V линиялар, *G. tomentosum* Nutt. ex Seem иштирокида 45 та F<sub>1</sub> турлараро гипоанеуплоид



дурагай ва кейинчалик 11 та CS-T линиялар, *G. mustelinum* Miers ex Watt иштирокида 25 та F<sub>1</sub> турлараро гипоанеуплоид дурагай ва кейинчалик 9 та CS-M линиялар олинган.

ЎзМУнинг Ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб Ноёб цитогенетик коллекциясидан 95 бирламчи моносомик линиялар мавжуд. Ушбу цитогенетик коллекциянинг моносомик линиялардан фойдаланган ҳолда ғўзанинг *G.barbadense* L. турининг донор Pima 3-79 линиясининг ёрдамида алоҳида хромосомаси-алмашаган линиялар яратилиш устида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда ғўзанинг ўриндош хромосомали вакиллари олиш учун 6 та моносомик линиялар линияларни донор Pima 3-79 линияси билан чапиштирилди.

Турлараро F<sub>1</sub> дурагай ўсимликларда цитогенетик таҳлиллар ўтказилди, натижада 52 хромосомали дисомик ўсимликлар ва 51 хромосомали кариотипга эга бўлган дурагайлар моносомик ўсимликлар аниқланди. Хусусан, 4 та чапиштирилган комбинацияда F<sub>1</sub>(Mo11 × Pima 3-79, Mo13 × Pima 3-79, Mo19 × Pima 3-79, Mo31 × Pima 3-79, Mo70 × Pima 3-79 ва Mo89 × Pima 3-79) чапиштирилган комбинациядан 7 та оиладан олинган F<sub>1</sub> дурагайларда хромосома конъюгацияси таҳлилига кўра 6 та оиладан комбинациядан биттадан F<sub>1</sub> моносомик дурагай аниқланди, фақатгина F<sub>1</sub>(Mo89 × Pima 3-79) вариантдан иккита F<sub>1</sub> моносомик дурагай аниқланди. Хромосома конъюгацияси таҳлилида моносомик хос 25 та бивалент ва битта унивалент ўрганилган барча чангчиларнинг она хужайраларида аниқланди ҳамда хар бир аниқланган F<sub>1</sub> дурагай моносомикда унивалентлар ўлчами турлича эди. Бундан ташқи, F<sub>1</sub>(Mo11 × Pima 3-79) вариантыда дисомик ўсимликлар аниқланди 26 та бивалентдан ташқари баъзи хужайраларда 1 дан 5 гача очик бивалентлар аниқланди бунга сабаб турлараро чапиштирилганлиги ва бошлангич моносомик линияда микроабберация бўлганлиги сабаб айрим хромосомаларда тўлиқ конъюгациялашмаган.

Шундан қилиб, моносомик линияларини Pima 3-79 линияси билан ўзаро



чатиштириш натижасида ҳосил бўлган F<sub>1</sub> дурагайлариининг цитогенетик таҳлили натижасида 7 та F<sub>1</sub> дурагай моносомик ўсимлик аниқланди. Ушбу F<sub>1</sub> дурагай моносомик ўсимликлардан ғўза ўсимлигида хромосомаси-алмашган линияларни яратиш учун бошланғич материал сифатида фойдаланиш мумкин. Бу линиялар эса *G.hirsutum* L. тури учун хос бир қанча яхши хусусиятларига эга бўладилар.

## ДНК МАРКЕРЛАР АСОСИДА ҒЎЗАНИНГ СЎРУВЧИ ҲАШАРОТЛАРИГА ЧИДАМЛИ НАВ ВА НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАБ ОЛИШ

Бойқобилов У.А., Хусенов Н.Н., Макамов А.Х., Норбеков Ж.К.,  
Нормамаатов И.С., Хошимов С.Қ.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази  
umidjan2803@gmail.com

Дунё бўйича етиштириладиган ғўзанин 20-40 фоиз ҳосили зараркунанда ҳашаротлар ва турли хил касалликлар таъсирида камайиб бормокда. Хусусан, охириги йилларда Ўзбекистон пахтачилигида ҳам ғўза ҳосилининг 10-20 % и кўсак курти (*Helicoverpa armigera*), 10-15 % и катта ғўза бити (*Acyrtosiphon gossypii* Mordv.) ва 15-30 % и ўргимчак кана (*Tetranychus urticae*) ҳашаротлари таъсирида ёқотилмокда. Ҳозирги кунда дунё олимлари олдида турган асосий вазифалардан бири бу зараркунанда ҳашаротларига, касаллик кўзгатувчи замбуруғ, бактерия, вирусларга ҳамда абиотик ва биотик стрессларга чидамли нав ва линиялар яратишдир. Молекуляр биология ва замонавий ген муҳандислигининг жадал ривожланиши бу каби муаммоларни олдини олишга имкон беради.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Монсанто компанияси томонидан илк бор ҳашаротларга чидамлилик намоён этган биотехнологик “Bollgard” ғўза нави жамоатчиликка тақдим этилди. “Bollgard” ғўза нави *Bacillus Thuringiensis* (Bt) тупроқ бактериясининг иккита Cry1Ac ва Cry2Ab генларини трансформация қилиш йўли билан олинган ва ушбу нав ғўзанин кўсак куртига юқори чидамлилик номоён этган. Аммо, хозирги кунгача ғўзанин сўрувчи



зараркунанда (қора шира, катта ғўза бити ва ўргимчак кана) ҳашаротларига чидамлилигини ошириш мақсадида молекуляр биология ва ген муҳандислиги асосида олиб борилган тадқиқотлар ёритиб борилмаган.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Геномика ва биоинформатика маркази Маркерларга асосланган селекция (МАС) лабораториясининг бир гуруҳ илмий ходимлари жаҳон нуфузли нашрларида чоп этилган адабиётлардан фойдаланиб сўрувчи зараркунанда ҳашаротларига чидамли ғўза нав ва линияларни яратишни мақсад қилишди.

Бунинг учун ғўза гермоплазма коллекциясидан турли минтақалардан олиб келинган, ғўзанинг сўрувчи ҳашаротларга чидамли ва чидамсиз деб тавсифланган ғўза нав ва нав намуналари, шунингдек марказимиз томонидан яратилган янги биотехнологик ғўза навлари жами 37 дона намуна танлаб олинди. Тадқиқот намуналарини оққанот, катта ғўза бити ва ўргимчак кана каби сўрувчи ҳашаротларга чидамлилигини текшириш мақсадида марказнинг махсус иссиқхонасида экилди. Шунингдек, намуналардан геном ДНКси ажратиш мақсадида биологик барг тўқималари йиғиб олинди ва СТАВ усулида геном ДНКси ажратилди. Намуналарни геном ҳудудларининг ўзаро фарқликларини ҳамда полеморф маркерларини аниқлаш мақсадида марказда мавжуд микросателлит (SSR - Simple Sequence Repeats) маркерлардан фойдаланиб ПЗР сркининг қилинмоқда.

Келажакда, намуналар ичидан сўрувчи ҳашаротларга юқори чидамлилиқ намоён этувчи донор линиясини ҳамда чидамсиз намуналарни танлаш, улар асосида дурагай комбинациялар яратиш ва ушбу комбинациялар асосида маркерларга асосланган селекция учун махсус QTLни аниқлаш шунингдек, тадқиқот доирасида аниқланган ғўзанинг сўрувчи ҳашаротларига чидамлилиқ QTL генларини марказда “генларни пирамидалаш” (тола сифати ва вилтга чидамлилиқни бир генотипга жамлаш) асосида олинган 20 тадан ортиқ комбинацияга ўтказиб, уларни геномини бойитиб боришдан иборат.



## МАРКЕРЛАРГА АСОСЛАНГАН СЕЛЕКЦИЯ УСУЛИ ЁРДАМИДА ВЕРТИЦИЛЛЁЗ ВИЛТГА ЧИДАМЛИ ВС<sub>3</sub>F<sub>2</sub> ДУРАГАЙ КОМБИНАЦИЯЛАРНИ ТАШЛАШ

Бойқобилов У.А., Хусенов Н.Н., Макамов А.Х., Норбеков Ж.К.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази  
umidjan2803@gmail.com

Вертициллиёзли вилт касаллиги ўсимликлар дунёсининг 38 та оиласига мансуб 660 турига, шу жумладан *Gossypium spp. L.* турига мансуб ғўза навларига ҳам катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Масалан, йирик пахта етиштирувчи Хитой давлатида йилига 2,5 миллион гектар пахта далалари вертициллёзли вилт касаллиги билан зарарланади ва бу мамлакатдаги пахта етиштириладиган майдоннинг тахминан 50 фоизига тўғри келиб, бу мамлакат иқтисодиётига 250-310 миллион АҚШ долларгача зарар келтирмоқда. Республикамизнинг кўплаб худудларида ҳам ушбу касаллик туфайли етиштирилаётган йиллик пахта хосилининг 10-20 фоизи йўқотиб келинмоқда.

Ќўзада вертициллёз вилт касаллигини келтириб чиқарувчи патоген *Verticillium dahliae* замбуруғидир. Касалликнинг қўзғатувчиси тупроқ замбуриғи саналиб, у асосан ғўзанинг шоналаш давридан сўнг ўсимлик баргларида турли доғларнинг пайдо бўлиши, ниҳолларнинг сўлиб қолиш симптомларини намоён қилиб, ўсимликларда некрозни вужудга келтиради.

Ҳозирги кунда бу каби касалликларга бардошли ғўза навларини яратишда, турли экотипга мансуб генофонд намуналарини танлаш ҳамда замонавий биотехнологик ва селекцион усуллардан фойдаланиш жуда яхши самара беради. Маскур вилт касаллигига қарши курашишда полиген табиатга эга юқори чидамлилик намоён этувчи донор линиялар танланган бўлиб, улар марказда яратилган Порлоқ ва Равнақ ғўза навларига чатиштирилиб 17 та дурагай



комбинациялар олинган. 2020 йил маркерларга асосланган селекция ва генларни пирамидалаш усулларидан фойдаланиб, ўзида тола сифати ва вертициллёзли вилт касаллигига чидамликка жавоб берувчи QTLларни тутган BC<sub>3</sub>F<sub>2</sub> дурагай комбинациялари, донор ва реципиент навлари билан бирга Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институтининг *V.dahliae* замбуруғи қўзғатувчиси билан сунъий зарарлантирилган табъий дала фондига экилди ва зарарланиш даражаси баҳоланди. Тадқиқотда танланган BC<sub>3</sub>F<sub>2</sub> [Порлоқ-2 × (Порлоқ-2 × Las-Brenas-347)] дурагай комбинациясидан 46 таси чидамсиз, 89 таси ўртача чидамли ва 139 юқори чидамлик намоён этди. Шунингдек, BC<sub>3</sub>F<sub>2</sub> [Порлоқ-2 × (Порлоқ-2 × Las-Brenas-347)] дурагай комбинациясидан тола сифати ва вертициллёзли вилт касаллигига чидамлик бўйича ассоциацияланган ДНК маркерлари билан текшириш мақсадида биологик барг тўқималари териб олинди. Хамда СТАВ усулида геном ДНКси ажратилди. Сўнгра, тадқиқот намуналари BNL1604, BNL2646, BNL3255 микросателлит маркерлари билан ПЗР скрининг қилиниб, донор ва реципиент аллеллари бўйича генотипланди. Морфо-биологик ҳолати бўйича вертициллёзли вилт касаллигига чидамсизлик намоён этган линиялар геном ҳолати бўйича рецессив гомозигота (оналик шаклига ўхшаш) ҳолатда, ўртача ва юқори чидамлик намоён этган 174 та линия гетрозигота ва 60 та линия донор аллели бўйича гомозигота ҳолатда эканлиги аниқланди.

Ҳозирда, ушбу линияларнинг агрономик ва тола сифат кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, улар ичидан барча агрономик, морфо-биологик ҳамда генотипик жиҳатдан мукамал линияларни кейинги тадқиқотларда фойдаланиш мақсадида танлаб олинади.



## ЃЎЗАНИНГ *G. MUSTELINUM* MIERS EX WATT ТУРИ ҲАМДА *G. ARBOREUM* L SSP. *OBTUSIFOLIUM* КЕНЖА ТУРИЛАРИДА ТУЗГА ЧИДАМЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Гаппаров Б.М.<sup>1</sup>, Қудратова М.Қ.<sup>1</sup>, Тураев О.С.<sup>1,2</sup>, Кушанов Ф.Н.<sup>1,2</sup>

<sup>1</sup> ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий университети

b.gapparov@bk.ru

Ўсимликлардаги тупроқ шўрланишига чидамлилик хусусиятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлиги соҳадаги долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Маълумки, тупроқнинг шўрланиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг кескин камайишига ва шунинг учун ишлаб чиқаришнинг сезиларли йўқотишларига олиб келади. Бошқа томондан, қишлоқ хўжалиги экинларининг шўрланишга турли хил даражада табиий қаршилиги мавжуд. Демак, бундай йўқотишларни камайтириш учун реал имкониятлар мавжуд.

Бизнинг олиб борган тадқиқотларимизни ғўзанинг ёввойи, ярим ёввойи (рудерал), тропик ва субтропик маданий намуналарида ўтказдик. Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Ѓўза генофонди” ноёб объектида сақланиб келинаётган ғўзанинг ёввойи тетраплоид *G.mustelinum* Miers ex Watt ҳамда диплоид *G.arboreum* L. тури ва туричи хилма-хилликларига мансуб *G.arboreum* L. ssp. *obtusifolium* уруғ намуналари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Ўтказилган тадқиқотимиз 100 мМ NaCl эритмаси тайёрланган тузли муҳитда ўрганилди. Олиб борган тажрибалар термостат шароитида Петри чашкасида 30°C ҳароратда 8 кун муддатда олиб борилиб, уларни доимий назорат қилиб борилди.

Петри чашкасига тайёрлаб олинган эритмадан чигитнинг устига томизилиб турилди. Тадқиқотимизда уруғ намуналарининг униб чиқиш фоизи ва илдиз узунлиги (сантиметр ҳисобида) ўрганиб чиқилди. Илдиз узунлигини ўрганишдан мақсад тетраплоид *G.mustelinum* Miers ex Watt тури ҳамда диплоид *G.arboreum*



ssp. *Obtusifolium* кенжа турини тузли мухитга чидамлилигини ўрганиш ҳисобланади.

Изланишларимизда тетраплоид турига мансуб *G.mustelinum* Miers ex Watt да ўтказилган тадқиқот натижалари турлича кўрсаткичларни намоён этди. Биринчи ва иккинчи кунларда назорат вариантда 40 фоиз уруғлар униб чиққанлиги кузатилди. Илдиз узунлиги эса 1,6-2,0 см бўлганлиги қайд этилди. Тажриба вариантыда униб чиққан ўсимликлар 20 фоизни ташкил этиб, илдиз узунлиги эса 0,1 см бўлганлиги аниқланди. 7-8 чи кунларда назорат вариантыда униб чиққан уруғлар фоизи кўрсаткичи ўзгармаган ҳолатда бўлиб 80 фоиз қийматни ташкил этди. Унинг илдиз узунлиги 6,6-7,5 см бўлганлигини намоён бўлди. Тажриба вариантыда ҳам униб чиққан уруғлар фоизи ўзгармаган ҳолда 20 фоиз эканлиги кузатилди. Илдиз узунлиги эса 0,1 см бўлганлиги аниқланди. Ушбу (*G.mustelinum* Miers ex Watt) намунада барча назорат вариантлар бўйича илдиз узунлиги ўсиб бориши тажриба вариантыда эса ўзгармаган ҳолатда эканлиги қайд этилди.

*G.arboreum* ssp. *Obtusifolium* кенжа турида эса, 1-2 чи кунларда назорат вариантда 60 фоиз уруғлар униб чиққанлиги маълум бўлди. Ушбу униб чиққан уруғларнинг илдиз узунлиги 1,7-2,2 см оралиғида бўлганлигини кўришимиз мумкин. Тажриба вариантда эса уруғлар униб чиқмаганини кўришимиз мумкин. 7-8 чи кунларда эса назорат вариантда 80 фоиз уруғлар унганлигини кўришимиз мумкин. Униб чиққан уруғларнинг илдиз узунлиги 5,9-7,0 см гача етганлиги кузатилган бўлса, тажриба вариантда уруғлар унганлиги кузатилмади. Ушбу намунамизда (*G.arboreum* ssp. *Obtusifolium*) назорат вариантда барча уруғларнинг кундан-кунга унувчанлиги ўзгариб бораётганлигини ва тажриба вариантда эса унувчанлик кузатилмаганини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотларимизда олиб борилаётган ғўзанинг ёввойи намуналари ўртасидаги ўзаро филогенетик муносабатларни келгусида молекуляр даражада ўрганиш мақсадида тадқиқот намуналарининг ҳар биридан СТАВ усулида геном



ДНКси ажратилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, олиб борган тадқиқотимизда 2 та намунада тажриба олиб бордик, яъни *G.mustelinum* Miers ex Watt ҳамда *G.arboreum* L. ssp. *Obtusifolium*. Тажрибалар термостат шароитида петри чашкасида ундирилиб, 100 м/моль NaCl эритмасидан тайёрлаб, ишчи эритмани 8 кун муддатда чигит унувчанлигини назарат таққослаб ўрганилди. Тетраплоид *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг унувчанлиги тузли мухитга бирмунча чидамлилигини кўрсатди. *G.arboreum* L. ssp. *Obtusifolium* кенжа тури эса, юқорида келтирилган тузли мухитга чидамсизлигини намоён этди.

## **MILLATNING IRSIY SALOMATLIGIDA HARAKATLANISH FAOLLIGINING O'RNI**

Jovliyev B.X., Qiyomova N.F.

Qarshi Davlat universiteti

Respublikamizda sogʻlomlashtirish tizimining asosiy yoʻnalishi jismoniy tarbiya va sport bilan shugʻullanish, oʻsmir va yoshlarning tibbiy koʻrigini yaxshilash, bolalar sogʻligʻini saqlash va mustahkamlash, ularni Vatanimizning munosib posbonlari boʻlib yetishishiga erishishdir.

Sogʻliq – bu faqatgina kasallikdan forigʻ boʻlish emas, balki insonning ijodiy ish qobiliyatlarini, tashqi sharoit taʼsirlariga tez moslashishini taʼminlaydigan ruhiy-jismoniy holatidir. Sogʻlom turmush tarzining eng zaruriy va samarali taʼsir etuvchi omillari jismoniy tarbiya va sport yaʼni harakat faolligi, chiniqish, massaj, tabiiy omillardan foydalanish kabilardir. Jismoniy tarbiya va sport har bir kishini jismoniy jihatdan rivojlantiradi va sogʻligini mustahkamlaydi va barcha kasalliklarning oldini olishda samarali vositadir. Jismoniy mashqlar bilan shugʻullanish kishini doimo bardam va sogʻlom boʻlishiga, ish qobiliyatini, hayotiy faoliyatini taʼminlashda juda muhim omil boʻlib xizmat qiladi.



Shuningdek, jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanish odam sog'lig'ini mustahkamlab, tashqi muhitning zararli ta'sirlariga nisbatan qarshiligini oshiradi. Jismoniy mashqlar, o'yinlar va sport bilan shug'ullanish kishida iroda, chidam, intizom tuyg'ularini shakllantiradi. Shu bilan birga u odamlarning hayotda faol ijtimoiy mavqeda turib, orzu-havas va ulkan ishonch bilan yashashlarini ta'minlovchi qudratga, ahamiyatga egadir.

Tibbiy statistika ma'lumotlariga nazar tashlasak, jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullangan kishilar, davolash tashkilotlariga shug'ullanmaydigan kishilarga nisbatan 4 marta kam murojaat qilishar ekan.

Ayniqsa suzish mashg'ulotlari muhim sog'lomlashtirish, chiniqtiruvchi ta'sir ko'rsatadi. U muskul, nafas, yurak-tomir tizimi faoliyatini mustahkamlaydi, organizmning jismoniy rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Suzish chiniqishning hamda past haroratga organizmning bardoshligini oshirishni, shamollashni va boshqa tashqi sharoitning o'zgarishlariga bardoshligi oshirishning yaxshi usulidir. Suv yuqori issiqlik o'tkazuvchanligiga ega bo'lib, aynan shu uning yuqori chiniqtirish xususiyatlarini belgilab beradi.

Suvda bajariluvchi mashqlar nafaqat oyoq va qo'llar, balki gavda mushaklarini ham kuchaytiradi, bu esa bolalar va o'smirlar qomati to'g'ri shakllanishiga imkon yaratadi. Simmetrik harakatlar, gavdaning gorizontol holati tufayli tana vaznining umurtqa pog'onasiga tushadigan og'irligi kamayadi va lodoz, kifoz va skolioz kabi qomat noto'g'ri shakllanishining oldini oladi.

Oyoqlarning tinimsiz va suvning doimiy qarshiligi holatidagi harakatlanishi boldir-tovon mushaklarini va bo'g'imlarini mashq qildiradi, bolalar oyoq kaftining to'g'ri shakllanishi va mustahkamlanishiga ko'maklashadi.

Suzish - aerob jismoniy mashqlar turi bo'lib, bolalar va yoshlarning qonida o'sish gormoni - somatotropinning 20 barobargacha ko'payishiga olib keladi. Bu esa bo'ying oshishiga, mushaklar, yurak va o'pka massasini o'sishiga, yurak-tomir tizimiga ham



ijobiy ta’sir ko’rsatadi. Suzish vaqtida gavdaning gorizontol holati yurakning ishlashi uchun yengil sharoitlarni ta’minlaydi. Suzish bilan shug’ullanish natijasida qonning sistololik bosimi kamayadi tomirlarning elastikligi oshadi, yurakning zarb hajmi ko’payadi. Buni yurak urish chastotasining o’zgarishidan ko’rish mumkin. Suzish bilan muntazam ravishda shug’ullanuvchi odamlarning yuraklari bir daqiqaga 10-15 marotaba kamroq uradi, yurak ritmi optimallasadi.

Irsiy kasalliklarning uchrash sababi haqida berilgan savollarga anketa so’rovlarida ishtirok etgan respondentlarning 3,63 foizi telefon, komputer va boshqa zararli odatlarni sanab o’tishgan.

Polvonlar sulolalarida irsiy kasalliklarning deyarli uchramaslik sababi qilib, anketa so’rovlarida qatnashgan respondentlarning 96,36 foizi, ya’ni 440 nafardan 424 nafari sport, harakatlanish faolligini ko’rsatgan. Demak, mamlakat bo’yicha sport bilan shug’ullanuvchilarning soni ko’p bo’lishi milliy genofondning yaxshilanishiga, millatning irsiy salomatligiga sabab bo’ladi. Zero irsiy kasalliklarni davolashdan ko’ra, uning oldini olish ma’qulroqdir.

## **ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ГЕНОТИПИК УЗОҚ ШАКЛЛАРИ F<sub>1</sub> ЎСИМЛИКЛАРИДА ҲОСИЛ ШОХЛАРИ СОНИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

Кодирова М.Р., Қаҳҳоров И.Т., Муталова М.К.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
kodirova.mohidilhon@mail.ru

Ҳосил шохи ғўза ўсимлигининг асосий морфо-хўжалик белгиларини ифодаловчи белгилардан биридир. Ҳосил шохлар сони ҳар бир навларда ҳар хил миқдорда бўлиб, агротехник тадбирлар қўлланилиши таъсирида айниқса юқори даражада ортиши ва камайиши кузатилади.

Олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлилига кўра, бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони Наманган-77 (17,6 дона), ЎзФА-713 (17,0 дона) ва Кўпайсин (17,0 дона) навлари ушбу белги бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлди, нисбатан паст



кўрсаткичли ўсимликлар Келажак (15,5 дона) ва 75007-11 (15,2 дона) навларида, ўртача ЎзФА-705 (16,0 дона) навида эканлиги кузатилган. Бу белги бўйича  $F_1$  ўсимликлари орасида юқори кўрсаткичлар Наманган-77  $\times$  Кўпайсин (22,0 дона), ЎзФА-713  $\times$  Наманган-77 (20,0 дона), Кўпайсин  $\times$  ЎзФА-713 (19,3 дона) ва 75007-11  $\times$  ЎзФА-705 (19,0 дона), ўртача кўрсаткич ЎзФА-705  $\times$  Кўпайсин (18,0 дона), қолган дурагайларда бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони кам эканлиги аниқланди. Бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони белгиси диаллел чатиштириб олинган 30 та  $F_1$  комбинацияларининг 6 тасида тўлиқ устунлиги, 7 тасида ижобий ўта устунлик ва 13 тасида салбий ўта устунлик, 4 тасида эса оралик, салбий кўрсаткичли ота ёки она шаклга оғган ҳолатда ирсийланиш даражаси аниқланди.

Бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони белгиси бўйича тўлиқ устунлик даражаси кўрсаткичи энг паст Келажак  $\times$  75007-11, кескин фарқ қиладиган Кўпайсин  $\times$  75007-11, 75007-11  $\times$  Наманган-77 ва ўртача ва юқори кўрсаткичли ЎзФА-713  $\times$  ЎзФА-705 шакллارнинг дурагайларида ( $h_p=1,1 -1,0$ ) намоён бўлди. Бу белги бўйича ижобий ўта устунлик даражаси Наманган-77  $\times$  Кўпайсин ( $h_p=9,3$ ), ЎзФА-713  $\times$  Наманган-77 ( $h_p=9,0$ ), Кўпайсин  $\times$  ЎзФА-713 ( $h_p=8,7$ ), 75007-11  $\times$  ЎзФА-705 ва ЎзФА-705  $\times$  75007-11 ( $h_p= 8,5$ ) дурагайларида кузатилди.

Оралик ирсийланиш даражаси ўртача кўрсаткич Кўпайсин  $\times$  Келажак ( $h_p=-0,8$ ), ЎзФА-705  $\times$  Келажак ( $h_p=-0,3$ ) ва ЎзФА-713  $\times$  75007-11 ( $h_p=0,2$ ) дурагайларида аниқланди. Қолган дурагайларда бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони белгисининг ирсийланиш даражаси эса салбий ўта устунлик ҳолатида эканлиги қайд этилди.

Шундай қилиб,  $F_1$  ўсимликларида бир ўсимликдаги ҳосил шохлари сони белгисининг ирсийланиши ота-она навларга боғлиқ бўлиб, ирсийланишнинг барча ҳолатлари борлиги маълум бўлди. Барча тўғри ва тескари комбинацияларда реципрок фарқланиш мавжудлиги, белгининг намоён бўлишида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этишини билдиради.



## НОВАЯ АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ МАСЛИЧНОЙ СОИ

Кудратхужаева М.А.<sup>1</sup>, Шукурхонова М.Г.<sup>1</sup>, Комолова Ш.О.<sup>1</sup>, Эркинов К.Х.<sup>2</sup>,  
Шаропов Ж.Ю.<sup>1</sup>, Рустамов Р.Р.<sup>1</sup>, Мирзарахметова Д.Т.<sup>1</sup>,  
Годжидинова Л.Т.<sup>1</sup>, Мирзаулукова М.У.<sup>3</sup>

<sup>1</sup>Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

<sup>2</sup>Ташкентский химико-технологический институт

<sup>3</sup> Академический лицей Ташкентского фармацевтического института  
mirzarakhmetovadilbar@gmail.com

Урожайность сои сильно варьирует в зависимости от почвенных и климатических условий, в которых возделывается культура. Оптимальная азотфиксация осуществляется при обеспечении следующих 5 условий: реакции почвенного раствора, условия питания фосфором и калием, доступ воздуха и влаги, наличие доступных микроэлементов, активного штамма клубеньковых бактерий. Эффективность симбиотических систем «растение-микроорганизм» определяется вирулентностью и активностью микросимбионта, заключающаяся в способности формировать полноценные клубеньки. Поэтому необходимо создать в почве условия для активного бобово-ризобияльного симбиоза, в этом случае соя будет обеспечивать себя азотом.

Целью исследований было изучение симбиотических свойств местных штаммов клубеньковых бактерий сои и масличной сои сорта Селекта-302 (Россия) в полевых условиях. Для этого был использован местный штамм *Bradyrhizobium japonicum* (объект исследования), выделенный из корневых клубеньков сои сорта Селекта-201, культивированной в лабораторных условиях.

Культуру *Bradyrhizobium japonicum* выращивали в жидкой питательной среде при периодическом перемешивании на качалке 120 об/мин, 30°C, pH-7,0 в течение 5 суток до титра клеток 22 млн/мл. Семена инокулировали *B. japonicum*



(титр 22 млн/мл) за один час перед посевом. Агрохимический состав исходных почвы: степень засоленности по Есе-2,28 dS/m, pH7,3; содержание гумуса-1,2 %, содержание общего азота 0,12%; общего фосфора 0,24%; общего калия 2,16%; подвижного калия 209 мг/кг, рН почвы 7,1 - 7,4. Отмечено, что применение инокуляции стимулирует рост растений, в фазе бутонизации эти растения значительно опережали в росте контрольный вариант растения. Прибавки надземной части растений в высоте не наблюдалось. Количество стручков в одном растении составило 89 штук (67 в контроле) и количество клубеньков в одном растении составило 56 штук (в контроле клубеньки не образовались) и общая их масса составила 4,5 г. Урожайность сои в опытном варианте 31 ц/га, в контрольном варианте- 19 ц/га.

Полученные данные дают основание разработать соевый инокулят на основе испытанного штамма *Bradyrhizobium japonicum* и провести его испытание при возделывании сои в различных почвенно-климатических условиях Узбекистана.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН ГАЛОФИЛ ВА ГАЛОТОЛЕРАНТ БАКТЕРИЯЛАР ЭКОЛОГИЯСИ**

Кулонов А.И., Мирзарахметова Д.Т.

ЎзР ФА Микробиология институти  
microbio@academy.uz

Галофиллар – туз концентрацияси юқори бўлган муҳитларда яшайдиган организмлардир. Галофил микроорганизмларни тузли муҳитда ўсишига кўра гуруҳларга бўлиш мумкин. Кучсиз галофиллар учун NaCl концентрацияси 2-5%, ўртача галофиллар учун 5-20%, кучли галофиллар учун эса 20-30% оптимал ҳисобланади.

Галофил ва галотолерант бактерияларни ажратиб олиш мақсадида Республиканинг юқори шўрланган ҳудудлари: Қорақалпоғистон республикаси



(Нукус, Қўнғирот), Қашқадарё (Дехқонобод, «Хўжайкон» туз конлари), Фарғона (Ёзёвон), Наманган (Чуст, Мингбулоқ) вилоятлари шўрланган сув хавзалари, тупроқлар ва туз конларидан умумий 10 та намуналар олинди. Олинган сув ва тупроқ намуналаридан аэробик галофил ва галотолерант бактериялар ажратиб олиш учун серияли суьолтириш усулида NaCl концентрацияси турли хил бўлган агарли муҳитга экилди. Озуқа муҳити сунъий денгиз суви эритмасига пропорционал бўлган ноорганик тузлардан таркиб топган. Муҳит таркибидаги тузлар концентрацияси пропорционал равишда ўзгаради ва умумий ноорганик тузларнинг концентрацияси 20% бўлган озуқа муҳит: (г/л): NaCl – 15,6; MgCl<sub>2</sub>·6H<sub>2</sub>O – 1,3; MgSO<sub>4</sub>·7H<sub>2</sub>O – 2,0; CaCl<sub>2</sub>·6H<sub>2</sub>O – 0,1; KCl – 0,4; NaHCO<sub>3</sub> – 0,02; NaBr – 0,05 ва KH<sub>2</sub>PO<sub>4</sub> – 0,5; NH<sub>4</sub>Cl – 1,0; FeCl<sub>3</sub>·6H<sub>2</sub>O – 0,005; глюкоза – 10,0; ачитки экстракти – 10,0; агар – 20,0 лардан иборат бўлди (pH 7,5). Экилган намуналар петри идишларда 37° С ҳароратда термостат (Memmert, Германия) да 7-8 кун давомида ўстирилди.

Шўр сув хавзалари сувларининг таркиби доимий бўлмайди, йил мавсуми ва ёғингарчилик миқдорига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Республиканинг шўрланган ҳудудларида сув таркибидаги тузлар концентрацияси 10 г/л дан 250 г/л гача ўзгариб боради. Олинган натижаларга кўра, асосан Орол денгизи қолдиқлари бўлган шўр сув кўлларида ва Қашқадарё туз конидан олинган намуналарда галофил ва галотолерант бактерияларни ажратиб олиш мумкин. Намуналардан 15-20% тузли озуқа муҳитларда ўсган 6 та изолятлар ажратиб олинди. Галофил ва галотолерант бактериялар идентификацияси “Берджи бактериялар аниқлагичи” (Bergey’s Manual of Determinative Bacteriology) да кўрсатилган тавсифларга мувофиқ морфологик-културал, физиологик-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида амалга оширилди.

Ажратиб олинган бактерияларининг туз концентрацияси юқори (15-20 %)



бўлган муҳитда яхши ўсиши, алоҳида колония ҳосил қилиб ўсган бактерияларнинг шакли, турғунлиги ва пушти-қизил ранг ҳосил қилиш каби бир қатор белгилари уларнинг *Proteobacteria* бўлими, *Gamma* *proteobacteria* синфи, *Oceanospirillales* тартиби, *Halomonadaceae* оиласига мансуб эканлигидан далолат беради.

## ЗАРАЖЕНИЕ СВЕКЛОВИЧНОЙ ЛИСТОВОЙ ТЛЕЙ – *APHIS FABAE SCOP* САХАРНОЙ СВЕКЛЫ

Кушаков Ш.О., Нормаматов И.С., Макамов А.Х.

Центр геномики и биоинформатики АН РУз  
Khushakovsh.@.ru

Применение в сельском хозяйстве новой «Концепции персонализированного сельского хозяйства» будет толчком к созданию новых сортов культурных растений, устойчивых против вредителей и болезней.

Сахарная свёкла – *Beta vulgaris* единственная культура в нашей стране, из корнеплодов которой получают важнейший продукт питания – сахар. Значение сахара в питании человека трудно переоценить. Он используется непосредственно в пищу, а также очень широко в пищевой промышленности.

Причиной значительного снижения урожайности сахарной свеклы часто является свекловичная листовая тля – *Aphis fabae scop*. Распространена она повсеместно, является многоядным вредителем, мигрирующим видом. Она встречается на юге России, Европе, Тропической Африке, где она считается самым опасным вредителем сахарной свеклы.

На протяжении 2019–2020 гг. в условиях Центра геномики и биоинформатики общепринятыми методиками проводился мониторинг численности свекловичной листовой тли на основных сортах сахарной свеклы (Астро, Арио, Клаудия, Мария, Ромео, Соня). Сроки лёта вредителя определяли



с помощью специальной мёдовой ловушки, которые равномерно вывешивали на высоте 0.3м.

Установлено, что численность свекловичной листовой тли зависит от погодно-климатических факторов. Выход личинок из перезимовавших яиц происходит во второй половине марта, часто совпадает с началом распускания почек осота, при средней дневной температуре 6-9° С. Отродившиеся личинки тли питаются сначала на почках, а затем на нижней стороне листьев основных растений. Личинки второго поколения появляются в начале апреля, а чаще в второй декаде месяца. На основных растениях появляются крылатые самки-расселительницы, которые покидают колонии и мигрируют на травянистые растения, в том числе и на свеклу.

Миграция тли с осота, как принято считать, огрубением их листьев, растягивается на 10-15 дней и заканчивается в первой половине июня. Вначале тля заселяет прикраевые растения свеклы, а затем уже распространяется в глубь плантации. В течение мая-июня, при высокой влажности и теплой погоде тля быстро размножается. Каждая самка за день рождает 5-6 личинок, а всего за свою жизнь – около 120-150 шт, и каждой колонии достигает до 170-210 шт. Вредоносность свекловичной тли заключается в том, что на поврежденных растениях снижается вес корнеплода на 15-70 % и содержание сахара в нем - на 0,7-1,1%. Тля является переносчиком возбудителей вирусных заболеваний, чем усугубляется наносимый ею вред. В динамике численности вредителя важную роль играют энтомофаги и грибные болезни. Из хищных насекомых тлю уничтожают тлевые коровки, личинки мух журчалок, златоглазки обыкновенной, хищной галлицы афидимизы, некоторые виды клопов, а также паразиты из семейства тлевые наездники. Из грибных болезней тлю заражают, особенно во влажные годы, энтомофторовые грибы, грибы из рода кладоспориум, альтернария. Результаты исследований свекловичной листовой тли показали, что вредитель в течение 2019 - 2020 годов производил за сезон 12 полных поколений



и превышал ЭВП.

В конце августа – начале сентября часть крылатых тлей, развивающихся на травянистых растениях, начинает мигрировать на другие кустарники. Интенсивный перелет ее на первичные растения происходил преимущественно в первой половине сентября. Самки размножались только после спаривания с прилетающими позже с травянистых растений самцами. Наиболее обильной откладкой яиц было продолжительный и тёплой осени. Раннее наступление заморозков или холодная ветреная погода в октябре, обуславливают преждевременное опадание листьев на кустарниках, и таким образом ограничивается откладка яиц вредителем.

### **ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИ ШАРОИТЛАРИДА АЙРИМ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Матниязова Х.Х.<sup>1,2</sup>, Холиқова М.А.<sup>2</sup>, Мавлонова Г.Ж.<sup>1,2</sup>, Салоҳиддинова М.М.<sup>1</sup>,  
Нормахматова М.К.<sup>1,2</sup>, Каршибаева Д.Н.<sup>1,2</sup>, Собирова Д.З.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

<sup>2</sup> Чирчиқ Давлат педагогика институти

<sup>3</sup> Тошкент Давлат аграр университети  
matniyazova@mail.ru.

Ўзбекистонда сув захираларининг чекланганлиги ва кейинги йилларда минтақамизда рўй бераётган сув танқислиги боис, қурғоқчиликка чидамли соя навларини яратиш ва танлаб олиш соя генетикаси ва селекциясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар натижасида анъанавий экинлар агротехнологияларини такомиллаштириш билан бир қаторда, янги, ноанъанавий ўсимликларни ҳам етиштириш йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалик экинлари орасида соя донининг оқсилга бойлиги, оқсили



таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган барча аминокислоталарнинг мавжудлиги билан мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги учун катта аҳамиятга эга истиқболли ўсимлик ҳисобланади. Бироқ, республикамызда кейинги йилларда унчалик катта бўлмаган майдонларда экилаётган соя навларининг абиотик омилларга чидамсизлиги туфайли уларни етиштиришда муаммолар вужудга келмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда биз ўз тажрибаларимизда айрим маҳаллий ва ҳорижий соя навларини турли сув режими шароитларида ўргандик.

Бугунги кунда соянинг оқсил ва ёғ миқдори юқори бўлган, тезпишар янги навлар устида иш олиб бориш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Соя ўсимлигининг дуккаклар сони ва дуккакларнинг жойлашиш баландлиги етиштириш шароитига боғлиқ бўлади. Дуккаклар турли даражада тукланишга эга, ҳамда уларнинг ранги турлича (оч сарик, сарик, сарғиш жигарранг, кулрангсимон, жигарранг, кумсимон кулранг, тўқ жигарранг ва корамтир) бўлади.

Тажрибаларимизда қимматли хўжалик белгиларидан сояда битта ўсимликдаги дуккаклар сони ва 1000 та дон оғирлиги белгилари ўрганилди. Сув билан кам таъминланганлик шароитида дуккаклар сони белгиси бўйича тажрибада иштирок барча навларда оптимал сув режимига нисбатан турли даражада камайиши кузатилди. Олинган натижаларга кўра сув билан кам таъминланган шароитда энг кўп дуккаклар Селекта-302 ва Тўмарис навларида (мос равишда  $213,3 \pm 16,0$  ва  $255,3 \pm 7,3$ ) аниқланди. Сув билан кам таъминланганлик шароитида энг кам дуккаклар эса Спарта ва Генетик-1 навларида (мос равишда  $56,7 \pm 7,9$  ва  $60,4 \pm 9,3$ ) кузатилди.

1000 та дон оғирлиги муҳим қимматли хўжалик белгиларидан бири



саналади. Тажрибада иштирок этган барча навларда оптимал сув режимига нисбатан моделлаштирилган қурғоқчилик шароитида 1000 дон оғирлиги турли даражада камайиши кузатилди. Айрим навлар қурғоқчиликка нисбатан чидамли бўлиб турли сув режими шароитида олинган натижалар орасида кескин фарқланиш кузатилмади.

## **АРПАНИНГ САРИҚ ПАКАНАЛИК ВИРУСИ ТАРҚАЛИШИДА КАТТА ҒАЛЛА ШИРАНИНГ АХАМИЯТИ**

Махмудов Т.Ҳ., Қодирова З.Н.

ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Ер юзида кўп тарқалган вируслардан бири арпанинг сариқ паканалик вирусидир (*АСПВ*). Арпанинг сариқ паканалик вирус (*АСПВ*), *barley yellow dwarf virus*, вирус жёлтой карликовости ячменя - лютеовируслар гуруҳига кириб, деярли барча ғалла етиштирувчи мамлакатларда тарқалган, буғдой, сўли, маккажўхори, шоли, арпа ўсимликларини ҳамда бошқа ғалладошлар оиласига мансуб кўплаб бегона ўтларни касаллантиради.

*АСПВ* нинг дала шароитида кенг тарқалишида ўсимлик ширалари (*Aphididae*) воситачи ҳисобланади. Ширанинг 20 дан ортиқ турлари *АСПВ* ини тарқатади. Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қўйидаги шира турларидан бири катта ғалла шираси (*Sitobion. avenae* L.) Асосан, бошоқли экинларда озикланиб, донни сифатини бузади, ҳосилдорликни камайтириб, вирусларни фаол тарқатувчиси ҳисобланади. Бу шира асосан гулларда, шунингдек барг ва пояларда ҳам озикланиши кўзатилган. Асосан *АСПВ* нинг–*PAV-MAV* штаммларини катта ғалла шираси (*Sitobion. avenae* L.). шираси ташиши аниқланган.

Ўсимликларга шира ёрдамида *АСПВ* юқтириш. Пэтри идишига касаллик аломатлари мавжуд текшириладиган буғдой барглари катта ғалла шираси



(*Sitobion. avenae* L.) турига мансуб, вируссизлиги аввалдан соғлом ўсимликда текширилган шираларни 24 соатга солиб қўйилади. Ўсимлик барги қуриб қолмаслиги учун Петри идишини тагига доира шаклида қирқилган ва намланган филтър қоғози жойлаштирилади. Сўнг ширалар соғлом ўсимликка ўтказилади.

Ширалар учиб кетмаслиги учун ҳар бир ўсимлик полимер плёнка билан ўралиб, устки қисми дока билан ёпилади. Ҳар бир тажриба учун 10 дона тест ўсимлик ишлатилди. 3-4 кундан сўнг инсектицид билан ширалар ўлдирилди. Ўсимликни иссиқхонага қўйиб, бир ҳафтадан кейин ҳар куни касаллик аломатлари текширилиб борилади. Баъзан касалланган буғдойдан шираларни майин тукли мўйқалам билан олиб соғ ўсимликка ўтказилади.

Тажрибамизда буғдойнинг *АСПВ*-билан касаллантирилган “Унумли буғдой” навида кўпайтирилган катта ғалла ширасини петри идишчаларига йиғилди ва маълум муддатга (5 дақиқадан 48 соатгача) оч қўйилди. Сўнгра изоляторларда ўстирилган “Унумли буғдой” навининг майсаларига 5 дондан ўтказилди. 12 кундан сўнг касалланган ўсимликлар сони санаб чиқилди. Тажриба натижаларидан кўринадики, 5 дақиқа сақланган шираларни соғлом ўсимликларга ўтказилганда 100% касалликни юқиши кузатилди. Сақланиш вақтини 10 минутдан 3 соатгача оширилганда ҳам юқумлилиқ 100% ташкил қилди; 4 соатдан 48 соатгача сақланиш муддати оширилганда ҳам шу ҳолат кузатилди юқумлилиқ 80% сақланди. Тажрибалардан чиқадиган иккинчи хулоса, *АСПВ* шира организмда 5 дақиқадан 48 соатгача вирофорлик хусусияти тўла сақланди. Шундай қилиб, *АСПВ* катта ғалла шираси (*Sitobion. avenae* L.). ёрдамида тарқалиши ва у шира организмда 48 соатгача сақланиши аниқланди.



## ЎЗНИНГ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИ, ДУРАГАЙЛАР, СУНЬИЙ АЛЛОПОЛИПЛОИДЛАРНИНГ МОРФОБИОЛОГИК ТАВСИФИ

Муталова М.К., Қахҳоров И.Т., Кодирова М.Р.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
mutalova.mamura79@gmail.com

Тадқиқот ашёси: ўзанинг *Magnibracteolata* Tod. секциясига кирувчи тетраплоид турлар *Gossypium barbadense* L., *Gossypium hirsutum* L., *G. tomentosum.*, *G. mustelinum*, *G. hirsutum var.morili*, *G. barbadense ssp, ruderale* турлари, АН-Баяут-2, Бухоро-6 навлари, уларнинг  $F_1$  дурагайлари, шунингдек  $C_1$ - $C_4$  (колхицин билан ишлов берилган) ўсимликлари ва улардан олинган линиялар, ЎзФА-709 нави.

Бошланғич манбалар, турлараро  $F_1$  ўсимликлар, аллополиплоидлар, шунингдек аллополиплоидлардан олинган дурагай авлодлари ҳар йили ўсимликлар ривожланиш босқичларида морфобиологик жиҳатдан тавсифлаш ишлари олиб борилди.

Ушбу турлар, кенжа турлари навларни ўртасида олинган  $F_1$  дурагайлари кўп белгилари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

$F_1$  ўсимликлари морфобиологик жиҳатдан турлича бўлиб, улар тезпишарлиги, баргининг ҳажми ва шакли, зичлиги, катталиги, биринчи ҳосил шоҳидаги бўғин оралиғи ва кўсакларининг ҳажми каби кўрсаткичлари билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Дурагай ўсимликлар яхши ривожланади ва ҳосил элементлари яхши етилади.

Октаплоид  $C_1$  ўсимликларнинг дурагай шаклларига кўра, бўйи баъзиларида паст, баъзилари эса ўрта бўйли, баъзида улар пуштсиз ( $C_1$  *G.hirsutum* L. × *G. barbadense ssp. brasilense*), морфологик нотекис, пояси мўрт, ўсимликларининг барглари қалин, баргининг шакли ва юзаси нотекис. Кўпинча тупининг тузилиши ноанъанавий тузилишга эга, бироқ, баъзи ҳолларда (масалан,



$8n = 104$ ) Бухоро-6 (*G. hirsutum*) x *G. barbadense ssp. ruderale* дурагай ўсимликларнинг бўйи ўртача 1,2 м. гача етиши кузатилди, аммо уларнинг ҳосилдорлиги бирмунча паст бўлиб, пояси бақувват, йўғон, барг пластинкаси қалин, тўқ яшил рангда, чигити йирик бўлиши кузатув натижалари асосида аниқланган.

Октаплоид ўсимликлардан олинган  $C_3$ ,  $C_4$  дурагайларнинг морфобиологик тавсифида  $C_3$  *G. hirsutum var. morili* × *G. tomentosum* - ўсимликлари ўрта бўйли, баландлиги ўртача 80,4 см гача, ҳосил шохлари сони ўртача 17,2 ташкил этди. Тупининг шакли пирамидасимон, пояси ўртача тукланган, кучли антацион куйишга эга, биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги (hs) - 6,2. Барглари ўртача катталиқда бўлиб, тўқ яшил рангда, шакли панжасимон. Кўсак шакли тухумсимон, чигити ўртача тукланган. Кўсакдаги чаноклар сони ўртача 4-5 тани ташкил этади.

Такомиллаштирилган услубимизда яъни чатиштиришдан аввал ота-она шакллариининг хромосомалари кариотипик параметрлар бўйича саралаб олинади сўнгра дурагайлаш ишларига жалб этилади, чатиштириб дурагай уруғлар олинади, полиплоидизация жараёни ўтказилади. Ушбу ишлар кетма-кетликда амалга оширилганда, фертиль полиплоидларни олиш имкони аниқланди. Октаплоидларнинг ҳар бир вариантыдан 4-5 тагача тўлиқ кўсаклар олинди. Бу хромосома кўрсаткичларига (параметрларига) асосланган башорат қилиш натижасида амалга оширилди.

Биз томонимиздан мукамаллаштирилган усулдан фойдаланилганда  $F_1$  дурагай ўсимликларини етиштириш истисно қилинади. Тадқиқот натижаларига кўра октаплоид ( $8n = 104$ ) хромосома тўплами *Gossypium* L. тури учун полиплодиянинг чегараланган даражаси эканлигини тасдиқлади.



## “ПОРЛОҚ -3” ҒЎЗА НАВИ СИНОВ НАМУНАЛАРИ ТОЛА УЗУНЛИГИНИНГ ВАРИАЦИОН ҚАТОРИ

Муҳаммадов Й.А.<sup>1</sup>, Маманазаров Ш.И.<sup>1</sup>, Мирзаёқубов К.Э.<sup>1</sup>, Ачилов С.<sup>1</sup>,  
Саломов Ш.Т.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўз Р ФА Геномика ва биоинформатика маркази

<sup>2</sup> Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти  
yuldoshbekmukhammadov@mail.ru

Республикаимизнинг асосий валюта манбаларидан бири ҳисобланган пахтачилик тармоғини ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгани боис тармоқда туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Селекционер олимлар томонидан мамлакатимиз минтақаларининг турли тупроқ-иқлим шароитига мос, тезпишар, серҳосил, турли касаллик ва зараркунандаларга, сув танқислиги ва табиатнинг бошқа ноқулай омилларига бардошли, тола сифати кўрсаткичлари жаҳон пахта бозори талабларига жавоб берадиган ғўза навлари яратилмоқда.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги навларни яратилиши, ҳар бир навга хос агротехник тадбирлар ишлаб чиқилиши, ҳудудларга мос навлар жойлаштирилиши, тола сифати кўрсаткичлари доимий назорат қилиб борилиши, пахта тозалаш корхоналари модернизация қилиниши ўзбек пахта толасининг юқори сифатини кафолатлаб, унинг дунё пахта бозоридаги рақобатбардошлигини таъминламоқда.

Тадқиқотларда Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан яратилган “Порлоқ-3” ғўза нави синов намуналарининг тола узунлиги кўрсаткичлари ўрганилди. Бу ерда “Порлоқ-3” ғўза навининг биринчи йилги кўчатзоридан териб олинган синов намуналари тола узунлигининг вариацион қаторлар бўйича статистик таҳлил қилинди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики 2019 йил биринчи йилги кўчатзордан жами 128 та синов намунаси териб олинган. Лабораторияда тола узунлиги аниқланганда тола узунлиги 36 мм оралиғида бўлган синов намуналари 31 та, 37



мм оралиғида бўлган синов намуналари 57 та, 38 мм оралиғида бўлган синов намуналари 37 та ҳамда 39 мм оралиғида бўлган намуналар 3 донани ташкил этиб жами 128 та синов намуналарининг ўртача тола узунлиги 37.1 мм ни ташкил этди. Ушбу синов намуналари териб олинган оилалардан соғломга ажратилган якка танлов намуналари 2020 йилда биринчи йилги кўчатзорига экилди. Жами экилган оилалардан 141 та оила соғломга ажратилди ҳамда синов намуналари териб олинди. Тола узунлиги ўлчанганда 35 мм оралиғида бўлган синов намуналари 2 та, 36 мм оралиғида бўлган синов намуналари 13 та, 37 мм оралиғида бўлган синов намуналари 39 та, 38 мм оралиғида бўлган синов намуналари 56 та, 39 мм оралиғида бўлган намуналар 30 та ҳамда 40 мм оралиғида бўлган синов намуналари 1 донани ташкил этиб жами 141 та синов намуналарининг ўртача тола узунлиги 37.7 мм ни ташкил этди. Айтиш мумкинки янги ғўза навларини бирламчи дала кўчатзорларида яқка танлов тадбирларини амалга ошириш орқали юқори натижаларга эришилгани кўринди. Бунда 2019 йилда синов намуналарининг ўртача тола узунлиги 37.1 мм бўлган бўлса 2020 йилда ушбу кўрсаткич 37.7 мм ни ташкил этиб 0.6 мм га юқори бўлганлиги аниқланди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, янги ғўза навларини яратишда ажратиб олинган якка танлов ва оилавий теримларни, селекция ва уруғчилик жараёнини ўташи ва уларни таҳлил этиш жуда муҳим ҳамда жиддий жараён ҳисобланади.

## **EVALUATING SALT TOLERANT COTTON GENOTYPES AT DIFFERENT LEVELS OF NaCl STRESS IN GREENHOUSE**

Normamatov I.S., Makamov A. Kh., Xolmuradov M. M., Norbekhov J.Q.

Center of genomics and bioinformatics of Academy of sciences of Republic of Uzbekistan  
ilyosnormamatov@mail.ru

Currently, soil salinity has become a serious environmental problem that could negatively affect in the process of plant growth, geographical distribution, and agricultural products. Salinization consists which the accumulation of water-soluble



salts in the soil, including ions of potassium ( $K^+$ ), magnesium ( $Mg^{2+}$ ), calcium ( $Ca^{2+}$ ), chloride ( $Cl^-$ ), sulfate ( $SO_4^{2-}$ ), carbonate ( $CO_3^{2-}$ ), bicarbonate ( $HCO_3^-$ ) and sodium ( $Na^+$ ). The causes of land salinization can be divided into two categories: 1) primary (natural) and 2) secondary (anthropogenic). The primary reason includes arid climates, high underground water levels, seawater vaporization, and so on. The secondary reason is irrigation practices. Soil salinization is reducing the area used for agriculture by 1%–2% every year. The arid, a semi-arid regions are broadened by the two above-mentioned statements. Therefore, the development of salt-tolerant crops is being the scientific goal but the ability of plants to deal with these adverse factors is different. So high salt concentrations can hinder growth during the germination and seedling stages, which are the two most susceptible stages of plants.

In our study, we assessed morphological traits for salinity tolerance in cotton using thirty cotton varieties that originated mainly from Uzbekistan. Plant materials grown in normal and saline (150mM and 200mM NaCl) conditions in the greenhouse during a month. Cotton varieties revealed a wide range of phenotypic variation in morphological traits including plant length, root length, shoot length, fresh plant weight, fresh root weight, fresh shoot weight, dry plant weight, dry root weight, dry shoot weight (PL, RL, SL, FPW, FRW, FSW, DPW, DRW and DSW) under both control and salt treatments. 200 mM of NaCl saline solution had a significant effect on the growth of cotton varieties. Morphological traits were observed for a month at seedling stage of cotton genotypes. An-boyovut 2, Buxoro-102, Zangi Ota, KK-1795, and Hapicala 19 demonstrated as tolerant genotypes under soil salinity compare with control genotypes in this study. The highest germination rate was constituted 60 % of the total planted seeds in Zangi-Ota genotype. As a result, this variety of cotton was selected as the most tolerant genotype to soil salinity.

As a conclusion, this study provides a foundation for elucidating cotton salt tolerance mechanisms and contributes gene resources for developing upland cotton varieties with high yields and salt stress tolerance.



## ГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁВВОЙИ ДИПЛОИД ҒЎЗА ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Орипова Б.Б.<sup>1</sup>, Кудратова М.Қ.<sup>2</sup>, Муҳаммадиев О.А.<sup>1,2</sup>, Нуриддинов А.Н.<sup>1,2</sup>,  
Искандаров А.А.<sup>3</sup>, Рафиева Ф.<sup>2</sup>, Гаппаров Б.<sup>2</sup>, Тураев О.С.<sup>1,2</sup>, Кушанов Ф.Н.<sup>1,2,3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий университети

<sup>2</sup> ЎзР ФА генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

<sup>3</sup> Наманган давлат университети

oripovabarno93@mail.ru

Ғўза (*Gossypium L.*) дунё тўқимачилик саноатини табиий тола билан таъминловчи, дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида етиштириладиган энг асосий табиий толали экин ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ғўза мамлакат бюджетига катта даромад келтирувчи қимматли ва муҳим экинлардан бири саналади. Ғўза ўсимлигининг генетик базасини яхшилашда, ҳосилдорлигини оширишда ва етиштириладиган навларнинг биотик ва абиотик стресс омилларига чидамлилигини оширишда, шу билан бир қаторда гуллашнинг генетик асосларини аниқлаш асосида уларнинг эртапишарлик хусусиятини таъминлашда энг самарали манбалардан бири ёввойи ғўза турларининг гермоплазмасидир.

Барча пахта етиштирувчи давлатлар ичида Ўзбекистон энг шимолий ҳудудда жойлашганлиги боис ноқулай об-ҳаво бошлангунга қадар кўсақларнинг тўлиқ очилишини таъминлаш мамлакат пахтачилиги соҳасидаги долзарб вазифалардан биридир. Мазкур муаммони ечиш йўлларида бири бу – гуллашни эртароқ муддатга суриш ҳисобига ва кун давомийлигига ҳаттоки мамлакат шимолий ҳудудларида ҳам яхши мослашган янги навларни яратишдир. Бироқ, кўплаб ёввойи ва ибтидоий ғўза навлари фотопериодизмга сезгир бўлган қисқа муддатли ўсимликлардир. Шунинг учун амалда ёввойи турларнинг гермоплазма вакиллари селекция дастурларга кенг жалб қилиш бутун дунёдаги селекцияларнинг ишини мураккаблаштиради. Бу эса ўз навбатида бевосита



гуллашнинг молекуляр асосларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу келгусида эрта гуллаш хусусиятига эга бўлган янги ғўза нав ва линияларини олишга имкон беради.

*Gossypium* L. авлодига мансуб ёввойи диплоид хромосома тўпламига эга бўлган Австралия ғўзаси турлари (*G.sturtianum* Willis var. *sturtianum*; *G.sturtianum* var. *nandewarensis* (Der.) Fryx.; *G.australe* F.Muell.; *G.nelsonii* Fryx.; *G.bickii* Prokh.) ( $2n = 26$ ) ўзида қимматли хусусиятларга эгадир. Жумладан, чигит таркибида госсипол безлари кам бўлиши озиқ-овқат потенциал манбаи сифатида инсонлар ва ҳайвонлар томонидан истеъмол қилиниши, зараркунанда хашаротлар (*шира* - *Aphis gossypii* Glov., *каналар* - *Acaris* Leach), касалликлар (*Fusarium* ва *Verticillium* вилт), паст ҳарорат ва абиотик стресс (*қурғоқчилик*) омилларига чидамли эканлиги қайд этилган. Шунга кўра, Австралия ғўза турларининг филогенетик муносабатларини аниқлаш, замонавий молекуляр усуллар хусусан, ДНК маркерлар технологиясини қўллаш асосида уларнинг геномини чуқур тадқиқ этиш ва улардаги фойдали белгиларни маданий *G. hirsutum* L. тури ( $2n = 52$ ) геномига ўтказиш, бардошлилиги ва қимматли хўжалик белгилари уйғунлашган интрогрессив рекомбинантларни яратиш, морфобиологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, Австралия ва Афро-Осиё диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатлари ва уларни амалий селекция жараёнига жалб этиш масалалари ўрганилмаган. Шу муносабат билан, анъанавий ва замонавий молекуляр усуллардан фойдаланган ҳолда Австралия ва Афро-Осиё диплоид ғўза турларининг ўзаро филогенетик муносабатларини аниқлаш, дурагайлар олиш имкониятларини излаш, турлараро дурагайлаш асосида янги белгиларга эга бўлган дурагай шаклларни гексаплоид даражасига кўтариш, турли геномли



гексаплоид ( $2n = 78$ ) дурагайларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлигини ўрганиш ва қимматли манбалар ажратиб олиш борасидаги комплекс изланишларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, молекуляр генетик тадқиқотларда ёввойи диплоид ғўза турларидан фойдаланиш ғўзанинг дунё бўйича рақобатбардош ноёб шакллари яратишда кенг имкониятлар яратади.

## **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМИ ШАРОИТИДА ЯНГИ, ИСТИҚБОЛЛИ “ХУРМА” ҒЎЗА НАВИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ**

Ражабов З.П.

Хоразм Маъмун академияси

Бугунги глобаллашув даврида жаҳон бозорининг ва республикамиз енгил саноатининг IV тип толага ва унинг сифатига ортиб бораётган талаби селекционерлар олдида ғўза навларини доимо яхшилаб бориш каби муҳим вазифаларни қўяди.

Ҳозирги вақтда ғўза навлари серҳосил, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳосилидан кўп тола чиқиши, толасининг технологик сифатлари юқори, қатор ораларига механизация ёрдамида ишлов беришга мослашган бўлиши керак. Ғўза навлари шароитнинг турли ноқулай омилларига, паст ҳароратга, қурғоқчиликга мослашаоладиган ва бошқа экстремал ҳолатларга бардошли бўлиши зарур. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун тезпишар, серҳосил, толаси сифатли, турли хил иқлим шароитларга мослашаоладиган янги навларни яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боисдан ҳам изланишларимиздан асосий мақсад Хоразм вилоятининг тупроқ–иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва



зараркунандаларга чидамли, IV тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир.

Тажрибалар 2019-2020 йилларда танлаб олинган ғўза навлари тажриба далаларига экилиб, уларнинг биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш агротехнологиялари ўрганилди.

Илмий изланишлар Хоразм вилоятининг Хива туманида, Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал тажриба базаси тупроқ-иқлим шароитида ўтказилди.

Тажриба даласини танлаш ва тажриба ўтказиш, тупроқ ва ўсимликларнинг намуналарини олиш ва таҳлил қилиш, фенологик кузатишлар Ўзбекистон ПСУЕАИТИ (ЎзПИТИ, 2007) методлари ва Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти олимларининг тавсиялари асосида амалга оширилди.

Тажриба дала участкасига ғўзанинг Хоразм – 127 (назорат), “Хурма” ва “Ният” навлари экилиб, уларнинг ўсиш ва ривожланиши, гуллаши ва кўсақларининг пишиши ва ҳосилдорлиги ўрганилди.

Маълумотлардан шу нарса кўзга яққол ташланадики, “Хурма” ва “Ният” навлари барча кўрсаткичлари бўйича юқори катталиқка эга бўлиб, назорат Хоразм-127 навидан ажралиб турди. Гуллаган ўсимликлар сони “Ният” навида дастлабки кунларда (1 июль) анча зиёд бўлди, кўсақларнинг очилиши жиҳатидан эса “Хурма” навида дастлабки (14 август) даврда аниқ устунлик кузатилди, яъни кўсаги очилган ўсимликлар сони кўп бўлди. Шунга мос равишда пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан “Хурма” ва “Ният” навларида назорат навга нисбатан энг юқори ҳосил олинди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, шу йил баҳорнинг кеч келиши, об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши трипс ва кўсақ қуртининг вилоятда анча кўпайганлиги



сабабли ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши кечикди, ҳосилдорлик ҳам анча камайди.

Хулоса қилиб айтганда, ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги шу далага олдин экилган ўсимликларга боғлиқлиги ҳамда нав хусусиятлари билан белгиланиши кузатилди. Ўрганилаётган ғўза навлари орасида “Хурма” ва “Ният” навлари назорат Хоразм-127 навига нисбатан юқори ҳосилдорлиқлари билан ажралиб турди. Бу эса юқоридаги навлар Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитига мос ва қурғоқчиликка чидамли эканлигини кўрсатади.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭМБРИОКУЛЬТУРЫ В СЕЛЕКЦИИ РЖИ

Рябовол Я.С., Рябовол Л.О.

Уманский национальный университет садоводства МОН Украины, Украина  
Liudmila1511@ukr.net

Преодолеть несовместимость, в частности постгамную, что возникает после оплодотворения и по своей природе может быть как генетической, так и физиологической, можно при использовании биотехнологических методов, предусматривающих выделение и культивирование гибридного зародыша, в условиях *in vitro*.

Установлено, что при самоопылении изолированные растения большинства образцов ржи озимой образуют небольшое количество зерен (4–8 шт. на колос). Семена, сформированные во время самоопыления, деформированные, неправильной формы и отличаются по цвету и размеру от типичного. Анализ полученных семян показал низкую их всхожесть и энергию прорастания. Чтобы сохранить полученный растительный материал при самоопылении целесообразно использовать культуру изолированных зародышей. Метод культуры незрелых зародышей чаще всего используется, когда невозможно



получить определенную генетическую комбинацию желаемых признаков традиционными методами селекции. Барьер несовместимости при развитии зародыша возникает на средних и поздних стадиях эмбриогенеза. Поэтому через 3–10 суток после опыления молодой зародыш целесообразно изъять и ввести в изолированную культуру. Выращивание эмбрионов *in vitro* в стерильных условиях на искусственных питательных средах позволяет применять различные вещества для стимулирования роста биоматериала.

Целью исследований было решение проблемы сохранения генетического потенциала исходных образцов ржи озимой, полученных самоопылением, при разработке метода культуры изолированных зародышей, что позволяет в условиях изолированной культуры индуцировать развитие биоматериала с зиготных зародышей на разных этапах их развития.

Донором эксплантов служили образцы, которые при самоопылении формировали незначительное количество семян (1–8 шт. на растение): сорта Хлебное и Сириус; линии 133–1 и 214–6; гибриды Varasetto и Palazzo. Для самоопыления колос растения изолировали и фиксировали период цветения. На 3–12 сутки цветения колосья срезали и экспонировали при температуре 3–5 °С в темновых условиях в течение 24 часов. Перед введением в культуру *in vitro* биоматериал стерилизовали 0,1%-ным раствором сулемы при экспозиции 20 минут. Высаживали экспланты на модифицированную питательную среду MS-3.

В результате проведенных исследований установлено, что на процесс регенерации растения из незрелых зародышей в условиях изолированной культуры существенно влияет состав питательной среды, возраст эксплантов (период вычленения зародышей после процесса принудительного самоопыления) и генотип исходного материала.

Высаженные в изолированную культуру зародыши проходили несколько



фаз развития. Интенсивность нарастания биомассы зависела от продолжительности периода формирования зародыша на материнском организме.

Наибольшее количество материалов получено из девятидневных зародышей линий 3359/10–257 ( $42,3 \pm 1,4$  %), 3377/10–67 ( $39,5 \pm 2,1$  %), а наименьшее – при культивировании незрелых зародышей сортов Хлебное ( $13,1 \pm 0,7$  %) и Сириус ( $13,2 \pm 1,7$  %).

Выводы. Доказано, что самонесовместимость ржи озимой можно частично преодолеть применением культуры незрелых зародышей. Установлено, что выход проростков при использовании эмбриокультуры существенно зависит от возраста зародыша и генотипа исходного материала. При культивировании *in vitro* девятидневных зародышей выход проростков в среднем за генотипами составляет 26 %.

## **ЎЗГАНАНГ ИНТРОГРЕССИВ ТИЗМАЛАРИДА СУВ ТАЊҚИСЛИГИГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИШИДА ИЛДИЗ ТИЗИМИНИНГ МОСЛАШУВЧАНЛИГИ**

Санаев Н.Н., Норбердиев Т.Н.

ЎРФА Генетика ва Ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
Sanaev.nor@yandex.ru

Республикамиз кишлок хўжалиги пахтачилик тармоғида эртапишар, курғокчиликка чидамли, тола сифат кўрсаткичлари жаҳон сертификати талабларига жавоб берадиган, пахта териш машиналарида йиғиб-териб олишга кулай, илдиз тизими сув тежамкор технологияларни қўллашга мос, тола чиқими юқори бўлган ўза навларни яратиш устувор вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари



тўғрисида” ги ПФ-5742-сонли фармони бу вазифаларни бажаришда муҳим дастур бўлиб хизмат қилади.

*G. hirsutum* L. турига мансуб илдиз тизимининг ривожланиши бўйича турлича бўлган турлараро дурагайлаш асосида олинган 6 та интрогрессив тизмалар, яъни ўқ илдизи ва ён илдизлари яхши ривожланган Л-384 ( $F_{12}[(G. thurberi \times G. raimondii) \times \text{Ташкент-1}]$ ) ва Л-534 ( $F_9[(\text{Ташкент-6} \times G. raimondii) \times \text{С-4880}]$ ); ўқ илдизи яхши ривожланган Л-403 ( $F_{12}[(G. thurberi \times G. raimondii) \times \text{С-4534}]$ ) ва Л-483 ( $F_9[(G. thurberi \times G. raimondii) \times \text{С-4880}]$ ); ён илдизлари яхши ривожланган Л-6 ( $F_{10}[(\text{С-4880} \times G. stocksii) \times \text{С-4534}]$ ) ва Л-8 ( $F_{10}[(G. thurberi \times G. anomalum) \times \text{С-4880}]$ ) ва ўқ илдизи ва ён илдизлари яхши ривожланган Армуғон-2 (Л-9263  $\times$  Л-777), (Л-9263 – (*G. thurberi* Tod.  $\times$  *G. raimondii* Ulbr.), Л-777 – (*G. hirsutum* L.  $\times$  *G. arboreum* L.) турлараро дурагайлаш йўли билан олинган) ва Навбахор-2 (Л-348  $\times$  Акала 08086), (Л-348 [(*G. thurberi*  $\times$  *G. anomalum*)  $\times$  С-4880]) ғўза навлари, ҳамда улар иштирокида чатиштириб олинган дурагай популяциялар тадқиқот материали сифатида олинди. Барча намуналар фақатгина бир маротаба 0-1-0 схемада яъни, ялпи гулга кирган вақтда, чекланган дала нам сифими 59,7%, 1200 м<sup>3</sup>/га сув билан таъминланган моделлаштирилган қурғоқчилик шароитида экиб ўрганилди.

Тадқиқотлар учун олинган барча намуналар илдиз тизимининг ривожланиши бўйича бутун вегетация даврида уч марта фенологик кузатувлар ўтказилди.

Олиб борилган кузатувлар натижаларига кўра, илдиз тизимининг ривожланиши ҳам полиген таъсирга эга бўлиб, ғўзанинг ер ости ва ер усти органлари ривожланишида узвий боғлиқлик кузатилди. Яъни, ўқ илдизи ва ён илдизлари яхши ривожланган тизма ва навларнинг асосий поясидаги ва ҳосил шохларидаги бўғим оралиқлари узун (4-6 см) бўлишлиги, ўқ илдизи яхши



ривожланган тизмаларда бўғим ораликлари ўртача эканлиги (4 см гача) ва ўқ илдизига нисбатан ён илдизлар яхши ривожланган интрогрессив тизмаларда эса асосий поядаги бўғимлар ҳам, ҳосил шохларидаги кўсақлар орасидаги бўғимлари ҳам қисқа (1,5-2,5 см) бўлишлиги, сув танқислигига чидамли бўлишлиги ва ҳосилдорлиги бошқа намуналарга нисбатан 5,5 – 9,5 ц/га) юқори бўлишлиги аниқланди.

Тадқиқотларда иштирок этаётган биотиплар ўзаро ўрганилаётган белги бўйича ирсийланишини аниқлаш учун олиб борилган чатиштиришлар натижаларига кўра, ғўзанинг ўқ илдизининг яхши ривожланиши, ён илдизларнинг асосий ўқ илдизга нисбатан яхши ривожланишига нисбатан доминантлик қилишлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрта толали ғўза навларини сув танқислигига чидамли қилиб яратишда, унинг илдиз тизимининг ривожланишига эътибор қаратган ҳолда ён илдизлари асосий ўқ илдизига нисбатан яхши ривожланган биотипларни танлаб олиш мақсадга муваффиқ бўлади.

## **ИЗУЧЕНИЕ МЕЙОТИЧЕСКОГО ИНДЕКСА У ТРАНСЛОКАЦИОННЫХ ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА С ПРОНУМЕРОВАННЫМИ ХРОМОСОМАМИ**

Санамьян М.Ф., Норова С.У.

Национальный университет Узбекистана  
sanam\_marina@rambler.ru

Тетраплоидный хлопчатник *G. hirsutum* L. имеет 52 хромосомы и состоит из двух субгеномов (AD). Крупные хромосомы этого вида относятся к А-субгеному (1-13), а мелкие хромосомы к D-субгеному (14-26). Из-за большого числа и морфологического сходства хромосомы хлопчатника невозможно идентифицировать методами монохромной окраски, поэтому М. Браун с



сотрудниками с помощью различных типов облучения индуцировала множество гетерозиготных по обменам растений, на основе которых было получено 58 гомозиготных транслокационных линий хлопчатника, с вовлечением в обмен двух хромосом. Скрещивание этих линий между собой и изучение ассоциаций хромосом у гибридов позволило пронумеровать хромосомы, включенные в транслокации. На сегодняшний день эти транслокационные линии являются единственным инструментом идентификации 25 из 26 негомологичных хромосом набора, тогда как 26-я хромосома идентифицируется методом исключения.

Поскольку в Национальном университете Узбекистана созданы 33 новые гомозиготные транслокационные линии хлопчатника, то для приведения нумерации транслоцированных хромосом у линий нашей коллекции в соответствие с международной, транслокационные линии с идентифицированными хромосомами были любезно предоставлены профессором Техасского университета D.Stelly по программе обмена USDA-ARS. Эти линии и явились объектом для исследования мейоза на стадии тетрад микроспор.

Как известно, мейотический индекс или процент нормальных типов тетрад (без микроядер и других нарушений) является важным цитогенетическим показателем при изучении растений. Поэтому Р. Лав (1951) предложил использовать этот показатель в качестве критерия оценки нормального хода мейоза, где мейотический индекс, равный 90-100% свидетельствует о цитологической стабильности материала, тогда как при значениях ниже 90% могут возникать затруднения при осуществлении селекционных программ из-за присутствия каких-либо нарушений в изучаемом материале.

Для оценки транслокационных линий с пронумерованными хромосомами



проводили анализ мейоза на стадии тетрад мейоза у 14 линий. В результате анализа этих гомозиготных транслокационных линий определен высокий мейотический индекс (от  $96,60 \pm 0,26$  до  $99,77 \pm 0,07$ ) у всех изученных линий, тогда как число тетрад с микроядрами было невысоким (от  $0,02 \pm 0,02$  до  $2,12 \pm 0,21\%$ ). Это указало на стабильность протестированного материала, а также на то, что несмотря на происхождение и гомозиготность по обменам, изученные транслокационные линии характеризовались высоким числом нормальных сбалансированных гамет и были способны принимать участие в скрещиваниях с транслокационными линиями других коллекций.

### **ПОПОЛНЕНИЕ ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКОЙ КОЛЛЕКЦИИ НОВЫМИ ФОРМАМИ ХЛОПЧАТНИКА С ПЕРЕСТРОЙКАМИ И НЕХВАТКАМИ ОТДЕЛЬНЫХ ХРОМОСОМ**

Санамьян М.Ф., Бобохужаев Ш.У., Турсунов М.М.

Национальный университет Узбекистана им. М. Улугбека  
sanam\_marina@rambler.ru

Использование различных типов радиационного воздействия у различных культур для получения различных типов хромосомных aberrаций позволило получить большое число форм с перестройками и нехватками хромосом. При применении радиации у хлопчатника была обнаружена специфичность воздействия разных типов облучения на кариотип. Так, комбинированная обработка семян хлопчатника колхицином и гамма-лучами вызывала образование большого числа растений с целым комплексом обменов, когда в одной и той же материнской клетке пыльцы (МКП) одновременно регистрировалось по несколько мультивалентных ассоциаций хромосом, указывающих на вовлечение в межхромосомные обмены сразу нескольких негомологичных хромосом. Облучение семян хлопчатника тепловыми



нейтронами приводило к возникновению большого числа транслокаций с вовлечением двух негомологичных хромосом. Тем не менее редкие первичные моносомии, а также некоторые растения с межхромосомными обменами характеризовались присутствием уникальных признаков (редуцированное рыльце, кластерный тип соцветия, цитоплазматический тип альбиносной мутации), что указало на специфичность воздействия тепловых нейтронов на семена хлопчатника. Обработка пыльцы хлопчатника гамма-лучами также вызывала образование большого числа разных видов aberrаций хромосом, однако нехватки отдельных хромосом и их плеч были характерными типами геномных мутаций. Это позволило считать, что облучение пыльцы приводило к инактивации центромерных районов отдельных хромосом хлопчатника и формированию большого числа растений с нехватками отдельных хромосом.

Изучение потомства растений хлопчатника, полученного в различных поколениях после облучения пыльцы, позволило выявить новые растения хлопчатника с нехватками отдельных хромосом. Так, изучение 26 семей в четвертом поколении после опыления хлопчатника линии Л-458 облученной пыльцой той же линии обнаружило растения с хромосомными, геномными и десинаптическими aberrациями хромосом в 12 семьях. Так, хромосомные перестройки в виде транслокаций были выявлены в трех семьях (469<sub>4</sub>, 485<sub>3</sub>, 571<sub>14</sub>), где два транслоканта характеризовались невысокой частотой квадринавалентов, а один – высокой, что указало на большую величину транслоцированных сегментов.

Геномными мутациями в виде нехваток отдельных хромосом отличались четыре моносомии (467<sub>2</sub>, 478<sub>2</sub>, 566<sub>5</sub>, 570<sub>6</sub>), у которых во всех изученных МКП наблюдались единичные униваленты. Два моносомных растения (566<sub>5</sub>, 570<sub>6</sub>) характеризовались нехватками хромосом среднего размера, тогда как другие два



моносомика (467<sub>2</sub>, 478<sub>2</sub>) выделялись средне-мелким и очень мелким размером унивалентов (соответственно), что указало на разную субгеномную принадлежность унивалентных хромосом. Как известно, у хлопчатника до сих пор не получены нехватки по всем хромосомам набора, поэтому обнаружение каждой новой нехватки хромосом может способствовать решению этой проблемы. Два моносомика (478<sub>2</sub>, 566<sub>5</sub>) выделялись сильным опущением стебля с короткими волосками.

Дисомные растения с десинаптическим эффектом, которые характеризовались присутствием парных унивалентных хромосом с разной частотой, были обнаружены в пяти семьях M<sub>4</sub>. Так, в пяти семьях (464, 473, 567, 570, 573) было обнаружено по одному растению с парными унивалентами (от 0,24±0,16 до 2,67±0,58 в среднем на клетку), тогда как в одной семье (572) – четыре растения с унивалентами с разной степенью десинапсиса (от 0,89±0,33 до 6,00±1,41 в среднем на клетку), что указало на генетическую обусловленность этого процесса. Поскольку десинаптические формы являются ценным источником анеуплоидии у различных видов растений, потомство изученных десинаптиков может служить новым источником нехваток отдельных хромосом.

Таким образом, изучение потомств измененных растений, полученных в M<sub>4</sub> после опыления облученной пылью, позволило обнаружить новые формы хлопчатника с межхромосомными обменами, нехватками отдельных хромосом и десинапсисом, что указало на возможность их выявления даже в четвертом поколении после облучения в виду их выживаемости в ряду поколений в облученных популяциях.



## ТАДҚИҚОТ УЧУН ОЛИНГАН ОТА - ОНА ШАКЛЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳақимов А.Э.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr\_anruz@mail.ru

Мазкур тадқиқотларимизда ғўзанинг ингичка ва ўрта толали янги навларини яратишда катта талаблар қўйилмоқда. Хозирги даврда ингичка толали навларнинг роли ошиб бораяпти, улар тежамкор, юқори ҳосилдор, биологик системаларга чидамли бўлиши шарт. Янги навларни яратишда ўсимликларни ташқи муҳит шароитига таъсирчанлигини генетик омилларини ўрганиш юқори самара беради. Шундай қилиб, турлараро дурагайлаш бўйича айрим генетик ишлар, генетика ва селекцияга эмас, кўпроқ систематикага тегишлидир. Magnibracteolata секциясини узоқ дурагайлашда биринчи марта турли хил шакл ва навлардан фойдаланишган. Келгуси дурагай авлодларда эса, муаллифлар ғўзанинг қимматли, яъни тола чиқими юқори, ҳосилдор ва тезпишар шаклларини олганлар. Шунини таъкидлаш керакки, селекциянинг ютуқлари кўп даражада, ғўзанинг географик узоқ шаклларини дурагайлашда миқдорий белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларининг ўрганилганлик даражасига боғлиқ. Шу сабабли чет эл каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам ғўзанинг географик узоқ шаклларини дурагайлашда миқдорий белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш бўйича қатор изланишлар олиб борилган. П.Ш.Ибрагимов ўзининг тажрибаларида, коварицион таҳлил услуби билан ингичка толали ғўза навлари ва уларнинг биринчи бўғин авлодларида генетик, фенотипик ва паратипик боғланишларни ўрганган. Бунда, тола узунлиги, тола чиқими ва махсулдорлиги билан боғланиши сезиларли даражада бўлган. Шунингдек, оддий коллелятив боғланишларни бузилиши натижасида юқори авлод мураккаб дураганлар ичидан бир қатор ноёб белгилар мажмуасига



эга янги тизмаларни ажратиб олган.

Тадқиқот мақсади: тадқиқот учун ота-она сифатида олинган Ашхобод-8, Сурхон-14, Делтапине-80, Делтапине-82, Локал, Келажак ва ЎзФА-703 навларининг ўсув шоҳи ва ҳосил шоҳи сони каби белгиларининг дастлабки ўртача кўрсаткичларини таҳлил қилиш. Тадқиқотларимизда, битта ўсимликдаги ҳосил шоҳининг белгиси бўйича ингичка толали Ашхобод-8 (16.8 дона), Сурхон-14 (16.50 дона) ва ўрта толали Келажак (15.6 дона), Делтапине-82 (14.9 дона), Локал (14.7 дона), Делтапине-80 (12.9 дона) ва ЎзФА-703 (12.8 дона) навларида ўртача кўрсаткич кузатилди. Ўсув шоҳи сони белгиси бўйича Келажак (1,50 дона), Сурхон-14 (2.0 дона), Делтапине-82 (1.43 дона) ЎзФА-703 (1.33 дона), Делтапине-80 (1.29 дона), Ашхобод-8 (1.17 дона), Локал (1.0 дона) навларида ўртача кўрсаткич қайд қилинди. Маълум бўлишича, битта ўсимликдаги ҳосил шоҳи сони белгиси бўйича энг юқори кўрсаткични ингичка толали Ашхобод-8 (16.8 дона) навида, ўсув шоҳи сони белгиси бўйича энг юқори кўрсаткичлар Келажак (1,50 дона) навида, тадқиқотларимизнинг объекти ҳисобланган қолган навларимиз яни Сурхон-14, Делтапине-82, ЎзФА-703, Делтапине-80, ва Локал иккала белги бўйича ўртача кўрсаткичларни ташкил этганлиги кузатилди

## **БАКТЕРИЯЛАР ТОМОНИДАН СИНТЕЗЛАНГАН МЕТАЛЛ НАНОЗАРРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АНТИМИКРОБ ФАОЛЛИГИ**

Эргашев Р.Б., Зайнитдинова Л.И., Куканова С.И., Жўраева Р.Н., Қосимов Д.И.

ЎзР ФА Микробиология институти  
rustambek\_5889@mail.ru

Сўнгги йилларда мультирезистент микроорганизмларга қарши курашиш учун анорганик нанозарралардан (Ag, Au, ZnO, TiO<sub>2</sub> ва бошқалар) истиқболли антибактериал воситалар сифатида фойдаланиш имконияти жадал ўрганилмоқда. Бундай нанозарралар антибиотикларга нисбатан афзалликларга эга бўлиб,



уларнинг арзонлиги, узоқ муддатли терапевтик таъсири ва биопленкаларни парчалаш хусусияти шулар жумласидандир. Органик антибиотиклардан фарқли равишда, микроорганизмларнинг анорганик нанозарраларга нисбатан чидамлилиги ривожланмайди. Шу муносабат билан, нанозарралар шаклидаги металллар антибактериал воситаларнинг янги синфни яратиш учун истиқболли номзодлардан бири ҳисобланади, чунки улар паст токсикликка, узоқ муддатли таъсирга эга; биотик дозаларда улар фермент тизимларининг функционал фаоллигини рағбатлантиради. Микробиологик қайтариш усули тиббиётда фойдаланиш учун мос металл нанозарралари синтези учун самарали усул ҳисобланади. Микроорганизмларнинг турли алоҳида штаммлари учун кумуш ва мис нанозарраларининг бактерицид фаоллиги яхши ўрганилган.

Биз тажрибаларда микробиологик усуллар билан олинган кумуш ва мис нанозарралари антимикроб фаоллиги таҳлилини ўтказдик.

Таркибида турли рН кўрсаткичли муҳитларда ҳосил бўлган кумуш ва мис нанозарралари мавжуд *Bacillus megatherium* культурал суюқлигининг *Staphylococcus aureus*, *Escherichia coli*, *Bacillus subtilis* ва *Candida albicans* га нисбатан антимикроб фаоллиги ўрганилди. *Bacillus megatherium* ни ўстириш давомида синтезланган кумуш ва мис нанозарралари антибактериал фаоллигини аниқлаш учун суюқ муҳитда кетма-кет суюлтириш ҳамда “блок” ва “лунка” диффузияли усуллари қўлланилди.

Маълумки, турли металлларнинг нанозарралари граммусбат ва грамманфий бактерияларга нисбатан антимикробиал фаолликка эга бўлиши мумкин. Ўтказилган тажрибаларда *Bacillus megatherium* микроорганизмидан фойдаланиб олинган кумуш нанозарралари синовдаги барча тест-культураларнинг ўсишини чеклаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

Кумушнинг 75-100 мг/л концентрацияларида нанозарралар культурал



суяқликда ҳам, ундан ажратилган ҳолатда ҳам, синовдаги барча культураларга нисбатан антимикробиал фаолликни намоён қилди.

Мис нанозарралари антибактериал таъсири *Escherichia coli* нинг ўсишини чеклаш зоналарида кўпроқ намоён бўлди: рН=8 да зона диаметри 14-16 мм гача етди. Бироқ, ичак таёқчаси ўсишининг максимал чекланиши рН=5 муҳитда кузатилди. Деярли барча вариантларда рН=8 бўлган муҳитда нанозарралар энг самарали бўлди, ушбу эритмаларда нанозарралар миқдори рН нинг қуйи қийматларига эга бўлган тегишли эритмалардагидан ошиб кетди.

## **ФЕРТИЛЬНОСТЬ ПЫЛЬЦЫ: АНАЛИЗ ТЕТРАД МИКРОСПОР У МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА**

Эрназарова Д.К., Эрназарова З.А., Рахимова Г.Х., Холова М.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений  
ziroat64@mail.ru

Многими исследователями было отмечено, что при изучении межвидовых гибридов, родительские виды которых относятся к одному геному, как, например, *G. arboreum* L. и *G. herbaceum* L., *G. hirsutum* L. и *G. barbadense* L. мейоз в первом поколении протекает без особых нарушений, кроме того, наблюдается почти полная конъюгация хромосом, что говорит об их гомологии. Однако, у этих гибридов чаще, чем у родительских видов наблюдаются некоторые нарушения в ходе мейоза, а именно: снижение частоты хиазм с появлением унивалентов, отставание хромосом, неправильности в формировании веретена, в результате чего могут возникать аномалии в формировании тетрад и несбалансированные гаметы.

В результате исследований фертильности пыльцы выявлен сравнительно высокий процент жизнеспособности у реципрокных межвидовых гибридов F<sub>1</sub>: *G. mustelinum* × *ssp.ruderale f.parnat*, *ssp.ruderale f.parnat* × *G. mustelinum* (93,32±0,62; 94,64±0,53). Незначительное снижение жизнеспособности пыльцы



отмечалось у реципрокных гибридов *G. mustelinum* × *ssp. ruderale f. pisco* и *ssp. ruderale f. pisco* × *G. mustelinum* (88,51±0,75; 87,81±0,80). У реципрокных гибридов *G. mustelinum* × *G. barbadense ssp. vitifolium f. brasilense*, *G. barbadense ssp. vitifolium f. brasilense* × *G. mustelinum* наблюдалась сравнительно низкая жизнеспособность пыльцы от 80,20±0,59 до 82,43±0,85. Аналогичные результаты жизнеспособности пыльцевых зерен наблюдались и у реципрокных гибридных комбинаций *G. mustelinum* × сорт Сурхон-9, сорт Сурхон-9 × *G. mustelinum*.

Таким образом, в результате исследований у межвидовых гибридов F<sub>1</sub> выявлена высокая фертильность пыльцы в гибридных комбинациях полученных на основе скрещиваний вида *G. mustelinum* Miers ex Watt. с рудеральными формами *G. barbadense* L. и сравнительно низкая фертильность пыльцы в гибридных комбинациях с участием культурно-тропических и культивируемых форм.

Как известно, анализ стадии тетрад микроспор, формирующихся в результате мейотического деления, используется в цитогенетических исследованиях как показатель стабильности мейоза.

Анализ спорад, у изученных 4 вариантов реципрокных межвидовых гибридных комбинаций, полученных при скрещивании *G. mustelinum* Miers ex Watt. с рудеральными формами *G. barbadense* L. выявил высокий мейотический индекс от 91,69±0,81 до 95,06±0,62%.

В реципрокных гибридных комбинациях, полученных с участием культурно-тропической формы *ssp. vitifolium f. brasilense* и культивируемого сорта Сурхон-9 выявлен сравнительно низкий мейотический индекс. Мейотический индекс реципрокных гибридов *G. mustelinum* × *ssp. vitifolium f. brasilense*, *ssp. vitifolium f. brasilense* × *G. mustelinum* составил 81,58 - 83,12%. У реципрокных гибридов *G. mustelinum* × сорт Сурхон-9 и сорт Сурхон-9 × *G. mustelinum*, соответственно, 80,78; 79,27%.



## ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА (*GOSSYPIUM MUSTELINUM* MIERS EX WATT. × *GOSSYPIUM BARBADENSE* L.)

Эрназарова З.А., Эрназарова Д.К., Рафиева Ф.У., Кушанов Ф.Н., Абдуллаев А.А.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений  
ziroat64@mail.ru

В целях установления филогенетических связей *G. mustelinum* Miers ex Watt., с разновидностями полиморфных видов *G. hirsutum* L. и *G. barbadense* L., а также с видом *G. darwinii* Watt. Ф.У.Рафивой и др. (2018) проведены многочисленные и выявлено свободное скрещивание вида с тетраплоидными видами подрода *Karpas* Raf. и их подвидами. Исследования выявили близкое генетическое родство *G. mustelinum* Miers ex Watt. с дикими, рудеральными подвидами и формами, сравнительно далекое родство с культурно-тропическими и культивируемыми представителями полиморфного вида *G. barbadense* L. Также, выявлено закономерность низкой скрещиваемости и завязываемости семян у межвидовых гибридных комбинаций, в которых в качестве материнской формы использовался *G. mustelinum* Miers ex Watt. Как утверждает автор, данное явление свидетельствует о том, что вид *G. mustelinum* Miers ex Watt. является эндемиком, сравнительно древним в эволюционном отношении. Имеет узкий ареал распространения и при использовании его в качестве материнской формы, возможность чужеродного опыления со стороны ограничено.

Вышеуказанные экспериментальные данные требуют цитологического подтверждения, в связи с чем, проведение цитогенетических исследований являются весьма актуальными.

Анализ конъюгации хромосом на стадии метафаза I мейоза был проведен у гибридных растений 4 вариантов межвидовых скрещиваний. В результате анализа конъюгации хромосом межвидовых реципрокных гибридов полученного на основе скрещиваний *G. mustelinum* с рудеральной формой *ssp. ruderale f. pisco* наблюдалась нормальная бивалентная конъюгация хромосом, следует отметить,



что в гибридной комбинации *G. mustelinum* × *G. barbadense ssp. vitifolium f. brasiliense* также наблюдалась нормальная конъюгация хромосом, а в реципрокной комбинации (*G. barbadense ssp. vitifolium f. brasiliense* × *G. mustelinum*) выявлено присутствие крупной квадриллентной ассоциации хромосом кольцевой формы с примыкающим типом расхождения хромосом из транслокационного кольца с небольшой частотой ( $0,03 \pm 0,03$  в среднем на клетку).

Таким образом, цитогенетический анализ межвидовых гибридов, полученных в результате скрещиваний *G. mustelinum* с рудеральными формами *G. barbadense L. (ssp. ruderale f. pisco, f. parnat)*, включавший анализ мейоза на стадии метафазы I, свидетельствует об их близком филогенетическом родстве. Анализ конъюгации хромосом межвидового гибрида полученного на основе скрещиваний *G. mustelinum* с культурно-тропической формой (*G. mustelinum* × *G. barbadense ssp. vitifolium f. brasiliense*) наблюдалась нормальная конъюгация хромосом, а в реципрокной комбинации (*G. barbadense ssp. vitifolium f. brasiliense* × *G. mustelinum*) выявлено присутствие крупной квадриллентной ассоциации хромосом преимущественно кольцевой формы с примыкающим типом расхождения хромосом из транслокационного кольца с небольшой частотой ( $0,03 \pm 0,03$  в среднем на клетку). Присутствие обмена в вышеуказанном варианте скрещивания указывало на существование различий в структурной организации хромосом у исходных родительских форм.

## **ПРОРАСТАНИЕ ПЫЛЬЦЕВЫХ ТРУБОК В СЕМЯПЧКЕ У ВНУТРИ- И МЕЖГЕНОМНЫХ ГИБРИДОВ ПЕРВОГО ПОКОЛЕНИЯ**

Эрназарова З.А.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз  
ziroat64@mail.ru

Процесс оплодотворения и последующие фазы формирования семян, существенно зависят от прорастания пыльцевых трубок.



Изучение этих процессов способствует выяснению генетической природы несовместимости, характерной для большинства межвидовых гибридов.

Как известно, при отдалённой гибридизации в большинстве случаев взаимоотношения между мужским гаметофитом и тканью пестика нарушаются. Реакция несовместимости появляется с момента попадания пыльцы на рыльце и морфологически выражается в замедлении или торможении прорастания пыльцы. Пыльцевые зёрна не прорастают при скрещивании очень отдалённых форм. О нарушении процесса оплодотворения при межвидовых скрещиваниях сообщали Власова, Руми и др. (1981), Ризаева (1983) и многие другие авторы.

Для определения причин низкой завязываемости семян у некоторых внутригеномных ( $C \times C$ ) и полной стерильности межгеномных ( $D \times C$ ) гибридов проведён подсчёт числа семязпочек в их завязях и количество вошедших пыльцевых трубок семязпочки.

Установлено, что среди австралийских видов наибольшее число семязпочек у *G. sturtianum* var. *nandewarensis* - 25 в одной завязи, наименьшее у *G. bickii* - 18. У *G. sturtianum* var. *sturtianum*, *G. australe*, *G. nelsonii* количество семязпочек в одной завязи колеблется в пределах 21 - 24, коэффициент вариации 2,84 - 4,15 %.

У внутригеномных гибридов количество семязпочек в одной завязи колеблется в пределах 21,1 - 30,9 в зависимости от комбинаций скрещивания. Среди внутригеномных гибридов наибольший процент семязпочек с вошедшими пыльцевыми трубками наблюдается у реципрокных гибридов *G. nelsonii*  $\times$  *G. australe* - 91,7% У реципрокных гибридов  $F_1$  *G. bickii*  $\times$  *G. australe* - 30,3-36,1%. Они менее плодовиты по сравнению с предыдущими гибридами. Наши наблюдения показали, что по данному признаку виды *G. bickii* и *G. australe* менее близки, чем *G. nelsonii* и *G. australe*. У гибридов *G. nelsonii*  $\times$  *G. sturtianum* var. *nandewarensis*, *G. bickii*  $\times$  *G. sturtianum* var. *nandewarensis*, процент пыльцевых



трубок, вошедших в зародышевые мешки лишь 5,1 и 13,3, соответственно.

Полученные данные показывают, что *G. nelsonii* более близок к *G. australe*, чем *G. bickii*. У межгеномных гибридов (Д × С) также, как и внутригеномных, в каждой завязи формируется в среднем от 18 до 24,5 семязпочек, в зависимости от варианта скрещивания. Но не наблюдалось ни одного случая вхождения пыльцевых трубок в семязпочку.

Очевидно, в этих случаях происходят нарушения в процессе оплодотворения, которые возникают в результате генетического несоответствия разногеномных видов, обусловленного механизмом межвидового барьера в прогаммной фазе, что приводит к нарушению синхронности обменных процессов и является одним из основных препятствий для роста пыльцевых трубок.

## **FERULA O'SIMLIGINING BIOLOGIK QIYMATI YUQORI VA EKOLOGIK XABFSIZ TABIIY MAHSULOTLAR ISHLAB CHIQRISHDAGI IMKONIYATLARI**

Eshmurodova N.Sh., Toshtemirova M.D., Zikirova F.E, Zikirova Z.E.

Toshkent davlat texnika universiteti  
Eshmurodovanargiza0306@gmail

Ma'lumki, dunyoda farmatsevtika kompaniyalari tomonidan ishlab chiqariladigan dori-darmonlarning taxminan 50% dorivor o'simlik xomashyolaridan tayyorlanadi. Farmatsevtika sanoatining jadal rivojlanishi ko'plab mamlakatlarda, shu jumladan O'zbekiston Respublikasida ham dorivor o'simliklarga bo'lgan talabning keskin o'sishiga olib keldi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 20 martdagi 3617-sonli "Mamlakatimizda *ferula* plantatsiyasini yaratish, uning xom ashyosini qayta ishlash hajmini oshirish va eksport qilish chora-tadbirlari to'g'risida" gi farmoni asosida *Ferula* ishlab chiqaruvchilari va eksportchilari tashkil etildi.



*Ferula* – *Umbelliferae Apiaceae* oilasiga mansub ko'p yillik o'simlik. *Ferula*ning 160 dan ortiq turlari mavjud, ulardan 104 tasi O'rta Osiyo respublikalarida va 50 tasi bizning mamlakatimizda.

Tabiatda hidli *Ferula* keng tarqalgan bo'lib, undan asosan saqich qatroni olinadi. Ushbu dorivor o'simlik tibbiyotda bemorning tanasiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan biologik faol moddadir. Dori tayyorlash uchun o'simlikning ildizlari, barglari, qobig'i, gullari, mevalari, saqichi va boshqa qismlari ishlatiladi.

*Ferula* saqich-qatroni xalq tabobatida o'pka sil kasalligi, vabo, oshqozon yarasi, ko'k yo'tal, tish og'rig'i, asab va boshqa kasalliklarni davolashda ishlatiladi. Ilmiy tibbiyotda *ferula* saqichi kukun, emulsiya va damlamasi shaklida analjezik, balg'am chiqaruvchi, tonik beruvchi va tinchlantiruvchi vosita sifatida ishlatiladi.

*Ferula* ning umumiy massasining 25 dan 60 foizigacha qatronlar tarkibiga kiradi, ularning aksariyati ferul kislotasi va saqich efirlaridan iborat. Efir moyida oltingugurt birikmalari, ba'zi bir terpenlar, karboksilik kislotalar (sirka va undesilik) va sulfanil kislotasi mavjud. Xom *Ferula* ning o'tkir hidi issiqlik bilan ishlov berish jarayonida yo'q qilinadigan 2-butil-1-propenil disulfid va boshqa ba'zi disulfidlarning tarkibiga bog'liq. Shu bilan birga, qizdirilgandan so'ng, uning ishtahani xushbo'y hidi qoladi, bu esa piyoz va sarimsoq hidi bilan bizga tanish bo'lgan yog'dagi dialil disulfid tarkibini ko'rsatadi, bu erda ham efir moyining asosiy tarkibiy qismlaridan biri hisoblanadi. Sesquiterpenlar va kumarinlar ham uchraydi.

Xushbo'y *Ferula* ning dorivor xususiyatlari uning kimyoviy tarkibida dorivor moddalar borligi bilan bog'liq. *Ferula* ning bir qismi bo'lgan ferul kislotasi bir qator dorivor xususiyatlarga ega: yallig'lanishga qarshi, antitrombotsit, antigistamin, gepatoprotektiv, antibakterial va antiviral. Ferul kislotasi shuningdek, yurak-qon tomir kasalliklarining oldini olish uchun juda yaxshi va hatto antioksidant xususiyatlari tufayli saraton bilan kurashish qobiliyatiga ega.



*Ferula* antioksidantlik xususiyatlari tufayli turli mamlakatlarda xalq tabobatida keng qo'llaniladi. Shamollash va virusli kasalliklarning oldini olish uchun asafoetida qatroni bo'laklari bo'lgan kichik sumka bolaning bo'yniga ipga osib qo'yilgan. Qo'shimchalardagi og'riqni davolash uchun ushbu ziravor bilan og'riqli joylarda kompresslar tayyorlanadi. Har qanday ziravorlar singari, asafoetida ko'pincha ishtahani yaxshilash uchun ishlatiladi.

### ***FUSARIUM GIBBOSUM* ЗАМБУРУҒИНИНГ СОЯНИНГ МАҲАЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИ ВА ЎСИШИГА ТАЪСИРИ**

Юлдашов Ў.Х., Матниязова Ҳ.Х., Қаршибаева Д.Н., Салоҳиддинова М.М.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr\_anruz@mail.ru

Бутун дунё бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, хусусан ғўза, буғдой ва соя каби даромадли экинларнинг турли касаллик ва ташқи стресс омиллари томонидан 26-30% ҳосили йўқотилади. Соя [*Glycine max* (L.) Merr.] етиштиришдаги асосий муаммолардан бири соя касалликларидир. Энг хавфли замбуруғ касалликларидан бири бу - фузариоз (*Fusarium* spp.), қўзғатувчилари асосан *F. solani*, *F. culmorum* ва *F. gibbosum* ҳисобланади. Фузариоз касаллиги соя етиштириладиган барча ҳудудларда учрайди. *Fusarium* туркуми замбуруғлари келтириб чиқарадиган касалликларга тожсимон чириш (илдиз бўғзи чириши), донли ўсимликларнинг бошоғининг куйиши, ўтказувчи тўқима сўлиш касаллиги, помидор ва боғдорчилик экинларида илдиз чириши касаллиги, дуккакдилар соя, ерёнғоқ ва сарсабил ўсимликларида яра касаллиги ва улар ишлаб чиқарадиган микотаксинлар уруғларни зарарлайди.

Тадқиқотларни ўтказишда соянинг маҳаллий Генетик-1, Тўмарис, Орзу ҳамда хорижий Селекта-201 ва Селекта-302 навлари ва *Fusarium gibbosum* (ЎЗР



ФА Генетика ва ЎЭБИ “Фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси- ноёб илмий объекти” коллекциясидан олинган) турларининг штаммларидан фойдаланилди. Изланишларимизда соянинг *Fusarium gibbosum* микотоксинларининг ўсимлик уруғларининг унувчанлиги, ўсимлик узунлиги ва уруғнинг униб чиқиш кучига таъсири даражаси таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижасига кўра патоген замбуруғлар *F. gibbosum*га нисбатан соянинг Селлекта ва Тўмарис навларида тегишли равишда унувчанлиги 75,0%, 70,0%, 7 кунлик ниҳолларининг узунлиги  $7,73 \pm 0,83$  см,  $15,52 \pm 2,1$  см ҳамда уруғнинг униб чиқиш кучи 579,75 ва 1086,4 каби юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Мазкур замбуруғ микотоксинларига нисбатан салбий таъсирга энг кўп учраган Селекта-201 ва Генетик-1 навлари ҳисобланиб, тегишли равишда унувчанлиги 25,0%, 45,0%, 7 кунлик ниҳолларининг узунлиги  $3,6 \pm 0,1$  см,  $3,87 \pm 0,82$  см ҳамда уруғнинг униб чиқиш кучи 90,00 ва 174,15 га тенглиги маълум бўлди. Соянинг Орзу навларига эса *F. gibbosum* ўртача таъсир этиши кузатилиб, тегишли равишда унувчанлиги 30,0%, 7 кунлик ниҳолларининг узунлиги  $8,7 \pm 2,94$  см ҳамда уруғнинг униб чиқиш кучи 261,00 каби кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди.

Юқорида келтириб ўтилган тадқиқот натижаларига кўра, таҳлил этилган соя ўсимлиги навларида чириш касаллигини келтириб чиқарувчи *Fusarium gibbosum* патоген замбуруғларига чидамли нав сифатида Тўмарис ва Селекта-302 навларини замбуруғ билан зарарланган экин майдонларида ҳам экиш тавсия қилинади.



## САРИҚ ЗАНГ ИНФЕКЦИОН ФОНИДА ЎСТИРИЛГАН БУҒДОЙНИНГ УАК-ПОПУЛЯЦИЯСИ ҲАМДА ОТА-ОНА НАМУНАЛАРИНИНГ МОРФОБИОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ

Юлдашова З.З., Норбеков Ж.К., Хусенов Н.Н., Бойқобилов У.А.,  
Нормаматов И.С., Макамов А.Х.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази

Буғдой ўсимлиги турли касалликлар билан зарарланиши уларни етиштиришда асосий тўсиқлардан бири бўлиб, уларга қарши курашиш катта иқтисодий маблағ талаб этади. Кузги буғдойнинг вегетация даври узоқроқ бўлганлиги сабабли ўсимликнинг турли касалликларга мойиллиги ортиб боради. Касалликларга чидамликнинг ортишишнинг энг мақбул усули бу селекция жараёнида тўғри танлов қилиш ҳамда чидамли бўлган навларни яратиш ҳисобланади.

Буғдой ўсимлигида энг кўп учрайдиган касаллик бу занг касалликларидир. Буғдойда *Puccinia graminis* замбуруғи кўзғатувчи поя занги, *Puccinia striiformis f. sp. Tritici* замбуруғи кўзғатувчи сариқ занг ҳамда *Puccinia triticina* замбуруғи кўзғатувчи кўнғир занг касалликлари учрайди. Бу касалликлар ичида сариқ занг ҳамда кўнғир занг касалликлари энг кўп тарқалган бўлиб, ушбу инфекция натижасида буғдойнинг 50% гача ҳосилни йўқотиши мумкин. Хозирги кунда, буғдойда ушбу касалликларга қарши курашишда, чидамлик хусусиятларини оширишда ҳамда дон сифатини яхшилашда потенциали юқори бўлган ДНК маркерлар технологияси фойдаланиш энг ишончли воситага айланган. Ушбу технология асосида ўрганилаётган генларни тадқиқ қилиш ва шу орқали қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш, уларни керакли генотипларга ўтказиш имкониятлари яратилди. Қолаверса, буларнинг энг самаралиси аллелларнинг тақсимланиши ва аниқ структурага эга бўлган бир қанча ҳарактерли генотипларни танлаш орқали УАК (уяли асоциатив карталаштириш) популяциясини яратиш ҳисобланади.



Хозирда УАК-популяцияси яратиш асосида чидамлилиқ генларини  $Yr$  изоген буғдой линияларидан маҳаллий навларга ўтказиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Буғдойда УАК-популяцияси яратишда ота-она намуналари сифатида танланган;  $Yr$  5/6 Avocet S,  $Yr$  6/6 Avocet S, Federation,  $Yr$  15/6 Avocet S, Carstens V (W;  $Yr$ 32),  $Yr$  SP/6\* Avocet S, Avopcet R, Inia 66, Avocet "S",  $Yr$  18/3\* Avocet S, Jupateco "R" (S), Jupateco "S", Cook (S), ATTLA CM85836-50Y, Lal Bahadur/Pavon 1B L, Cham 4, Bohouth ва занг кассаллигига ўта сезувсан бўлган Мороссо нави ҳамда уларнинг  $F_3$  авлодлари Геномика ва биоинформатика марказига қарашли махсус уруғчилик хўжалиги тажриба даласида экиб ўрганилди. Тадқиқот ўсимликлари декабр ойида (2019-йил) сариқ занг урединоспораларини намуналарга сунъий тарзда инокуляция қилиш асосида зарарлантирилди. 2020-йил апрель ойининг иккинчи ярмидан бошлаб кузатувлар асосида зарарланиш даражалари баҳолаб борилди.

Бундан ташқари, УАК-популяцияси  $F_3$  авлодлари ҳамда ота-она намуналари ҳосилдорлигига касллик қай даражада таъсир этганини ўрганиш мақсадида лаборатория таҳлиллари олиб борилди. Ушбу таҳлилни амалга оширишда ҳар бир намунадан 10 тадан бошоқ узунлиги, бошоқдаги дон сони ҳамда бир дон бошоқдаги дон вазни ўрганилиб, уларнинг ўртача қиймати модель GLM (General Linear Model) усулида қайта ишланди.

Шу билан бирга, ушбу популяцияси ота-она намуналарида 100 дан ортиқ SSR маркерлар асосида ПЗР таҳлиллари олиб борилди. Ота-она намуналарида полиморфлилиги юқори бўлган маркерлар билан уларнинг  $F_3$  авлодларида ПЗР таҳлиллари олиб борилмоқда.

Ушбу тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад – ҳосилдорлиги юқори бўлган буғдой навларига чидамлик генларини ўтказиш ва шу асосда чидамлилиги юқори бўлган нав ва линиялар яратишдан иборат.



### III. БИОТЕХНОЛОГИЯ

#### BIOTECHNOLOGICAL PROCESSING OF ORGANIC POULTRY WASTE AND ITS USE IN AGRICULTURE

Asadova Z.M., Murodova S.S.

Tashkent State Agrarian University  
happyzar18@gmail.com

Up-to-date biotechnologies are involved in the biological transformation of organic poultry waste into an environmentally friendly fertilizer that can preserve soil fertility and significantly improve yields. The use of poultry manure at poultry farms in Uzbekistan has been poorly addressed today. On many Uzbek farms, poultry manure is discarded outside the poultry farms or left inside causing life-threatening diseases and environmental pollution. At the same time, bird droppings contain high macro and microelements, which form the basis for their value as organic fertilizers.

The solution to the problem of manure recycling is to improve the environmental situation, soil fertility and crop yields. The research analyzes and summarizes the practical application of biotechnological processing of bird droppings into a fertilizer and its further application on strawberry seeds as one of the reasonable solutions to the economic and environmental safety of poultry production under industrial conditions.

Organic poultry waste includes bird droppings, low-value feathers, blood and organs, which represent an aggressive substance that contains a vast number of harmful microorganisms such as disease-causing bacteria, helminth eggs, larvae, and weed seeds; besides, it has an unpleasant odour. Biotechnological disposal using methane digestion is one of the right solutions for recycling poultry waste. Raw materials, gained with the help of this process, can be widely used in agriculture as an environmentally friendly fertilizer, methane, animal feed additives and fuel gas.

According to statistics, one poultry farm in Uzbekistan annually throws out up to



6000-7000 tons of bird droppings. During a year one chicken gives 6-7 kg of dung.

Fresh chicken droppings contain 1.5-2.5% nitrogen, 1-2% phosphorus and about 1% potassium. Its chemical composition is 3-4 times richer than cattle manure. Many farmers do not use the manure as a fertilizer because they do not know how to use it properly. Organic fertilizers derived from manure should be free from pathogenic microorganisms, resilient eggs and helminth larvae.

During the tests, it has been found that the smaller the part of the substrate, the better. The larger the interaction area for bacteria and the more fibrous substrate, the easier and faster it is for the bacteria to decompose the substrate. In addition, it is easier to stir, mix and heat without creating a floating crust or sediment. Grinded raw materials have an impact on the amount of gas produced through the duration of the fermentation period. The shorter the fermentation period, the better the material has to be crushed. The analysis and research carried out at the poultry farm have shown that the trial number 1 using a home-made unit for anaerobic fermentation has taken more time to process manure and additional substrates as opposed to the second. However, the obtained fertilizer from the home-made reactor has a crumbly structure, a homogenous dark brown color and no pungent smell. The fertilizer of the second trial has been less effective: it has been overmoistened, sticking together in lumps, scum and has had an unpleasant smell.

In practice, biofertilizer application has revealed that the fertilizer produced by the bioreactor has proven to be more productive; germination of strawberry seeds started faster and contained more sprouts than in the second pot.

It is important to note that temperature control in the experiments has been the most critical factor in the fermentation stages of bacteria.

The research results have shown that the method of methane digestion is effective against pathogens in organic poultry waste, the process increases the number of useful bacteria and the generation of metabolites such as organic acid. Biotechnological poultry waste disposal reduces the processing time of the source material by 1.5 times.



The study has revealed that the application of organic fertilizer based on chicken droppings has had a positive impact on soil structure, which has enhanced its aeration and ensured proper vegetative root system development.

## BIOPESTITSIDLAR

Asatulloyev T., Tashmuxammedova Sh.

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti

Biopestitsidlar pestitsidlarning tabiiy formalari bo'lib, hayvonlar, o'simliklar, bakteriyalar va boshqa minerallardan olinadi hamda zararkunanda hasharotlarga qarshi ishlatiladi. Masalan, *Bacillus thuringiensis* ajratadigan endotoksinlarni biopestitsid sifatida ishlatish mumkin. Shu maqsadda endotoksin kristallarini ishlab chiqaradigan va to'g'riqanotlilarga toksik ta'sir ko'rsatadigan *B. thuringiensis* B-6649 shtammi boy ozuqa muhitida (15g/l makkajo'xori uni tutgan) 44-46 soat va 28-34° C mobaynida ko'pytirildi. Shu vaqt ichida endotoksin kristallari paydo bo'lganligi kuzatildi. Olingan kultura bilan chigirtkalar lichinkalariga ishlov berilganda 98.7% lichinkalar halok bo'ldi.

Hozirda *B. thuringiensis* shtammi asosida biopreparat tayyorlash ustida ishlar olib borilayapti. Bu preparatning asosiy maqsadi qishloq xo'jaligiga jiddiy zarar keltiradigan to'g'ri qanotlilar, kolorodo qo'ng'izi va boshqa ayrim hasharotlardan o'simliklarni himoya qilishdir.

Shuningdek *B. thuringiensis* va *Coccobacillus acridiorumning* eng samarali shtammlaridan gibrid shtamm yaratish bo'yicha dastlabki ishlar boshlandi. Bunda hujayra peptidoglikan va lipopolisaxaridlarini parchalash uchun EDTA va lizotsim fermenti yordamida ishlov berildi. Nazariy jihatdan protoplastlar bir biriga qo'shib, umumiy hujayra devori bilan o'ralishi kerak. Endigi navbat kulturada skrining o'tkazib, ular ajratadigan endotoksinlarning faollini o'rganib, uning asosida ham biopreparat yaratishdir.



## **ТОМАТ МОЗАИКАСИ ВИРУСИГА СПЕЦИФИК АНТИЗАРДОБ ОЛИШ**

Ахмадалиев Б.Ж., Нугманова К.И., Қодирова З.Н.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
ahmadaliyev\_bobur@mail.ru

Сўнги йилларда ўсимлик, ҳайвон, микроб биотехнологияси билан бир қаторда, вируслар биотехнологияси ҳам ривожланмоқда. Ген муҳандислигида бактериофагларни вектор сифатида ишлатиш, вирусга қарши вакциналар, интерферонлар, ген инженерия йўлида тайёрланган вакциналар, моноклонал антителалар олиш, улар асосида иммунодиагностика усулларини ишлаб чиқиш, хужайра культураларини ва вируссиз ўсимлик олиш кабилар биотехнологиянинг долзарб масалаларидан биридир. Мазкур муаммоларнинг ҳал қилиниши аналитик ва препаратив биотехнологиянинг ривожланишига бевосита боғлиқдир. Айниқса, аналитик биотехнологиянинг ривожланиши натижасида вируслар диагностикасининг тезкор, сезгир усуллари яратилган бўлиб, улар жуда кўплаб биологиянинг, жумладан, вирусологиянинг фундаментал ва амалий муаммоларини ечишда қўлланилмоқда.

Ўсимлик вируслари ҳам бошқа антигенлар каби турлича антиген детерминантларни ўзининг оксил қаватида сақлайди. Агар тозаланган вирус препаратини ҳайвон организмига киритилса, уларга қарши ҳайвон қонида махсус антителолар ҳосил бўлади. Сунъий равишда ҳайвонларни иммунизация қилинганда ҳосил бўлган антителолар иммуноглобулинлар синфига мансуб бўлиб, улар вирусларни иммунология усуллари ёрдамида диагностика қилишда катта аҳамиятга эга.

Кўпгина иммунологик тадқиқотлар олиб бориш учун махсус специфик антизардоб зарур бўлади. Бундай зардоблар умуртқали ҳайвонлар, жумладан: куён, каламуш, сичқон ва бир қатор ҳайвонлар организмига турли антигенлар (АГ) кирганда, уларга қарши махсус ҳимоя, «иммун тизим» сифатида пайдо



бўлади.

Томат мозаикаси вирусига специфик антизардоб олиш бир неча бочкичда амалга оширилди. Бунинг учун ТоМВ нинг гомоген тоза препарати олинди. Тозаланган вирус препарати тирик вазни 3-4 кг келадиган қуённи Шиншила зотининг қулоқ венасига ҳафтасига бир марта 1 мг/мл тоза вирус препаратини 1 мл физиологик эритма билан қўшиб билан қўшиб (1:1) жами 6 марта юбориб инекция қилинди. Охирги инъекциядан 20 кун ўтгандан сўнг 15 мл дан ҳафта давомида 2 марта, жами 30 мл қон олинди ва қон хона ҳароратида 1 сутка сақланди. Ундан сўнг денатурацияланган қоннинг шаклли элементларидан зардоб қисми эҳтиёткорлик билан ажратиб олинди. Зардобда қолган шаклли элементлар (эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар) 2000 айл./дақ.да 5 дақиқа центрифуга қилиниб тозаланди. Олинган 30 мл қондан 13 мл қон зардоби ажратилди. Тозаланган АЗ титри ИИД ва томчи усуллари ёрдамида аниқланди. Олинган АЗ титри ИИД усули ёрдамида аниқланганда 1:16 эканлиги маълум бўлди. АЗ лар эпидеорф пробиркага 1 мл дан қилиб солинди ва 1–2 томчи хлороформ томизиб музлаган ҳолда сақлаб қўйилди.

Шундай қилиб, ТоМВга юқори титрли специфик антизардоб тайёрланди. Олинган антизардобнинг титри 1:16 эканлиги ИИД усули ёрдамида аниқланди.

## **ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОПРЕПАРАТОВ МИКРОБНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ В ХЛОПКОВОДСТВЕ**

Ахмедова З.Р., Эргашева С.З., Хусанов Т.С.

Институт микробиологии Академии наук Республики Узбекистан  
akhmedovazr@mail.ru

В настоящее время хлопчатник является основной технической культурой, обеспечивающей текстильную промышленность во многих странах мира. Ежегодно в 86 странах мира производится 20-22 млн. тонн хлопкового волокна. Часть из них экспортируется в зарубежные страны, где не растут хлопчатник.



Учитывая неуклонный рост населения земного шара и ограниченность посевных площадей, одной из актуальных задач в сельском хозяйстве стран всего мира является получение высокого и качественного урожая без расширения посевных площадей.

В этой связи ведущие хлопкосеющие страны, такие как США, Китай, Австралия наиболее актуальной задачей хлопководства считают повышение урожайности и качества волокна.

В Узбекистане хлопчатнику отводится особое значение, ибо помимо качественного волокна, из семян хлопчатника получают масло для пищевых целей, шрот и шелуха является ценным и востребованным кормом в животноводстве. Более того, урожайность по выходу волокна за последние годы в Республике не превышает 6-7 ц/га, и этот показатель в 2-3 раза ниже, чем у ведущих хлопкосеющих стран мира.

Кроме того, в мировой сельскохозяйственной науке и производстве все большое внимание отводится к биоземледелию, основанной на использовании биологических препаратов различного происхождения, имеющий ценный состав и природное происхождение. У нас в стране издан указ Президента РУз о ведении органического земледелия во многих отраслях сельского хозяйства и промышленности.

Для ведения органического земледелия следует учесть, в первую очередь, качество посевных семян, которые оказывает большое влияние на процесс дальнейшего роста и развития хлопчатника и всех видов растений, скороспелости и продуктивности сельскохозяйственных культур. Также исходные семена должны обладать высоким посевными и урожайными качествами, жизнеспособностью в суровых почвенных условиях, плотности, здоровыми, и надежно защищенными от патогенов и подгрызающих вредителей, также



отличаться хорошей сыпучестью. Поэтому, в Республике вопрос повышения качества семян всегда являлся и остается весьма актуальным. В этой связи, в хлопководческой отрасли применяют различные способы предпосевной подготовки с использованием биологических препаратов, не оказывающих негативное влияние как на качество семян, так и окружающей среде.

Обогащение семян элементами питания, витаминами, биостимуляторами представляет перспективу, решение которой позволило бы повысить урожайность полей, сохранить биологическую активность почвы, получить качественный и высокий урожай.

В данной работе приводятся данные по определению способности биопрепаратов микробного происхождения серии «Microzyme» для приготовления органического хлопка без внесения минеральных удобрений и химических реагентов. Для этого изначально определяли качество семян сортов хлопчатника, предназначенных для возделывания органического хлопка. Учитывали массу семян, степень всхожести и энергию прорастания под действием энзимно-органического удобрения - биостимулятора роста и развития «Microzyme-2» в лабораторных и микровегетационных опытах.

Объектом исследований служили образцы турецкой селекции вида *G. hirsutum* L. из коллекции хлопчатника Таджикистан, сорта селекции «Ориён» и сорта «Флеш» Турция». Норма расхода биопрепарата было рассчитана с учетом установленной нормы со стороны Государственной Химкомиссии при Кабинете министров РУз, а именно 35 лит/тн для опущенных семян, 30 литр/тн для оголенных семян хлопчатника.

Первичный скрининг проводили по методу определения энергия прорастания и всхожести (ISTA) в 6-вариантах. Обработанные семена проращивали на фильтровальной бумаге по 100 штук на стерильных песках,



помешенные в специальные сосуды, которые были размещены в термостат при  $25\pm 2^\circ\text{C}$ . В качестве контроля использовали обработку с водой. Через каждые сутки пробы меняли местами. Учет проросших семян проводили в двух повторностях, измеряя параметры всхожести и энергию прорастания через каждые сутки.

Было обнаружено, что энергии прорастания и всхожести всех вариантов семян был разными. При этом все варианты с препаратом опережали контрольный вариант, как по энергии прорастания, так и по всхожести семян. Непроросшие семена (25%) были обнаружены в контрольном варианте. Сорт хлопчатника «Ориён» имел лучшие показатели, чем сорт «Флеш». Все варианты с препаратом опережали контрольный вариант, как по энергии прорастания, так и по всхожести семян на 20 % и 15 %, соответственно. Наблюдения за динамикой появления всходов показали, что семена хлопчатника «Ориён» при обработке препаратом «Microzyme-2» имеет преимущество перед контролем и сортом хлопчатника «Флеш».

Таким образом, проведённые исследования позволяет сделать вывод о перспективности применения «Microzyme-2» в хлопководстве в различных регионах Республики и в Республике Каракалпакстан.

## **O'SIMLIKLARNI *IN VITRO* SHAROITIDA O'STIRISHDA O'SIMLIK QISMLARI VA MATERIALLARNI STERILLASH USULLARI**

Gulboyev D.T., Najmiyev I.F, Gulboyeva D.T, Gulboyeva Z.T.

Samarqand Davlat Universiteti  
shahzod.axanbayev@mail.ru

Yog'ochlik va yarim yog'ochli daraxtlarning mikropropagatsiyasi muommoli deb e'lon qilingan va virussiz materialni olish uzoq muddatli murakkab jarayon, virussiz zahiralarni olish uchun urug'larning virussiz novdalardan foydalanish zarur, shu



maqsadida ushbu iqtisodiy ahamyatga ega mevali daraxtlar uchun ko'plab *in vitro* tajribalari o'tkazildi.

Barcha o'simlik qismlari va to'qimalari yuza qismida ifloslantiruvchi mikroorganizmlar (bakteriya, zamburug', achitqilar kabi) bo'ladi va bunday yuzalarga yetarlicha vaqt davomida sterillovchi kimyoviy preparat bilan kerakli konsentratsiyada ishlov berish lozim. Turli dezinfeksiya vositalaridan foydalanish mumkin(1-2-jadval).

Soya, loviya, no'xat urug'lari, steril Petri likopchalar, steril suvli probirkalar, steril pintset, doka kopchalar, 0.1% li sulema eritmasi, 96% li etil spirti, 2 ta steril kimyoviy stakan, steril suvli kolba va 2-4-D steril eritmasi (10 mg/l).

Steril o'simtalar eksplantlar olish maqsadida kallus yoki shish kulturalariga o'tkazish uchun o'stiriladi. Qo'yiladigan tajribaning maqsadiga qarab urug'lar suvga yoki agarli oziqa muhitiga ekiladi.

Steril o'simtalardan foydalanishning ikki yo'li mavjud:

1) Differentsial to'qimalarni fitogormonlar tutuvchi oziqa muhitlariga o'tkazib differentsialanuvchi va intensiv poliferatsiya natijasida kallusli to'qimalar xosil kiluvchi eksplantlar olish:

2) Keyinchalik madaniylashtirish maksadida o'simtalardan birlamchi kallus olish uchun ularni fitogormon tutuvchi oziqa muhitiga steril sharoitda utkazish.

No'xat, loviya va soya o'simlik urug'larini sterillashda 20 ta xar xil sog'lom urug'lar saralab olinadi. Ular oldin sovunli eritmada, so'ngra vodopravod suvida va distillangan suvda yaxshilab yuviladi. Yuvilgan urug'larni doka kopchalarga joylab 25 daqiqa 96% li spitrga solinadi, suvda yaxshilab yuvib 0,1% li sulema eritmasida 10 daqiqa sterillanadi va oxirida besh marta yaxshilab steril suvda chayiladi.

Tajribalar laminar - boksdan olib boriladi. Steril pintset bilan tagiga filtr qog'oz solingan Petri likobchalariga 10 tadan urug' solinadi va 10 ml steril suv qo'yiladi.



Nuxat, loviya va soya urug`lari o`stirishga tayyorlangan probirkadagi suv paxta tiqinlar bilan yopilgan bo`lib, 20 daqiqa 2 atmosfera bosimda avtoklavda sterillangan bo`lishi kerak. Urug`lar solingan Petri likobchalari 25 °C xaroratdagi termostatga qo`yiladi. Ikki kundan so`ng (urug`lar ungandan so`ng) Petri likobchalarning biridagi suv 2,4-D ning steril eritmasiga (10 mg/l) almashtirib qo`yiladi. Bir haftadan so`ng natijalar ko`riladi va chizib olinadi (suvda va 2,4-D eritmasidagi o`simtalar). 2,4-D eritmasidagi o`simtaning qayerida kallus hosil bo`lganligi belgilanadi.

### ***IN VITRO* ШАРОИТИДА ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛИТЛАР СИНТЕЗИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

Жамалова Д.Н., Мустафина Ф.У.

ЎзР ФА Ботаника институти  
dilafruz.jamalova.91@mail.ru

Ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши табиий ресурсларга зарар етказмаган ҳолда биологик фаол моддалар манбаини топишни тақозо этади. Биологик фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболизм маҳсулотлари олишнинг қўшимча манбаи сифатида *in vitro* шароитида кўпайтирилган ўсимлик тўқимаси хизмат қилиши мумкин. Бундай манбаа нафақат, доривор таъсири, фармакологик хусусиятлари, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, жумладан озиқ - овқат, атир - упа саноати ва қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 600 га яқин ўсимлик тури анъанавий тиббиётда қўлланилиб келинади, шундан фақат 200 га яқини кимёвий жихатдан ўрганилган. Сўнгги йилларда, ўсимлик тўқимаси культураларида иккиламчи метаболизм маҳсулотларини идентификация қилишга қаратилган тадқиқотлар кўплаб олиб борилмоқда. *in vitro* шароитида кўпайтирилган хужайра култураларида иккиламчи метаболитлар миқдорининг пастлиги асосий камчиликлардан



биридир. Буни қуйидагича изохлаш мумкин: Сунъий *in vitro* шароитида иккиламчи метаболизмга алоқадор генетик ахборот амалга ошириливи қобилятининг маълум даражада йўқолишидир. Албатта, ўсимлик оламида сунъий шароитда ҳам, табиатдагидек ёки ундан ортиқ миқдорда моддалар синтезланган ҳолатлар ҳам учрайди. Қимматли биологик фаол моддалар олишда ўсимлик культураларининг маҳсулдорлигини оширишнинг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган усуллари ишлаб чиқиш зарур.

Ўсимлик ҳужайра ва тўқима культураларида иккиламчи метаболитлар синтезига таъсир этувчи омиллар жуда кўп, лекин *in vitro* шароитида иккиламчи метаболизмни бошқаришнинг асосан икки: физиологик ва генетик йўли мавжуд. Физиологик бошқарилувнинг асосида иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлишини оптималлаштирувчи кимёвий ва физик шароитларни ўрганиш ётади. Озиқа муҳитларининг таркибига (ўсиш регуляторлари, углерод манбаи, минерал моддалар ва ҳк.), культивирлашнинг ташқи омилларига (ёруғлик, ҳарорат, аерация) жиддий эътибор қаратиб, ҳам культуралар ўсишига, шу билан бирга улардаги иккиламчи метаболитлар синтезини оптималлаштириш муҳим шартлардан биридир. Иккиламчи метаболит маҳсулотлари (кумарин, терпен ва терпеноидлар, алкалоидлар, фенол бирикмалар) турлича табиатга эга бўлиб, ҳар бирининг синтези турлича шароитни талаб этади. Масалан, ёруғликнинг интенсив оширилиши кумаринлар синтезланишини оширади, шу билан бирга айрим кумаринлар ўсиш ингибиторларидир ва аксинча, айримлари уруғ униб чиқишини стимуллайди. Максимал ўсишни таъминлайдиган озиқа муҳити таркиби, иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлиши учун керакли бўлган озиқа муҳити таркибидан фарқ қилади. Шунинг учун амалиётда кўпинча икки фазали культивирлаш усули қўлланилади. Бунда, биринчи босқичда ҳужайралар стандарт муҳитда ўстирилади, ўсиш ва биомассани тўплаш учун зарур бўлган



оптимал шароит яратилади, иккинчи босқичда, уларни продуцирловчи муҳитга кўчирилади. Шундан сўнг, ҳужайралар метаболизми иккиламчи метаболизм маҳсулотлари синтези томонга йўналади.

Сўнгги йилларда, биологик фаол моддалар синтезини ошириш мақсадида ўсимлик ҳужайра ва тўқималарини иммобиллаш усули амалга оширилмоқда. Иммобилланган ўсимлик ҳужайраларида физиологик фаол моддалар биосинтези натив ҳолатга нисбатан юқори фаоллик ва катта тезликда кетади. Бундай ҳужайралардан фойдаланиб, ўсишнинг нисбатан давомли стационар фазасида биомасса тўплаш, ўз навбатида, ўсишнинг паст тезликда бориши, ҳужайраларнинг ташувчи билан ўзаро таъсирлашиши, юқори даражада иккиламчи метаболитлар чиқишини, агрегация жараёни ва генетик ўзгаришларни енгиш ҳамда меҳаник турғунликни таъминлайди.

Шундай қилиб, *in vitro* шароитида кўпайтирилган ўсимлик ҳужайраларида БФМ ларни етарли миқдорда синтезланиши, бундан ташқари ушбу моддаларни тоза ҳолатда ажратиб олиш муҳим жараёнлардан бири саналади.

## **САЛМОНЕЛЛА ПОЛИВАЛЕНТ БАКТЕРИОФАГИ – “MEDIPHAG”НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

Жуманиязова М.Б., Давранов Қ.

ЎзР ФА Микробиология институти  
microbio@academy.uz

Микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамлилиги тобора ортиб бораётган шароитда бактериофаглар тиббиёт амалиётида кўпроқ ўрин эгаллай бошлади. БЖССТ (Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти) томонидан антибиотикларга чидамлилиги юқори кўрсаткичларни намоён қилган, супербактериялар деб қайд қилинган бактериялардан бири сальмонеллалар



бўлиб, улар организмда ўткир ичак ҳасталигини келтириб чиқаргани боис, Республикамиз ҳудудида учрайдиган штаммлар асосида “Салмонелла поливалент бактериофаги – “Mediphag” суюқ ва капсула кўринишида ишлаб чиқилди. Ушбу даволовчи бактериофаг Ўзбекистонда R№ DV/M 02782/10/19 рақам асосида рўйхатдан ўтказилди.

Дори воситаси ҳисобланган бактериофаг- тегишли лизис қилинган микробларнинг бульон культураси филтратидир. Бактериофаглар суюқ ва қурук ҳолатда лаборатория ва саноат усулларида олинади. Лаборатория шароитида бактериофаларни ажратиш учун текшириладиган материал (сув, йиринг, нажас, тупроқ ва бошқалар)лардан фойдланилади.

Суюқ Сальмонелла поливалент бактериофагини ишлаб чиқаришнинг технология жараёни беш босқичдан иборат: 1) маълум турдаги бактериофагларни ишлаб чиқариш учун штаммларни танлаш; 2) тегишли бактериофаглар олиш; 3) суюқ бактериофагни тайёрлаш; 4) тайёр маҳсулотнинг стериллиги, зарарсизлиги, литик фаолликларини аниқлаш учун назорат қилиш; 5) препаратни қадоқлаш.

Бактериофаг дори воситаларини назорат қилиш - тозаллиги, фаоллиги, ўзига хослиги, тозаллиги, зарарсизлиги, литик фаоллиги (вирулентлиги)ни аниқлаш учун амалга оширилади. Бактериофагнинг тозаллиги озучавий муҳитга экиш, бактериал микрофлорани аниқлаш учун 37 °Сда термостатда ва 24 °Сда замбуруғ микрофлорасини аниқлаш орқали текширилади. 8 кундан кейин микроорганизмлар аниқланмаса, дори воситаси тоза деб ҳисобланади.

Бактериофагларнинг фаоллиги ва ўзига хослиги суюқ ва қаттиқ озуча муҳитида Аппелман ва Грация усуллари ёрдамида аниқланади. Агар синов натижалари ишлаб чиқариш ва бошқариш бўйича тегишли ҳужжатлар талабларига мос келмаса, бундай препаратни сотувга чиқарилиши шарт эмас.

Дори воситасининг зарарсизлиги – лаборатория ҳайвонларига тери остига 1



млдан фағни юбориш орқали текширилади. Ҳайвонларни кузатиш 7 кун давомида амалга оширилади, агар дори зарарсиз бўлса, ҳайвонлар соғлом ва сергак бўлиб қолади.

Юқумли касалликларни даволашда антибиотиклар ўрнида бактериофагларни қўллаш жуда яхши натижаларни берётгани деярли барча адабиётларда ўз тасдиғини топган.

## **СОЗДАНИЕ ОЦИФРОВАННОЙ БАЗЫ ДАННЫХ КОЛЛЕКЦИИ ПРОМЫШЛЕННО-ВАЖНЫХ МИКРООРГАНИЗМОВ**

Зайнитдинова Л.И., Жураева Р.Н., Куканова С.И., Лазутин Н.А.

Институт микробиологии АН РУз  
zajn-lyudmila@yandex.ru

Биологические коллекции и, в частности коллекции микроорганизмов, считаются национальным достоянием и рассматриваются, в том числе, как материальные резервы или активы. В Институте микробиологии АН РУз функционирует уникальный объект, который является единственным в Республике хранилищем непатогенных микроорганизмов. Культуры микроорганизмов коллекции института включают микроорганизмы 4 групп: бактерии, микроскопические грибы, дрожжи и актиномицеты и представлены как единичными штаммами (чистыми культурами), так и сериями изолятов (ассоциациями). Деятельность коллекции направлена на изучение, сохранение и рациональное использование разнообразия микроорганизмов Республики Узбекистан. Для поддержания, функционирования и развития коллекции необходимо постоянно совершенствовать методы, осуществляющие эти функции.

Трудно переоценить роль и значение коллекций микроорганизмов. Микроорганизмы–продуценты являются основой любого процесса



микробиологического синтеза. При этом широко используются микроорганизмы, отнесенные к различным таксономическим группам (бактериям, грибам, актиномицетам и др.) и существенно отличающиеся друг от друга по морфологии, размерам клеток, потребности к ростовым факторам, способности ассимилировать различные субстраты. Поэтому не случайно проблема долгосрочного хранения микроорганизмов без утраты их свойств признана первостепенной во всех странах мира.

Для расширения услуг коллекционного фонда и предоставления информации для широко круга пользователей нами создается электронная база данных. Доступность оцифрованных коллекций повысит возможности использования ценных штаммов в новых технологиях и обеспечит глобальный доступ с помощью функционально развитых сервисов к создаваемым электронным коллекциям цифровых баз данных.

Формирование цифровых баз данных коллекций базируется на обоснованном выборе основного объекта, являющегося содержательным ядром массива. Создаются электронные базы на основе электронных документов, содержащих информацию о штаммах. Библиотеки включают этап каталогизации – отражение электронных копий документов, входящих в электронную коллекцию, в электронном каталоге или базе данных, который включает: создание библиографических записей на электронные пользовательские копии документов в БД; внесение в библиографическую запись информации об (адресе) электронной пользовательской копии документа на сервере баз данных; каталогизацию электронных материалов по различным видам микроорганизмов (таксономия, номенклатура, биотехнология, вопросы биобезопасности и др.).

Организация доступа к документам электронной коллекции зависит от того, в состав какого фонда они входят. Очевидно, что электронная коллекция будет



интегрирована в международную поисковую систему и сведения по культурам нашего фонда включены в Глобальный электронный каталог микроорганизмов. Электронная форма публикации, как правило, имеет преимущества перед напечатанной, поскольку она лучше по скорости доступности, гораздо дешевле и обеспечивает доступ к хранящейся информации. В результате проведенных суммарных исследований коллекционных культур микроорганизмов, разработанный нами каталог будет оказывать помощь многим исследователям в дальнейшей работе. Электронный каталог является нашим первым реальным шагом в консолидации научных усилий в системе Академии наук Республики Узбекистан.

## **ВЫДЕЛЕНИЕ И СКРИНИНГ ФОСФОРМОБИЛИЗУЮЩЕЙ СПОСОБНОСТИ РИЗОБАКТЕРИЙ ПШЕНИЦЫ**

Закирьяева С.И., Кадырова Г.Х., Шакиров З.С., Атаджанова Ш.Ш.

Институт микробиологии АН РУз  
szakiryeva@mail.ru

Пшеница (*Triticum aestivum* L.) – одна из наиболее распространенных зерновых культур на земном шаре. В настоящее время необходим поиск новых более экологизированных и биологизированных подходов при возделывании пшеницы, определению более рациональных путей использования природно-климатических ресурсов, использования биологических средств воздействия на микробиологическую активность почвы для борьбы с болезнями и вредителями на посевах пшеницы. К таковым относятся препараты на основе штаммов PGPR (от *Plant Growth-Promoting Rhizobacteria* - ризосферные бактерии, способствующие росту растений), обладающие комплексом полезных свойств и благотворно влияющие на рост, развитие и продуктивность растений.

Использование потенциала ризосферных микроорганизмов, способных к



мобилизации элементов питания из минеральных соединений почвы, является важным фактором повышения урожайности сельскохозяйственных культур. Функция почвы, как источника элементов питания и физиологически активных соединений тесно связана с деятельностью ризосферных микроорганизмов, которые играют определяющую роль в обеспечении растений доступными соединениями биогенных элементов азота, фосфора, калия и микроэлементов.

Исходя из вышесказанного, целью исследований является выделение, скрининг и изучение фосформобилизующей активности местных штаммов ризобактерий пшеницы.

Объектом исследования являлись ризобактериальные изоляты выделенные в чистую культуру из ризосферы пшеницы сорта «Туркистан» в фазе всходов, выросших в полевых условиях. Выделение бактериальных культур из ризосферы пшеницы проводили на мясо-пептонном агаре (МПА) и на твердой безазотистой среде Эшби, методом предельных микробиологических разведений. Качественный тест на фосформобилизующую активность проводили путём высева на среду Пиковской с трикальцийфосфатом в присутствии индикатора.

Из ризосферы пшеницы выделено в чистую культуру 32 штаммов PGPR. Проведен скрининг ризобактерий по фосформобилизующей активности. Для скрининга был проведен качественный тест на кислотообразующую способность выделенных культур ризобактерий на среде Пиковской с индикатором. Наиболее активными по кислотообразованию в ранние сроки инкубации оказались 6 культуры ризобактерий - № 1R, 5R, 6R, 24R, 25R и 27R, которые на 1-3 сутки опыта оказались на 100% кислотообразующими культурами. У № 12R и 20R культур процесс кислотообразования начинается с 1 сутки (60-70%), на 7 сутки зоны лизиса индикатора составляет 100%. Культуры № 9R, 10R, 22R, 23R, 30R и 31R показали 100% кислотообразование на 15 сутки эксперимента. Наименьшей



кислотообразующей активностью обладают культуры № 7R и 21R, которые показывают 100% кислотообразование на 25 сутки проведенных экспериментов.

Таким образом, из ризосферы пшеницы были выделены 32 штаммов и в результате скрининга по кислотообразующей способности были отобраны наиболее активные штаммы ризобактерий. Известно, что к комплексу положительных эффектов, оказываемых PGPR-бактериями на растения, принадлежит и их способность трансформировать недоступные соединения фосфора, содержащее в почве, так как микроорганизмы, растворяющие фосфаты, способствуют росту и развитию растений.

## **ВЫДЕЛЕНИЕ И СКРИНИНГ РОСТ-СТИМУЛИРУЮЩИХ ШТАММОВ ЭПИФИТНЫХ БАКТЕРИЙ ОГУРЦА**

Закирьяева С.И.<sup>1</sup>, Икрамов У.И.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Институт микробиологии АН РУз

<sup>2</sup> Ташкентский Государственный Аграрный Университет  
szakiryeva@mail.ru

Надземные части живых растений, включая листья, стебли, бутоны, цветы и плоды, называются филлосферой и являются средой обитания микроорганизмов. Микроорганизмы, развивающиеся на поверхности растений, получили название «эпифитов».

Эпифитным микроорганизмам не придавали большого значения, считая, что их присутствие на поверхности листьев никак не отражается на жизнедеятельности растений и что их состав ограничивается несколькими видами. Среди микроорганизмов филлосферы преобладают бактерии. На 1 г зеленой массы растения может приходиться до 1-10 млн. клеток бактерий. Микробы-эпифиты не паразитируют на растении, а растут за счет нормальных выделений его тканей и имеющихся на поверхности растений небольших



количеств органических загрязнении.

Эпифитные бактерии оказывают влияние на рост и развитие растений, а также существенно влияют на урожайность растений, так как находятся в теснейшем контакте с растением в течение всего вегетационного периода.

К настоящему времени изучено и доказано положительное влияние многих корневых и почвенных микроорганизмов. В полной мере не изучены многие стороны взаимоотношений эпифитных микроорганизмов с растениями. Бактерии рода *Pseudomonas*, обитающие на поверхности филлосферы многих овощных культур, способны синтезировать стимуляторы роста растений, такие как ауксин, гибберелин, цитотоксин.

В связи с вышеизложенным, целью исследований являются выделение, скрининг и изучение ростстимулирующих штаммов эпифитных бактерий огурца.

Объектом исследования являлись эпифитные изоляты, выделенные из листьев и стеблей огурца сорта «Биби» и «Орзу». Культивирование изолятов эпифитных бактерий проводили в аэробных условиях на питательной среде МПБ при  $t=35\pm 2^\circ\text{C}$ , в течение 72 часов.

Из листьев и стеблей огурца сорта «Биби» и «Орзу» выделено 35 изолятов эпифитных бактерий. Проведен скрининг изолятов по ростстимулирующей активности. В результате наших экспериментов было показано, что обработка семян изолятами эпифитных бактерий оказывают позитивный эффект на всхожесть семян огурца сорта «Орзу». Изоляты № 22Е, 27Е, 28Е, 29Е, 32Е, 34Е, 36Е, 37Е, 40Е, 41Е и 42Е стимулировали всхожесть на 100% (соответственно) по сравнению с контролем (60%) без обработки. Установлено, что ростстимулирующей активности обладают 21 изолятов из 35. Наиболее высокую ростстимулирующую активность в отношении надземной части растений проявляли изоляты № 17Е, 23Е, 28Е, 31Е, 36Е, 41Е, 47Е и 49Е.



Ростстимулирующая активность изолятов эпифитных бактерий в отношении надземной и подземной части семян огурца сильно отличается. Часть изолятов (№ 19E, 22E, 25E, 29E, 40E, 48E и 51E) проявили ростстимулирующие свойства только в отношении подземной части растений.

Таким образом, из листьев и стеблей огурца сорта «Биби» и «Орзу» были выделены 35 штаммов и в результате скрининга были отобраны наиболее активные штаммы эпифитных бактерий. Обработка семян изолятами эпифитных бактерий оказывает достоверное стимулирующее действие. Результаты свидетельствуют, что данные изоляты являются перспективными для дальнейшего изучения с целью создания на их основе бактериального препарата.

## **БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР ҚАТОРИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ КРАУН-ЭФИРЛАРИНИНГ АЖРАТИБ ОЛИНИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИ**

Йўлдошева Р.Ж., Узоқова Ш.К., Чўлиев И.Н.

Қарши давлат университети

Бизга маълумки, кейинги йилларда кимё ва технологиянинг жадал суръатларда ривожланиши, янги турдаги кимёвий бирикмаларнинг яратилишига замин яратмоқда. Бу бирикмаларнинг кўпчилиги саноат ва халқ хўжалигининг турли соҳаларига қўлланилиши билан бирга, биология ва фармакологияда ҳам кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда.

Шундай қизиқишга сабаб бўлган моддалар сирасига краун-эфирларини киритиш мумкин. Органик кимё соҳасидаги охириги 10 йилликдаги энг диққатга сазовор ишлардан бири бу, краун-эфирларининг очилиши ва синтез қилиниши бўлди. 1967- йилда АҚШ олими Ч.Педерсон томонидан макроциклик бирикма – дибензо-18-краун-6 ажратиб олинди. Кейинчалик кимё соҳасида янги бирикма ажратиб олган ушбу тадқиқотчига 1987 йилда Нобел мукофоти тақдим этилди.

Кўпчилик кимёгар тадқиқотчиларнинг қизиқишларига сабаб бўлган краун-



эфирлар, ўз навбатида биолог ва фармакологларнинг ҳам қизиқишларига сабаб бўлди. Шу сабабли, ушбу тип моддаларнинг тирик организмларга таъсири ўрганилганда, уларда мембраноактив ва ионофорлик хоссалари борлиги аниқланган. Аммо ушбу бирикмаларнинг биологик ва фармакологик хоссалари ва таъсирлари яхши ўрганилмаган.

Краун-эфирлар ва бошқа синтетик ионофор моддалар, ионофор антибиотикларнинг энг содда вакиллари ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларни структуравий ва функционал таҳлил қилиш унча мураккабликлар туғдирмайди. Бу уларни осон синтез қилиниши ва унча мураккаб бўлмаган структуравий тузилиши ҳамда молекуласининг йирик эмаслигига боғлиқ бўлса керак деб тахмин қилинмоқда.

Краун-эфирлар - макроциклик (олигомер) бирикмалар бўлиб, таркибида такрорланувчи этиленоксид ( $-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{O}-$ ) қисмларига эга, баъзан кислород атомларининг бир қисми Н ёки С атомларига алмашган бўлади. Краун-эфирларининг кашф этилиши ва синтези замонавий органик кимёнинг ютуқларидан биридир.

1967 йилда Америка Қўшма Штатлари олими Ч. Педерсен макроциклик бирикмаларнинг янги вакили – краун-эфирларни (дибензо-18-краун-6) синтез қилди. Кейинчалик ушбу олимга 1987 йилда Нобел мукофоти тақдим этилди. Ч.Педерсен каучуклар, нефть мойлари ва резиналарнинг стабилизаторларини ўрганган. Стабилизаторларнинг вазифаси антиоксидантларнинг оз миқдордаги металл қолдиқлари иштирокидаги парчаловчи таъсирини йўқотишдан иборатлигини аниқлаган. Дезактиватор – қўшимча маҳсулот сифатида ванадий  $\text{VO}^{2+}$  катионини синтез қилиш жараёнида Педерсен қўшимча маҳсулот сифатида ҳалқасида 12 та С ва олтига  $\text{O}_2$  атомлари тутган макроциклик бирикмани ажратган. Кейинчалик у 60 дан ортиқ полиэфирларни синтез қилишга эришган.



Улар таркибида  $O_2$  атомлари сони 4-20 ва ҳалқалари 12-60 аъзоли бўлган бирикмалар эди. Ушбу моддалар таркибида  $O$  атомлари ҳалқа текислигидан бир томонга чиққан бўлиб, бу металл катионлари билан боғланишлар ҳосил қилиш хоссасига эга. Ўз “бағрига” металл катионларини жойлаштириш – “тож кийдириш” қобилиятини ҳисобга олиб, Педерсен уларни краун бирикмалар деб аташни таклиф этган (*инглизчада – crown - тож*).

Таркибида оддий эфир C-O-C фрагменти тутган дихлоралканларнинг полиэтиленгликол билан конденсацияси ҳалқаланиш билан бориб, краун-эфир ҳосил бўлади. Дастлабки моддаларнинг занжир узунлигига боғлиқ равишда турли ўлчамдаги краун-эфирлар синтез қилинади.

Азот тутган краун-эфирларни эфир гуруҳлари сақлаган диаминларнинг дикарбон кислоталар хлорангидридлари билан конденсацияси натижасида олиш мумкин. Бундан дастлаб циклик амидлар ҳосил бўлади, улардаги карбонил гуруҳни қайтариб краун-эфир олинади.

### **TRICHODERMA SP 4 ЗАМБУРУҒ ШТАММИ УЧУН ОПТИМАЛ ОЗУҚА МУҲИТИ ТАНЛАШ**

Каримов Ҳ.Ҳ., Тураева Б.И., Азимова Н.Ш., Хамидова Х.М.

ЎзР ФА Микробиология институти  
husniddin\_karimov@gmail.com

Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва самарали ҳосил олиш, экологик тоза биологик препаратлар қўлланилиши ҳисобига амалга оширилади. Ҳозирги кунда кимёвий воситаларнинг мунтазам қўлланилиши фитопатоген микроорганизмларнинг мослашувчанлигини ошиши ва яшовчанлигининг ортишига олиб келди. Фитопатоген микроорганизмлар қишлоқ хўжалигига ва атроф муҳитга ҳамда тупроққа катта зарар етказди. Уларга қарши курашиш антагонист штаммларни излаш ва биотехнологик усуллар орқали биопрепаратлар



яратишни талаб этади. Бугунги кунда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва фитопатогенларга қарши биологик воситалар орқали курашиш усуллари кенг қўламда олиб борилмоқда.

Биотехнологик усуллар асосида яратилган биологик препаратларни ишлаб чиқишда, микроорганизмлар ферментация шароитларига, Масалан, озуқа муҳитларини танлаш, инокулюм миқдорини белгилаш, оптимал ўсиш шароитларини (ҳарорат, муҳитнинг рН қиймати, аэрация) танлашга эътибор қаратилиши лозим. Бундай муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим жиҳати оптимал озуқа муҳитини танлаш ва унинг таркибий қисмларини микроорганизмларнинг ривожланиш параметрларига таъсир даражасини аниқлашдир. Микроорганизмларнинг етарлича тез ўсиши ва ривожланиши озуқа муҳитининг барча омилларини тўғри танланиши билан боғлиқ. Шунингдек микроорганизмларда биологик фаол моддалар синтезининг фаоллашишига олиб келади. Микроорганизмлардан *Trichoderma* туркуми микромицетлари фитопатогенларга нисбатан юқори антагонистик хусусияти ва биологик фаол моддаларни синтезловчи тур сифатида қайд этилади.

*Trichoderma* sp 4 штамми учун оптимал озуқа муҳитини танлаш ва морфологик-культурал хусусиятларини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. *Trichoderma* sp 4 микромицет штамми картошка декстрозали агар (КДА), сабуру, Чапек, Мандельс, крахмал-аммиакли агар (КАА), суслоли-агар, сояли казеин, агарли сут зардоби озуқа муҳитларига экилди ва 28-30°C ҳароратдаги термостатга қўйилди.

Тадқиқотнинг 4-кунида озуқа муҳитларида КДА -90 мм, Сабуру-79 мм, Чапек-72 мм, Мандельс-75 мм, КАА-55 мм, Суслоли агар-90 мм, Сояли казеин-47 мм, агарли сут зардоби-32 мм ҳажмдаги колониялар ҳосил қилиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра *Trichoderma* sp 4 замбуруғ



штаммнинг КДА озуқа муҳитида тез ўсиши, 3 кунда ҳосил қилган колониянинг маркази тўқ яшил рангда бўлиши, четларига томон оч яшил ва оқ рангларга ўтиши кузатилди. Тадқиқотнинг 4-кунида микромицет колониялари Петри чашкасининг юзасини бутунлай қоплаб ривожланиши донадор-ҳалқа шаклидаги мицелийларнинг ҳосил бўлиши ва тўқ яшил рангга кириши аниқланди.

Сабуро, суслоли-агар, Чапек ва Мандельс озуқа муҳитларида КДА озуқа муҳитига нисбатан секин ўсиши, Петри чашкаси юзасини тадқиқотнинг 5-кунида қоплаши, мицелийларнинг оч яшил ва оқ рангда ривожланиши кузатилди. Крахмал аммиакли агар (КАА) ва сояли казеин озуқа муҳитларида *Trichoderma* sp 4 замбуруғ штаммининг нисбатан секин ривожланиши, 2-кунда кўримсиз оқ рангдаги донадор яшил рангли мицелий ҳосил қилиши ва Петри чашкаси юзасини 6-кунда қоплаб ўсиши кузатилди. Микромицетнинг Сояли казеин озуқа муҳитида жуда секин ривожланиши ва оқ рангдаги мицелий ҳосил қилиши аниқланди. Иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка эришиш ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш мақсадида агарли сут зардоби озуқа муҳитидан фойдаланилганда, тадқиқотнинг 3 ва 4 кунида деярли кўзга кўринмайдиган оқ рангдаги мицелий, 6-кунида донадор оқ ва сариқ рангли момиқ Петри чашкаси юзасини бутунлай қоплаган қуюқ мицелийлардан иборат доира шаклидаги колония ҳосил қилиши аниқланди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, *Trichoderma* sp 4 замбуруғининг КДА озуқа муҳитида жуда тез ривожланиши, конидияларнинг тўқ яшил рангли пигмент ҳосил қилиши, донадор мицелийларнинг радиал нур ва ҳалқа ҳосил қилиши ва 4-кунда Петри чашкаси юзасини бутунлай қоплаши аниқланди.



## **ХЛОРПИРИФОС ПЕСТИЦИДИ ҚОЛДИҚ МИҚДОРНИНГ МИКРООРГАНИЗМЛАР ТОМОНИДАН ПАРЧАЛАНИШ ЖАРАЁНИ**

Қосимов Д.И., Зайнитдинова Л.И., Куканова С.И., Эргашев Р.Б.

ЎзР ФА Микробиология институти,  
diyoy-qosimov91@mail.ru

Қишлоқ хўжалик далаларида пестицидлардан фойдаланиш нафақат мақсадли зараркунандаларга, балки тупроқ микроорганизмлари билан таъсирлашадиган тупроққа таъсир этади, бу эса тупроқдаги микроб хилма-хиллигининг ўзгаришига олиб келади. Фосфоорганик инсектицидлар юқори самарадорлиги ва экологик чидамлилиги пастлиги туфайли қишлоқ хўжалигида хлорорганик инсектицидлари ўрнини босувчи сифатида тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бу синф пестицидлари ацетилхолинэстераза ферменти фаоллигини ингибирлайди, шу билан бирга ўткир нейротоксикликка эга, одамларда заҳарланганда эса турли клиник таъсирлар юзага келиши мумкин.

Хлорпирифос айниқса, 1960 йил АҚШ да ишлаб чиқилган бўлиб, пахта далалари, шоли майдонлари, яйловлар, сабзавот экинлари ҳамда мевали дарахтларда учрайдиган ҳар хил зараркунандаларга қарши кенг қўлланилади. Ушбу пестициддан кенг фойдаланиш сув ва тупроқнинг ифлосланиши ва биогеокимёвий циклларнинг бузилишига олиб келади.

Пестицидларнинг атроф-муҳитга зарарсиз кўринишга олиб келадиган усуллардан бири биоремедиация ҳисобланади. Ушбу усулда микроорганизмлар ўзларининг биокимёвий потенциалидан фойдаланган ҳолда пестицид дастлабки структурасини бузади бунинг натижасида ҳосил бўлган метаболитларни зарарсиз кўринишга олиб келади. Хлорпирифос пестициди қолдиқ миқдорининг микробиологик парчалаш бўйича биз олиб борган лаборатория тадқиқотлари ушбу пестицидни микробли парчалаш имкониятларини кўрсатиб берди. Ишда биогазли қурилма шлами ҳамда азотобактер культурал суяқлигидан



фойдаланилди.

Хлорпирифосни 30 кун мобайнида микроорганизмлар томонидан парчаланиш жараёнида биогазли қурилма шлами юқори фаолликка эга бўлди – 90.9 %. Азотобактер культурал суюқлиги билан ишлов берилганда бу кўрсаткич 77.15 % ни ташкил этди.

## **ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Қурбонмуродова М.Б.<sup>1</sup>, Қурбонмуродов Ф.Б.<sup>2</sup>, Мухаммадиев Б.Қ.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тошкент давлат аграр университети

<sup>2</sup> Астрахан давлат техника университети Тошкент филиали  
mukhammadiev68@mail.ru

Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бормоқда. Суғориладиган тупроқларни асраш, агротехник, агромелиоратив ва бошқа тадбирларни қўллаш орқали экологик ҳолатни соғломлаштириш, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, унинг унумдорлигига зарар етказувчи ҳар қандай салбий жараёнларни келтириб чиқарган оқибатларини бартараф этиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, тупроқ-иқлим шароитлари, тупроқ унумдорлигига гербицидларнинг таъсири, тупроқни соғломлаштириш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда микробиологик, экологик тоза ва арзон биологик ўғитлардан фойдаланиш, тупроқда кенг тарқалган замбуруғларни аниқлаш ва улардан биологик фаол вакиллари ажратиш олиш ва уларнинг бу хусусиятларига гербицидларнинг, қуёшдан келадиган УВ нурларнинг, турли эритувчи ферментларнинг, йил фаслларининг, ўсимликлар дунёсининг таъсирини ўрганиш, энг фаол намоёндаларидан ўсимлик чиқиндиларини биоконверсия қилишда ишлатиб тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ҳамда чорвачилик



соҳаси учун юқори тўйимлик ва ҳазмланиш сифатига эга омукта ем тайёрлаш ишлари олиб бориш масаласи долзарб ҳисобланади. Республикамининг баъзи худудлари тупроқ микобиотаси, уларга турли табиий-иқлим шароитларини, ўсимликлар дунёсининг ҳамда тупроқ замбуруғларининг биокимёвий фаолиятларига гербицидларнинг таъсирини, замбуруғларнинг тарқалиш қонуниятларини, тупроқ унумдорлиги ҳамда пахта ва ғалла экинлари ҳосилдорлигини оширишда ушбу замбуруғлар асосида тайёрланган микробиологик ўғитлар самарадорлигини ўрганиш, шунингдек энг фаол тупроқ замбуруғларининг целлюлаза ва оксил продуцентларидан фойдаланиб паррандачилик учун тўйимли, арзон, озукавий қиймати балансланган биологик ем қўшимчасини олиш технологисини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш. Мазкур ишни амалга оширишда замонавий агрокимёвий, микробиологик, микологик, биотехнологик, спектрофотометрик, биокимёвий, зоотехник усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотлар натижасида тупроқ унумдорлигининг ошиши ундаги микобиоталарнинг фаолияти билан узвий боғлиқлиги исботлаб берилди, тупроқ микобиотларининг сонига, тарқалишига, уларнинг тур таркибига ва ривожланишига, биоэкологик, биокимёвий хусусиятларига, табиий-иқлим шароитларининг ҳамда гербицидларнинг таъсир ўрганилди, тупроқ унумдорлиги, ғўза ва ғалла ҳосилдорлигини оширишда таркиби микроорганизмлардан иборат бўлган биологик ўғитини дала синовлари ўтказилди ва амалиётда қўллашга тавсия қилинди. Республиканинг 3 хил (жанубий, жанубий-ғарбий, шимолий) худудларидан баҳор, ёз ва куз фасларида тупроқдан 149 та замбуруғ изолятлари ажратиб олиниб, тупроқларнинг микологик таҳлили ўтказилди, гербицидларнинг ишлатилиши энг аввало тупроқ микобиотаси, хусусан замбуруғларга салбий таъсир этиши аниқланиб, уларнинг тупроқдаги мавжуд 81 та туридан гербицид таъсирида 55 тургача камайиши, яъни 26 та замбуруғ турларининг йўқолиб кетишига олиб келиши тасдиқланган, тупроқ замбуруғлари ва уларнинг биологик фаоллигига гербицидларнинг,



куёшдан келадиган ультрабинафша нурларнинг ва тупроқдаги эритувчи ферментларнинг таъсири ўрганилган, табиий манбаълардан олинган намуналардан энг фаол замбуруғ культуралари аниқланиб, фаол продуцентлар ажратиб, тозалаб олинган, фаол тупроқ замбуруғларининг биологик хусусиятлари қиёсий таққосланиб, улардан ўсимлик чиқиндилари асосида биологик фаол қўшилмалар тайёрлаш регламенти ва технологияси яратилган, микологик маҳсулот биохавфсизлиги, озуқавий қиймати ва туйимлилик даражаси асосида паррандалар учун балансланган биологик фаол қўшилма (БФҚ) яратилган.

## ПОДБОР ОПТИМАЛЬНЫХ ЗНАЧЕНИЙ pH ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ СРЕДЫ ДЛЯ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ ШТАММОВ МОЛОЧНОКИСЛЫХ БАКТЕРИЙ

Кутлиева Г.Ж., Элова Н.А., Закирьяева С.И.

Институт микробиологии АН РУ  
[szakiryeva@mail.ru](mailto:szakiryeva@mail.ru)

Молочнокислыми бактериями (МКБ) принято называть микроорганизмы, которые способны сбразивать углеродсодержащие субстраты с образованием молочной кислоты. Их объединяют в сем. *Lactobacillaceae*. Наиболее известные виды лактобацилл: *Lactobacillus amylophilus*, *L. bavaricus*, *L. casei*, *L. maltoromicus* и *L. salivarius*. Коммерческую ценность представляют те штаммы, которые выдерживают высокие концентрации молочной кислоты при сохранении продуктивности, и которых возможно подвергать генно-инженерным модификациям для селективного получения D-или L-молочной кислоты. Некоторые МКБ, например, представители родов *L. plantarum* и *L. casei* содержат гены, кодирующие синтез ферментов аэробного дыхания, и способны переходить к аэробному дыханию при добавлении гем-содержащих компонентов в питательную среду.



Оптимальные условия культивирования различаются в зависимости от вида МКБ. Методы оптимизации по-прежнему остаются актуальными для совершенствования процессов культивирования молочнокислых бактерий.

В связи с этим, целью исследования являлась подбор оптимальных значения рН среды для выращивания пробиотических культур МКБ в разработанной производственной среде.

Объектом исследования служили 8 местных штаммов рода *Lactobacillus*, выделенные из различных природных источников и кисломолочных продуктов, 1 штамм бифидобактерий и 1 штамм энтерококков.

Все культуры восстанавливали пересевом в МРС-бульон и инкубацией при 37°C в течение 24 часов. Разработанная производственная среда заседалась инокулятом в объеме 3% от объема засеваемой среды. Культивирование испытуемых культур проводили глубинно в режиме аэрирования со скоростью вращения мешалки 60 об/мин. В опытах стандартный МРС-бульон использовался в качестве контроля. Количество жизнеспособных клеток пробиотических культур (КОЕ/мл) подсчитывали при помощи высева последовательных десятикратных разведений исследуемой суспензии микроорганизмов на агаризованную среду МРС.

При подборе оптимального значения рН производственной среды для выращивания штаммов приготовили среды с различными концентрациями водородных ионов: рН: 5,5; 6,5 и 7,0 ед. рН. МКБ по-разному проявляют способность накопления биомассы относительно изменению рН разработанной среды. При значении рН среды равного к 5,5 титр клеток колебался от  $7,1 \pm 0,18$  до  $9,6 \pm 0,32$  lg КОЕ/мл. У 50% исследованных культур титр клеток достигал до  $8,7 \pm 0,24$  lg КОЕ/мл. Только у двух культур *L. rhamnosus* о.с.3 и *Enterococcus faecalis* 1 титр клеток достигал до  $9,5-9,6 \pm 0,32$  lg КОЕ/мл. При выращивании



культур при рН 6,5 наибольший титр живых клеток ( $10,1-10,3 \pm 0,38$  lg КОЕ/мл) наблюдается у 3-х штаммов *L. casei* К7/3, *L. plantarum* АБ 18-1 и *L. rhamnosus* о.с.3. Для культуры *Bifidobacterium bifidum* 1 оптимальным значением рН разработанной среды является рН 7,0, при которой титр живых клеток составляет  $9,6 \pm 0,32$  lg КОЕ/мл. Разработанная производственная среда позволяла культуре *Enterococcus faecalis* 1 расти в широком диапазоне рН среды, во всех значениях рН титр клеток составлял  $9,2-9,6 \pm 0,32$  lg КОЕ/мл.

Таким образом, для культивирования пробиотических штаммов МКБ в разработанной производственной среде наибольший выход биомассы достигается при глубинном культивировании при температуре  $(37 \pm 1)^\circ\text{C}$  при начальной концентрации водородных ионов 6,5 ед. рН.

## **OZIQ-OVQATLARNI QADOQLASH UCHUN ANTIMIKROB FAOLIKKA EGA BIOPOLIMERLAR ASOSIDAGI MATERIALLAR VA ULARNING QO'LLANILISHI**

Mingnorov Sh.N., Djumaev A.I.

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti  
alisher.djumaev.1990@gmail.com

Oziq-ovqat mahsulotlari qayta ishlash, taqsimlash va saqlash kabi tashqi muhit omillari natijasida buziladi. Kundalik hayotda oziq-ovqat mahsulotlarining buzilishi asosan *Campylobacter*, *Salmonella*, *Yersinia enterocolitica*, *Escherichia coli* va *Listeria monocytogenes* kabi oziq-ovqat patogenlari va boshqa mikroorganizmlar sababli kelib chiqadi. Ular asosan oziq-ovqat yuzalarida o'sadi va ozuqa tarkibini bo'zilishiga sabab bo'ladi. Oziq-ovqat mahsulotlarini saqlashning an'anaviy usullariga muzlatish, sovutish, fermentatsiya, quritish, qo'shimchalardan foydalanish (masalan, organik kislotalar, tuzlar) va termik ishlov berish kiradi. Oziq-ovqat mahsulotlari va qadoqlash materiallari o'rtasidagi o'zaro aloqani, shuningdek, mikromuhitni ta'minlash



uchun "faol qadoqlash" yoki "aqlli qadoqlash" deb nomlangan yangi texnologiyalar joriy etilgan. Ushbu texnologiyalar oziq-ovqat mahsulotlarining yaroqlilik muddatini uzaytirishda quyidagi vazifalarni bajaradi: mahsulotlarni kislorod, namlik yoki etilendan tozalash; etanol va hidlarni yo'qotish; va mikroblarga qarshi faollik.

Hozirgi kunda antimikrob faollikka ega plyonkalar eng istiqbolli faol qadoqlash materiallari bo'lib, sintetik yoki tabiiy antimikrob vositalarni plyonkalarga kiritish yo'li bilan tayyorlanadi. Tabiiy antimikrob vositalar nisbatan xavfsiz va ularni ajratib olish oson. Ular olinadigan hayvonlar yoki o'simlik turlariga va miqdoriga qarab noyob yoki qimmat bo'lishi mumkin. Shu bilan birga, oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish va qadoqlashga bo'lgan talabning ortishi natijasida tabiiy antimikrob materiallarga bo'lgan talab ham ortdi. Oziq-ovqat mahsulotlarining qadoqidagi sintetik antibakterial komponentlar sifatida odatda etilen diamin tetraasetik kislota (EDTA), fungitsidlar, parabenlar va boshqa kimyoviy moddalar qo'llaniladi.

Hozirgi kunda oziq-ovqat mahsulotlarini patogenlardan himoya qilishda bir qancha antimikrob moddalar kiritilgan biopolimerlardan foydalaniladi. Masalan, faollashtirilgan qog'ozga dolchin moyini shimdirish orqali olingan qadoqlar kesilgan nonlarni *Rizopus stolonifer* zamburug'idan himoyalashda, makkajo'xori kraxmali va nizin antimikrob moddasi asosida tayyorlangan qadoqlar mahsulotlarni *Listeria monocytogenes*, *Colistridium perfringens* patogenlaridan himoyalashda, xitozan plyonkalariga kaliy sorbat va vanillin qo'shib tayyorlangan qadoqlar yog'li shirinliklarni mog'or zamburug'laridan himoyalashda, antimikrob modda sifatida limon kislotasi ishlatilgan baliq jelatini va xitozandan tayyorlangan kompozit plyonkalardan mahsulotlarni *Escherichia coli* patogenidan himoyalashda qo'llaniladi.



## ШЎРЛАНИШ СТРЕССИ ШАРОИТИДА РИЗОБАКТЕРИЯЛАР АСОСИДАГИ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Муродова С.С., Темирова М.Н.

Тошкент давлат аграр университети  
ssmuradova@rambler.ru

Замонавий зироатчилик тизимида ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш *PGP plant growth-promoting rhizobacteria* ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштирувчи ризобактериялардан иборат микроорганизмларидан фойдаланиш йўли билан уларнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, касалликлардан ҳимоя қилишда айни микроорганизмларни тижорат мақсадида ишлаб чиқариш ва улардан амалиётда фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Бундай препаратларни ишлаб чиқаришда бир қатор омилларни инобатга олиш даркордир. Уларга препарат қўлланиладиган нишондаги ўсимликни ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган PGP микроорганизмни танлаб олишдан бошлаб, тупроқ типи, маҳаллий микроб ҳамжамоалари, атроф-муҳит шароити, экин зичлиги, ташувчиларнинг яроқчилиги, тупроққа ишлов бериш, экинни етиштириш тизимининг интеграллашган бошқарилишига мувофиқлиги ва шу кабилар катта аҳамият касб этади.

Ўсимликлар билан ризобактерияларнинг ўзаро муносабати патогенларнинг ўсишини тўхтатиш (бионазорат), озуқа моддаларини ўзлаштирилишга ёрдам бериш (биоўғит) ва фитогормонлар синтези (фитостимуляция) каби механизмларда акс этади. Шу билан бирга, PGP микроорганизмларини тадқиқ этиш орқали уларнинг энг афзал жиҳати полифункционаллик эканлиги аниқланган.

Шўрланиш жиддий экологик муаммолардан бири ҳисобланиб, ўсимликларда осмотик стресс юзага чиқиши ва ўсиш жараёнининг пасайиши



хамда қурғоқчил ва яримқурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади. Шўрланиш стресси ўсимликларнинг метоболитик тузилишига салбий таъсир этиши натижасида ҳосилдорлик пасайди. Тупроқ эритмасидаги тузнинг ортиқча миқдори илдиз орқали сув сўрилишининг осмотик тормозланиши ёки специфик ионлар таъсирида ўсимликларнинг ўсишини пасайтиради. Шўрланиш  $\text{Na}^+$  ионларнинг сўрилишини кучайтиради, натижада  $\text{Ca}^+$  ва  $\text{K}^+$  ионларнинг сўрилиши камайди. Тузларни сақлаб туриш учун хужайраларнинг хужайралараро бўшлиқдаги ҳажми камайгач, хужайралар дегидратацияга учраб, ҳалок бўлади. Бирмунча юқори шўрланиш даражаси барг сонининг камайиши, баргларнинг ўсиши ва ўлчамининг камайиб, ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келади. Шўрланиш этилен биосинтезини кучайтириб, 1 аминоциклопропен 1 карбон кислотаси АСС даражасининг ортишига сабаб бўлиб, ўсимликлар тўқимасида физиологик ўзгаришлар чақиради. Бирқанча илмий тадқиқотларда АСС-дезаминаза ферменти сақловчи бактерияларнинг АСС-эндогенд даражасини гидролизга учратиб, уни этиленнинг оралиқ бирикмаси аммиак ва L кетобутиратга айлантириб, унинг ҳосил бўлишини камайтиришга оид маълумотлар олинган.

Кўплаб ўсимликлар PGPR ризобактерияларнинг ўсишига ёрдам бериб, бевосита ўзларининг патогенлари сонини қисқариши ёки атроф-муҳитдан озуқа моддаларини ўзлаштириши осонлашиши ҳисобига ўсиши ва ривожланиш жараёнларининг жадаллашишига сабаб бўлади. Шунингдек турли белгиларга эга хусусиятларга PGPR билан инокуляция қилинган ўсимликлар этиленнинг зарарли стресс таъсирига чидамли бўлиши билан ажралиб туради. Бундан ташқари PGPR ўсимликларни экологик стресслар, жумладан, сув босими, қурғоқчилик, шўрланиш, оғир металл тузлари ва фитопатогенларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилади. PGPR ни қалампир, дуккакли ўсимликлар, канола



салат каби ўсимликларда шўрланиш шароитларида синаб кўрилганда шўрланишнинг салбий таъсирини юмшатишга сабаб бўлиши аниқланган.

## ***AZOLLA CAROLINIANA* WILLD. БИОМАССАСИ ТАРКИБИДАГИ ЁҒ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ**

Норбобоева Р.Б.<sup>1</sup>, Абдураимова А.У.<sup>1</sup>, Абдырахманова Ж.С.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Тошкент фармацевтика институти

<sup>2</sup> Ўш давлат университети, Қирғизистон Республикаси

norboboeva2015@mail.ru

jazgulabdyrahmanova@gmail.com.

Фармацевтика соҳасида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50 фоизи доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда. Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини жадаллик билан ривожланиши доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар захираси етарли эмаслиги фармацевтика саноати корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган эҳтиёжини, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, ерни тежаб ўсимликларни етиштириш орқалигина эришиш мумкинлигини кўрсатади. Бироқ шу вақтгача доривор ўсимликлар етиштириш агротехникаси ҳар бир ўсимлик, ҳар бир минтақа учун алоҳида–алоҳида қилиб, мамлакатимизда доривор ўсимликларни етиштириувчи ихтисослашган, фермер, ўрмон, деҳқон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларида ўз хўжалиklarига мўлжалланган қўлланма сифатида тавсияномалар ишлаб чиқилмаган. Республикада сўнгги йилларда сув юзида қалқиб ўсувчи юксак сув ўсимлик турлар интродукция шароитида кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилмоқда ва уларнинг биокимёвий таркиби ўрганилиб, ишлаб-чиқариш корхоналари оқова сувларини тозалашда, балиқчилик, парандачилик ва чорвачиликда кўшимча озуқа сифатида қўлланилмоқда. Бунга хлорелла, ряска, эйхорния,



пистия, вольфия, ва каролина азолласи каби истиқболли ўсимликларни мисол келтириш мумкин. Мана шундай сув юзида қалқиб ўсувчи юксак сув ўсимликлардан бири *Azolla caroliniana* Willd. Май ойидан октябр ойигача (бир суткада  $250-300 \text{ г/ м}^2$ ), 450-540 т/ га ҳўл ёки 45-54 т/га мутлақ куруқ биомасса, йилнинг қолган вақтларида (бир суткада  $50-75 \text{ г/ м}^2$ ) 90-135 т/ га ҳўл ёки 9 -13,5 т/га мутлақ куруқ биомасса бериши аниқланган. Ўзбекистон шароитига интродукция қилинган азолла мана шундай сув юзида қалқиб ўсувчи юксак сув ўсимликлардан бири *Azolla caroliniana* Willd. биомассаси таркибидаги моддалар миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш соҳаларини ўрганиш. *Azolla caroliniana* биомассаси таркибидаги ёғлар миқдорини аниқлаш қуйидагича амалга оширилди. Фильтр қоғозидан тайёрланган патронга 20 г. *Azolla caroliniana* биомассасининг синов намунаси торозида тортилди. Ўлчанган массанинг хатоси 0,01 г. дан кўп бўлмаган. Унинг устига ёғсизланган пахта парчаси қўйилди. Шу тарзда тайёрланган патрон Сокслет аппарати экстракторига жойлаштирилди. Сокслет аппарати колбаси унинг ҳажмининг тахминан 2/3 қисмигача экстракцион бензин билан тўлдирилган, экстракторга улангандан сўнг сув ҳаммомида иситилди. Ушбу экстракция 8 соат давом эттирилди. Кейин патрон экстрактордан чиқарилди ва эритувчи колбадан экстракторда дистилланди. Экстракторни сифон найчасининг юқори қисмига тўлдиргандан сўнг, соф эритувчи экстрактордан чиқарилди, сўнгра у яна Сокслет аппарати билан бириктирилди ва колбада қолган эритувчи дистилланди. Эритувчи дистилланганидан сўнг, экстрактор ажратилди ва колба ваннада эритувчи буғлангунга қадар сақланди. Эритувчи буғлангандан сўнг колба печкага солинди ва у  $105 \pm 5 \text{ }^\circ \text{C}$  ҳароратда 60 минут давомида қуритилди, эксикаторда совутилди ва тортилди. Кейинги тортиш 30 дақиқа давомида такрорий қуритгандан сўнг амалга оширилди. Қуритиш ва тортиш кетма-кет иккита тортиш натижаларининг



фарқи 0,001 г дан ошмагунча такрорланади.

*Azolla caroliniana* биомассаси таркибидаги ёғлар миқдори ўрганилганда куйидагича кўрсаткичлар аниқланди. *Azolla caroliniana* биомассаси таркибидаги ёғ миқдори 8,0 % ни ташкил этди. Бундан ташқари *Azolla caroliniana* биомассаси таркибида В<sub>12</sub> цианокобаламиннинг миқдори 2,26, мг/кг ни ва В<sub>1</sub> тиаминни миқдори эса 1,21 мг/кг ни ташкил этди. В<sub>3</sub> ниацин, никотинамиднинг таркибида 0,024 мг/кгни ташкил этиб, бошқа витаминларга нисбатан кам эканлиги аниқланди.

## НЎХАТДАН ГЛИКОПРОТЕИД АЖРАТИШ

Турсунова С.З.<sup>3</sup>, Тошмухаммедова Ш.С.<sup>1</sup>, Рашидова Н.Қ.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

<sup>2</sup> Тошкент Фармацевтика институти

<sup>3</sup> Тошкент Фармацевтика институти

solikhazamonova@gmail.com

Лектин бугунги кунда гликобиология соҳасида тез суратлар билан ривожланмоқда. Бунга сабаб, лектин иммунологик хусусиятга эга бўлмаган бироқ ўзига хос углеводлар билан боғлана олиш хусусиятига эга бўлган моддалар мураккаб оқсиллар синфига мансуб бўлиб, ушбу моддага турли ўсимликлар, жумладан дукакли ўсимликлар жуда бойдир. Ўсимликлар таркибидаги гликопротеидларнинг ўзига хос бўлган бундай хусусияти унинг турли соҳаларда жумладан тиббиётда, диагностикада, биотиббиётда ва шу билан бирга биотехнология соҳаларида қўллаш имконини яратди. Ўсимликлардан ажратиб олинган гликопротеидлар бугунги кунда бир қатор олимлар томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Сабаби, ўсимликлардаги гликопротеидлар яъни лектин деб номланувчи моддалар юқори спецефикликка эга бўлиб, қандли моддалар қолдиқларига боғланади ва шу билан бирга хужайра усти углеводлари



ва оксиллари ва вирус гликопротеидлари ва гликолипидлари билан боғлана олади.

Лектинларнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири қондаги эритроцитлар билан боғланиш хусусиятидир ва шу билан бирга улар гемагглютинация реакциясини амалга оширади. Лектинларнинг ушбу функцияси уларнинг фаоллигини аниқлаш имконини беради.

Шу сабабли, турли манбалардан олинган лектинлар юқумли касалликлар диагностикасида, қон гуруҳини аниқлашда, қондаги баъзи бир кераксиз қолдиқларни чиқариб ташлашда кенг қўлланилмоқда.

Юқоридагиллардан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга нўхат ўсимлигидан лектин моддасини ажратишни мақсад қилиб олдик.

Бунинг учун нўхатни 500гр миқдорда тортиб олдинди нўхат доналари яхшилаб ювдилди ва филтр қоғоз юзасида қуритилди сўнгра нўхат доналарини аввал механик тарзда сўнгра гомогенизаторда майдаланди майдалаш жараёнида майдаланган нўхат устига 0.9%ли натрий хлор эритмасидан қуйдилди сўнгра аралашмани 1 сутка давомида 18-20<sup>0</sup>С ҳароратида махсус чайқатгичда инкубация қилиб чайқатилди сўнг филтирдан ўтказилди ва 10 минут давомида 6 000 айланиш тезлигида центрифугаланди. Шундан сўнг чўкма усти суйюқлигини ажратиб олиниб унга ph -7,5 бўлган фасфат буфери эритмасидан солиб бироз суюлтирилди хосил бўлган экстаркт таркибидаги гликопротеитларни чўктириш учун NH<sub>4</sub> SO<sub>4</sub> тузидан фойдаланилди бунинг учун NH<sub>4</sub> SO<sub>4</sub> тузининг 40% ва 60% лик эритмаларидан фойдаланилди. Тажрибада шуни аниқландики NH<sub>4</sub> SO<sub>4</sub> тузининг 40%ли эритмасида оксил тўлиқ чўкмага тушмади. Тузнинг 60%ли эритмаси ёрдамида гликопротеитларнинг тўлиқ чўкиш кузатилди ушбу ҳолатни СФ-16 ёрдамида аниқланилди NH<sub>4</sub>SO<sub>4</sub> тузининг 60% эритмасида ажратиб олинган нўхат гликопротеидларини бази моддалардан тозалаш учун диализ



қилинди. Диализ жараёни 4-5 соат давомида дистилланган сувга нисбатан ўтказилди ҳамда лиофил қуритгич ёрдамида қуритилди. Тажриба натижаларини аниқлаш мақсадида нўхатдан ажратилган гликопротеид концентрациясини Лоури методи ёрдамида текширилди.

Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, нўхатдан ажратилган гликопротеид таркибида 78-80% оқсил моддаси борлиги аниқланди.

### **DORIVOR O'SIMLIK *GINKGO BILOBANI* IN VITRO SHAROITIDA MIKROKLONLI KO'PAYTIRISH**

Ubaydullayeva H.A., Buriev Z.T., Babadjanova F.I., Sultonova Sh.A.,  
Bolqiyev A.A., Eshmirzayev J.B.

O`zR FA Genomika va bioinformatika markazi  
[hurshida\\_70@mail.ru](mailto:hurshida_70@mail.ru)

Biotexnologiyaning muhim va dolzarb yo'nalishlaridan biri *in vitro* kulturalash asosida ikkilamchi metabolizm moddalarini ishlab chiqarishdir. Shu tarzda tibbiyotda, oziq-ovqat va parfyumeriyada ishlatiladigan efir moylari, alkaloidlar, terpenlar, glikozidlar olinadi. Shu nuqtai nazardan, *in vitro* kulturalashda ikkilamchi metabolitlarning sintezini kuchaytiradigan hujayra texnologiyalarini rivojlantirish juda istiqbolli va dolzarbdir.

*Ginkgo biloba L.* – bugungi kungacha saqlanib qolgan *Ginkgo* oilasining yagona turi. O'simlik o'zining dorivor xususiyatlari bilan noyobdir. *Ginkgo bilobaning* shifobaxsh xususiyatlari borasida olimlar yigirmanchi asrning oltmishinchi yillarida daraxtining noyob shifobaxsh xususiyatlarini o'rganishga kirishdilar. Ular uning shifobaxsh kuchi to'g'risida juda ko'plab ma'lumot yig'a boshladilar, shuningdek, bu o'simlik butun inson tanasida qanday harakat qilishi haqida tadqiqotlar o'tkazdilar va quyidagi shifobaxsh xususiyatlarga ega ekanligini aniqladilar: u tomirlar, kapillyarlarda qon aylanishini yaxshilaydi, buning natijasida tirik organizmning barcha a'zolari va



to'qimalarini kislorod bilan ta'minlash yaxshilanadi, miya va xotiraning faoliyati tiklanadi; trombotsitlarning yopishib qolishidan va qon quyilishidan saqlaydi; bronxial astma xurujlarini bartaraf etishga yordam beradi; uyqusizlik va depressiyani davolashda samarali ishlaydi; qandli diabetni davolashda almashtirib bo'lmaydigan vosita; saraton kasalligida metastazlarning o'sishini to'xtatish qobiliyatiga ega.

Bizning tadqiqotimizning maqsadi *Ginkgo bilobaning in vitro* kulturalash jarayonlarini optimallashtirish. *Ginkgo biloba L.* dekorativ daraxt sifatida va ginkgolidlar deb nomlangan farmakologik xususiyatlarga ega bo'lgan ko'plab kimyoviy moddalarning manbai sifatida katta ahamiyatga ega. Ushbu osimlikni tabiiy shariotda kopaytirish, urug'larining past unuvchanligi kabi qiyinchiliklar mavjud bo'lganligi sababli, *in vitro* usulda ko'chatlarning vegetativ ko'paytirish uslublarini ishlab chiqish zarur. Ko'p maqsadlarda ishlatiladigan dorivor daraxtlarni *in vitro* usulda ko'paytirish protokollari haqida ko'plab ma'lumotlar mavjud, ammo adabiyotlarda *Ginkgo biloba* yetishtirish bo'yicha ma'lumotlar kam. Tajribamizni Genomika va bioinformatika markazininig Transgenomika va to'qimalar kulturasi laboratoriyasida *Ginkgo biloba L.* ni apikal kurtaklaridan olib Murashige va Skoog muhitida turli xil o'sish regulyatorlari va boshqa moddalar bilan boyitilgan ozuqa muhitlarida o'stirish boyicha tadqiqotlar olib borilmoqda.

**AJUGA TURKESTANICA (LAMIACEAE) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ  
ЭНДОФИТ БАКТЕРИЯЛАРИ АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ  
МОДДАЛАР ОЛИШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

Умрузоқов А., Мамарасулов Б.

ЎзР ФА Микробиология институти  
microbio@academy.uz

Республикамизда ҳам ўсимликлардан олинадиган табиий биологик фаол иккиламчи метаболитларга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан,



*Lamiaceae* оиласига мансуб *Ajuga turkestanica* ўсимлигининг иккиламчи биологик фаол метаболитларининг биологик фаолликларини ўрганиш натижасида, ушбу ўсимликдан цитотоксик, антиоксидант ва микробларга қарши таъсирга эга компонентлар аниқланган.

Ҳозирги пайтда *Ajuga turkestanica* доривор ўсимлигининг иккиламчи метаболитлари кимёвий экстракция қилиш йўли билан ажратиб олинади. Аммо бу усулда ўсимликдан биологик фаол метаболитларни олишда бир қатор муаммолар мавжуд. *Ajuga turkestanica* доривор ўсимлиги Ўзбекистон учун эндем тур ҳисобланиб, фақатгина Сурхондарё вилояти Бойсун тумани худудида жойлашга тоғ тизмаларидагина (Жанубий Помир – Олой тоғларининг жанубий – ғарбий ён бағирларида) учрайди.

Кимёвий экстракция йўли билан ўсимликлардан биологик фаол моддалар ажратиб олиш жараёнига катта миқдордаги ўсимлик биомассаси талаб қилади. *Ajuga turkestanica* доривор ўсимлиги Ўзбекистон флораси учун ноёб тур эканлиги, турнинг эндемик бўлиши ушбу доривор ўсимликни йиғиб келиб катта миқдорда фойдаланиш мумкин эмаслиги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва саноат миқёсида фойдаланишда катта муаммо туғдиради. Кимёвий экстракция йўли билан ўсимликдан биологик фаол моддалар ажратиб олиш мавсумий бўлиб, бир йилда бир марта амалга оширилади (ўсимликнинг вегетация даврини кутиш кераклиги) бу ҳам саноат миқёсида фойдаланишда катта муаммо туғдиради.

Агар бу жараёнга *Ajuga turkestanica* доривор ўсимлигидан ажратиб олинadиган эндофит микроорганизмлар танланса кўплаб муаммоларга ечим топилади, жумладан: Доривор ўсимликлардан олишга асосланган бу биологик фаол метаболитларни, эндофит микроорганизмлардан олинadиган бўлса ўсимлик манбаларига бўлган қарамлигимизни камайтиради ва натижада Республикамиз



худудида ноёб хусусиятга эга бўлган *Ajuga turkestanica* доривор ўсимлигининг биологик хилма-хиллиги ошиб боришига хизмат қилади. Микроб продуцентларининг арзонлиги ва ўсимликлардан биологик фаол моддалар ажратиб олиш жараёнининг тезлашиши ва сарф бўладиган вақтнинг қисқаришига олиб келади. Микроб продуцентлари ёрдамида иккиламчи биологик фаол моддалар олишнинг вақт танламаслиги, яъни жараённи йилнинг биз хоҳлаган фаслларида амалга оширишимиз мумкин бўлади. Бу жараён учун катта миқдордаги ўсимлик биомассасининг талаб қилинмаслиги, яъни жараён учун 1-5 грамм ўсимлик биомассаси кифоя қилиши амалга ошириладиган жараённинг биотехнологик жихатдан янги инновацион ечими мавжуд эканлигининг далолатидир.

Биологик фаол метаболитларни эндофит микроорганизмлар орқали олиш кимёвий экстракция йўли билан олиш билан таққослаб кўрилганда иқтисодий жихатдан саралидир. Бу усул орқали Ўзбекистон Республикаси худудида тарқалган бошқа ноёб хусусиятларга эга бўлган ва Республика “Қизил Китоби” га киритилган йўқолиб кетиш хавфи бўлган доривор ўсимликлардан фармацевтика соҳасида кенг миқёсда фойдаланиш имконини беради.

## **БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ЗЕРНА ПШЕНИЦЫ НА ПОЧВАХ, ЗАГРЯЗНЕННЫХ ТЯЖЕЛЫМИ МЕТАЛЛАМИ**

Хужаева С.М.<sup>1</sup>, Мирзарахметова Д.Т.<sup>2</sup>, Джуманиязова Г.И.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ташкентский химико-технологический институт

<sup>2</sup> Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова  
gulnara2559@mail.ru

Почвы, загрязненные тяжелыми металлами, могут загрязнять сельскохозяйственные растения, которые на них выращиваются. Несмотря на то, что проблема насыщения биосферы тяжелыми металлами последние двадцать



лет привлекает пристальное внимание общественности, загрязнение почвы тяжелыми металлами изучено в меньшей степени. При этом не существует твердо установленных предельно допустимых концентраций тяжелых металлов в системе почва - растение - животное - человек. Поэтому поиск мер защиты пищевой цепи от тяжелых металлов – является актуальной проблемой.

Для снижения негативного воздействия тяжелых металлов при выращивании сельскохозяйственных культур на загрязненных тяжелыми металлами почвах необходимо использовать экологически безопасные биотехнологические подходы на основе местных штаммов эффективных почвенных и ризосферных микроорганизмов. Микроорганизмы находятся у истоков трофической цепи, по которой металлы попадают в высшие организмы. С помощью почвенных микроорганизмов можно контролировать степень загрязнения почв тяжелыми металлами и использовать микроорганизмы в качестве индикаторов на загрязнение почв.

